

Бош илмий-методик
марказ

2021

Ўқув-услубий мажмуа

**ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШДА
ХАЛҚАРО ТАЖРИБАЛАР**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

“Таълим сифати менежменти” йўналиши учун

**“ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШДА ХАЛҚАРО
ТАЖРИБАЛАР”**

модули бўйича

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тузувчилар: **Ф.Назарова** – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, **А.Джураев**-Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

Такризчи: **Ф.М.Зокирова** - педагогика фанлари доктори, профессор

Ўқув -услубий мажмуа Бош илмий-методик марказ Илмий методик Кенгашининг қарори билан нашрга тавсия қилинган
(2020 йил “30” декабрдаги 5/4-сонли баённома)

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	5
II. МОДУЛНИ ҶЌИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	18
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР	244
IV. АМАЛИЙ МАШЌУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	96
V. ГЛОССАРИЙ	129
VI. АДАБИЁТЛАР РЀЙХАТИ	132

I. ИШЧИ ДАСТУР

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”да олий таълим жараёнларига рақамли технологиялар ва замонавий ўқитиш усулларни жорий этиш, ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, мамлакатимизда ҳам кейинги йилларда олий таълим соҳасини жадал ривожлантириш, хусусан ҳар бир таълим тизимида замонавий инновацион технологияларни жорий қилиш, ривожланган хорижий тажрибани ўрганиш, ҳар томонлама билимли, етук, илғор коммуникация тизимларини яхши ўзлаштирган, жаҳон стандартлари даражасида соғлом фикрлайдиган кадрларни шакллантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб ва барча фанлар бўйича амалий машғулотлар улушини ошириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган.

Мамлакатимизнинг истиқболдаги ривожланишини белгилаб берган “2017-2021 йилларда ҳаракатлар стратегияси”ни амалга оширишда Ўзбекистоннинг тинчлик, хавфсизлик ва барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, халқаро интеграцияда ҳам фаол ҳамкорлиги янада кучаймоқда. Ҳаётимизга кириб келаётган кўплаб халқаро замонавий тажрибалар, технологиялар замонавий бошқарув мутахассисларини талаб қилмоқда. Шу боисдан ҳам олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этишда “Таълим сифатини таъминлашда халқаро тажрибалар” модулини мукамал ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Таълим сифатини таъминлашда халқаро тажрибалар” модулининг мақсади - олий таълим сифатини таъминлашда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиларини хорижий олий таълим муассасаларида таълим жараёни сифати назоратининг меъёрий-ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш асосида халқаро тажрибаларини қўллаш, сифатни баҳолашнинг халқаро методлари, баҳолашнинг асосий тамойиллари бўйича тушунчаларни, ҳамда хорижий ва маҳаллий олий таълим муассасаларида таълим жараёни сифатини ички назоратининг қиёсий таҳлилини амалга ошириш бўйича билим ва кўникмаларни шакллантиришдан иборат.

“Таълим сифатини таъминлашда халқаро тажрибалар” модулининг вазифалари:

- халқаро тажрибалар асосида таълим жараёнларини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг инновацион методларини таҳлил қилиш;
- таълим сифатини таъминлашда халқаро тажрибалар асосида талабаларнинг мустақил ишини режалаштириш;
- халқаро тажрибалар асосида педагоглар фаолиятини ҳамда ўқув жараёнининг услубий таъминотини таҳлил қилиш;
- таълим сифатини таъминлашда қонун ва қонун ости ҳужжатларини таҳлил этишнинг халқаро тажрибаси;
- олий таълимга тегишли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишнинг халқаро тажрибаси;
- тингловчиларда ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг халқаро тажрибаси.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Таълим сифатини таъминлашда халқаро тажрибалар” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

ТИНГЛОВЧИ:

- Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия, Европа, Германия, Франция, Япония, Хитой, Корея, Жанубий-Шарқий Осиё, шунингдек Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари олий таълим муассасаларида таълим жараёни сифати назоратининг меъёрий-ҳуқуқий асосларини;
- таълим жараёнларини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг инновацион методлари хориж тажрибасини;
- ўқув жараёнининг услубий таъминотини тайёрлаш тамойилларини;
- хориж тажрибаси асосида таълим натижаларини баҳолаш усулларини;
- хориж олий таълим муассасаларида таълим соҳасини бошқаришнинг ҳуқуқий асослари, таълим соҳасига оид қонун ҳужжатлари ва уларнинг мазмунини;
- таълим муассасаларида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишнинг хориж тажрибасини;
- давлат таълим стандартлари, тегишли таълим (мутахассислик) йўналишлари бўйича давлат таълим стандарти, ўқув режалар ва фан дастурлари ва уларга қўйиладиган талабларни, ўқув режалари ва ўқув фанлари дастурларини такомиллаштириш тамойилларини, ўқув юкламаларини режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш

методлари бўйича хориж тажрибаси ҳақидаги **билимларга эга бўлиши**;

- халқаро тажрибаларни таълим тизимида қўллаш асосида таълим жараёнларини ташкил этиш;
- талабаларнинг мустақил ишини режалаштириш ва ташкил қилиш;
- ўқув жараёнининг услубий таъминоти ва силлабусни яратиш;
- таълим натижаларини лойиҳалаш, билим даражаларини белгилаш ва таълим натижаларини баҳолаш;

- педагог ходимларнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиш;

- таълим муассасаларида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимида оид қабул қилган фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълим тизимида тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари асосида таълим-тарбия жараёнларини ташкиллаштириш;

- Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари асосида Давлат таълим стандартлари, тегишли таълим (мутахассислик) йўналишлари бўйича давлат таълим стандарти, ўқув режалар ва фан такомиллаштириш;

- ўқув юкларини режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш **кўникма ва малакаларини эгаллаши**;

- халқаро тажрибаларни таълим тизимида қўллаш асосида ўқув-тарбия жараёнини лойиҳалаштириш ва ташкил этиш;

- таълим жараёни сифатини назорат қилиш бўйича хорижий тажрибаларни таҳлил қилиш;

- Ўзбекистон Республикаси ОТМларида таълим жараёни сифатини назорат қилишнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш;

- хорижий ва маҳаллий ОТМларида таълим жараёни сифати назоратини қиёсий таҳлил қилиш;

- таълим жараёни сифатини назорат қилиш бўйича хорижий тажрибаларни маҳаллий ОТМларга тадбиқ этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

- 2021-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси асосида ОТМ\факультет\кафедрани ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимида оид қабул қилган фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг Олий таълим тизимига тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг таълим тизимига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш;

- Давлат таълим стандартлари, ўқув режалар ва фан дастурлар асосида фаннинг ишчи дастурини ишлаб чиқиш **компетенцияларига эга бўлиши лозим.**

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Таълим сифатини таъминлашда халқаро тажрибалар” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида тақдимот ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, блиц-сўровлар, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, ва бошқа интерфаол таълим методларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Таълим сифатини таъминлашда халқаро тажрибалар” модули бўйича машғулотлар ўқув режасидаги “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш”, “Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш” каби модуллар билан узвий алоқадорликда олиб борилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим сифатини таъминлашда хориж ОТМларида таълим ва тарбия жараёнларини норматив-ҳуқуқий асослари, сифатни баҳолашнинг халқаро методлари, баҳолашнинг асосий тамойиллари бўйича тушунчаларни, ҳамда хорижий ва маҳаллий олий таълим муассасаларида таълим жараёни сифатини ички назоратининг қиёсий таҳлилини амалга оширишга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

МОДУЛ БЎЙИЧА СОАТЛАР ТАҚСИМОТИ

№	Модул мавзулари	Аудитория ўқув юклариси		
		Жами	Назарий	Амалий машғулот
1.	Таълим сифатини таъминлашда миллий ва хорижий тажрибанинг ўзаро боғлиқлиги	2	2	
2.	Таълим сифатини баҳолашда ривожланган мамлакатлар тажрибасини татбиқ этиш омиллари	2	2	
3.	Таълим сифатини таъминлашда миллий ва хорижий тажрибанинг ўзаро боғлиқлиги (европа мамлакатларининг тажрибалари)	4		4
4.	Ривожланган мамлакатлар олий таълим тизимида сифатни баҳолаш усулларини татбиқ этиш омиллари (осиё ва шарқ мамлакатларининг тажрибалари) буюк британия олий таълим тизими сифатини назорат қилиш агентлиги	4		4
	Жами:	12	4	8

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-МАВЗУ: ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШДА МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАНИНГ ЎЗARO БОҒЛИҚЛИГИ (2 соат)

Режа:

1. Таълим тизимини ташкил этиш ва бошқаришнинг асосий хусусиятлари.
2. Мамлакатимизда таълим тизимини ислоҳ этишда хорижий давлатлар тажрибасини ўрганишнинг ўрни.
3. Таълим тизимини ривожлантиришда МДХ давлатлари ва ривожланган хорижий давлатлар билан ҳамкорлик ошириш йуллари. (Европа, Осиё ва Шарқ мамлакатларининг тажрибалари).

Ривожланган хорижий давлатларда таълим тизимини бошқаришда олий таълим муассасаларни бошқаришнинг ташкилий тузилмаси. Олий таълим сифатини бошқариш самарадорлигини таъминлаш. Тузилмавий ўзгаришлар. Мамлакатимизда таълим тизимини ислоҳ этишда хорижий давлатлар тажрибасини ўрганишнинг ўрни. Олий таълим муассасасининг рақобатчиликдаги устунликларини таъминлайдиган янги таълим хизматлари турларини жорий қилиш. Ўзбекистон Республикасида жорий қилаётган таълим тизимининг миллий модели таълим соҳасини ривожлантириш борасидаги хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва мамлакатимизга хос бўлган жиҳатлари.

Таълим тизимини бошқаришда Ўзбекистон, МДХ давлатлари ва ривожланган хорижий давлатлар билан ҳамкорлик. Буюк Британия олий таълим тизими сифатини назорат қилиш Агентлиги Таълим соҳасидаги халқаро ташкилотлар.

Таълим соҳасини бошқаришнинг ҳуқуқий асослари. Таълим соҳасига оид қонун ҳужжатлари ва уларнинг мазмуни. Педагог ходимларнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимига оид қабул қилган фармонлари, қарорлари ва фармойишлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълим тизимига тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари. Давлат таълим стандартлари, тегишли таълим (мутахассислик) йўналишлари бўйича давлат таълим стандарти, ўқув режалар ва фан

дастурлари ва уларга қўйиладиган талаблар. Ўқув режалари ва ўқув фанлари дастурларини такомиллаштириш тамойиллари. Ўқув юкламаларини режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш методлари.

Таълим муассасаларида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишнинг ҳуқуқий ва маънавий-маърифий асослари.

2-МАВЗУ: ТАЪЛИМ СИФАТИНИ БАҲОЛАШДА РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИНИ ТАТБИҚ ЭТИШ ОМИЛЛАРИ (2 соат)

Режа:

1. Олий таълим тизимида таълим сифатини баҳолашнинг хорижий тажрибалари ва ўзига хос хусусиятлари.

2. Халқаро таълим тизимида сифатни баҳолаш моделлари ва уларни қўллаш усуллари. Буюк Британия олий таълим тизими сифатини назорат қилиш Агентлиги.

3. Таълим тизимини ташкил этиш ва сифатини оширишда халқаро стандартларнинг аҳамияти. Халқаро стандартлар тамойиллари.

Халқаро амалиётда сифатнинг беш асосий йўналиши. Давлат ва таълим муассасалари ўртасида таълим сифатини таъминлаш бўйича масъулиятни тақсимлаш. Олий таълим тизимида таълим сифатини баҳолашнинг хорижий тажрибалари ва ўзига хос хусусиятлари. Халқаро таълим тизимида сифатни баҳолаш моделлари ва уларни қўллаш усуллари. Таълим тизимини ташкил этиш ва сифатини оширишда халқаро стандартларнинг аҳамияти. Олий таълим сифатини баҳолашнинг турли мамлакатларда юзага келган “инглизча”, “французча” ва “америкача” моделлари. Англия таълим тизими сифатини таъминловчи хусусиятлари. Франция таълим тизими сифатини таъминловчи хусусиятлари. Америка таълим тизими сифатини таъминловчи хусусиятлари. Жаҳон тажрибасида олий таълимни баҳолаш тизими. Буюк Британия олий таълим тизими сифатини назорат қилиш Агентлиги.

Таълим сифатини таъминлаш, уни назорат қилиш орқали рақобатбардош ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш масалалари. Таълим тизимини ташкил этиш ва сифатини оширишда халқаро стандартлар. ISO 9000 стандартлар тўпламида келтирилган сифатни бошқариш моделлари.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-МАВЗУ: ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШДА МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАНИНГ ЎЗARO БОҒЛИҚЛИГИ (ЕВРОПА МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ТАЖРИБАЛАРИ)

(4 соат)

Ривожланган хорижий давлатларда таълим тизимини бошқаришда олий таълим муассасаларни бошқаришнинг ташкилий тузилмаси. Олий таълим сифатини бошқариш самарадорлигини таъминлаш. Тузилмавий ўзгаришлар. Мамлакатимизда таълим тизимини ислоҳ этишда хорижий давлатлар тажрибасини ўрганишнинг ўрни. Олий таълим муассасасининг рақобатчиликдаги устунликларини таъминлайдиган янги таълим хизматлари турларини жорий қилиш. Ўзбекистон Республикасида жорий қилаётган таълим тизимининг миллий модели таълим соҳасини ривожлантириш борасидаги хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва мамлакатимизга хос бўлган жиҳатлари.

Таълим тизимини бошқаришда Ўзбекистон, МДХ давлатлари ва ривожланган хорижий давлатлар билан ҳамкорлик. Таълим соҳасидаги халқаро ташкилотлар.

2-МАВЗУ: РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАР ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА СИФАТНИ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИНИ ТАТБИҚ ЭТИШ ОМИЛЛАРИ (ОСИЁ ВА ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ТАЖРИБАЛАРИ) БУЮК БРИТАНИЯ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ СИФАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ АГЕНТЛИГИ

(4 соат)

Халқаро амалиётда сифатнинг беш асосий йўналиши. Давлат ва таълим муассасалари ўртасида таълим сифатини таъминлаш бўйича масъулиятни тақсимлаш. Олий таълим тизимида таълим сифатини баҳолашнинг хорижий тажрибалари ва ўзига хос хусусиятлари. Халқаро таълим тизимида сифатни баҳолаш моделлари ва уларни қўллаш усуллари. Таълим тизимини ташкил этиш ва сифатини оширишда халқаро стандартларнинг аҳамияти. Олий таълим сифатини баҳолашнинг турли мамлакатларда юзага келган “инглизча”, “французча” ва “америкача” моделлари. Англия таълим тизими сифатини таъминловчи хусусиятлари. Франция таълим тизими сифатини таъминловчи хусусиятлари. Америка таълим тизими сифатини таъминловчи хусусиятлари. Жаҳон тажрибасида олий таълимни баҳолаш тизими. Олий таълим муассасалари ривожланишини мувофиқлаштирувчи давлат бошқарувининг ваколатли органи мавжуд бўлган мамлакатлардаги олий таълимни баҳолаш тизими.

Таълим сифатини таъминлаш, уни назорат қилиш орқали

рақобатбардош ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш масалалари. Таълим тизимини ташкил этиш ва сифатини оширишда халқаро стандартлар. ISO 9000 стандартлар тўпламида келтирилган сифатни бошқариш моделлари.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, мотивацияни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ривожлантириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.

3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.

4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажак фаёвон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.

5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.–Т.:Ўзбекистон, 2018.

7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь

“2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 343-сонли Қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2001 йил 16 августдаги “343-сонли қорорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сонли қарори.

Ш. Махсус адабиётлар:

16. Апакаев П.А., Мерлина Н.И., Матвеева О.А. Системно-функциональный анализ подходов к понятию «качество образования» // Современные проблемы науки и образования. – 2012. – № 3. – С. 16-19.

17. Мирзахмедов Б.Х., Норкулова К.Т. Олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот фаолиятини бошқариш ва самарадорлигини ошириш масалалари// “Олий таълим тизимида илмий-тадқиқот фаолиятини самарали ташкил этиш ва натижавийлигини оширишнинг долзарб масалалари” Республика илмий-амалий конференцияси маърузалар тўплами, Тошкент, 11 декабрь, 2014 йил, 44-49 б.

18. Рябов Л.П. АҚШ, Япония, Германия, Франция, Буюк Британия каби ривожланган давлатлар олий таълим тизимидаги инновацион жараёнлар ва ижобий ўзгаришлар таҳлили. –М.: 2011.

19. Эрқаева Г.П. Таълим сифатини оширишда хорижий ҳамкорлик // Та`kbv, fan va innovatsiya. Тошкент. 2015. №3. 27-30 б.

20. American Association for Higher Education and Accreditation (AAHEA) Standarts.
21. Andreas Houecht (2006) Quality Assurance in UK Higher Education. Springer. Higher Education. 51. 541-563.
22. Campbell C., C.Rozniyai. Quality assurance and development of course Programmes. Bucharest. – 2002. - UNESCO Series. - P. 14-15.
23. Cheng Y.C., Tam W.M. (1997) Multy Models of Quality in Education. Quality Assurance in Education, University of Oslo. - 5. – P. 22-31.
24. Convention on the Recognition of Qualifications concerning Higher Education in the European Region. Lisbon, 11. IV. 1997.
25. Csizmediya T. Quality Management in Hungarian higher education. The International Journal for Quality and Standarts. - 2002. -P. 14-17.
26. Diana G., What is Quality in Higher Education? Sicity for Research into Higher Education. - Ltd. London. – P. 1-21.
27. European Higher Education Area and Bologna Process.
28. Houecht A.. Quality Assurance in UK Higher Education. - Springer. - Higher Education. - 51. –P. 541-563.
29. International Organization for Standardization (2006). The ISO survey of certifications 2005. Genève: ISO Central Secretariat.
30. International Organization for Standardization. (2009a). ISO 9001: 2008 handbook for educational organizations –What to do: Advice from IWA 2 working group (2nd ed.). Switzerland: Author.
31. Quality Assurance and Accreditation. UNESCO [ISBN 92-9069-178-6].
32. Standards and Guidelines for Quality Assurance in the European Higher Education Area (ESG).
33. The European Commission on New modes of learning and teaching in higher education. October, 2014. Luxembourg: Publications Office of the European Union. – 2014. – 68 pp.
34. Tibor Csizmediya (2006) Quality Management in Hungarian higher education. The International Journal for Quality and Standarts. P. 14-17.
35. U.S. Department of Education. Accreditation: Universities and Higher Education. Council for the Advancement of Standarts (CAS) Professional Standards for Higher Education.
36. Vlasceanu L., L.Grunberg, D.Parlea. Quality Assurance and Accreditation: Glossary of Basic Terms and Defenations. -Bucharest: UNESCO [ISBN 92-9069-178-6].
37. World Bank. (1994). Higher Education: Lessons of Experience. Washington D.C. pp 66-76.

IV. Интернет сайтлари:


38. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
39. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси
40. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази
41. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали Ziyonet
42. <http://natlib.uz> – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси.

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ


II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ


“Нима учун?” технологияси.

Нима учун схемаси мавжуд муаммони келтириб чиқарган сабабларини аниқлашга ёрдам берувчи схемадир. Сабаб-оқибат қонунига асосан муаммони келтириб чиқарувчи сабабларни аниқламай туриб муаммони ҳал этиш қийин. Муаммони ечимини топиш учун уни келтириб чиқарган сабабларни аниқлаш ва йўқотиш талаб этилади. Тингловчиларда сабаб-оқибат қонунияти асосида фикр юритишни тарбиялаш муҳим. Ушбу схема тингловчиларда айнан ана шу хусусиятни ривожлантиради. Тингловчиларда тизимли, ижодий, таҳлилий мушоҳада қилиш кўникмаларини ривожлантиради.




“Нима учун”? схемасига асосан тингловчилар фаолиятини ташкил этиш кетма-кетлиги





3-босқич


Тингловчилар кичик гуруҳларга бирлаштирилади, ўз схемаларини таққослашга ва қўшимча киритишга имкон яратилади. Умумий схема жамланади.



4-босқич

Натижалар тақдимоти уюштирилади. Фаолият натижалари баҳоланади.

«Нима учун?» технологиясининг схемадаги кўриниши



«Нима учун»? схемасини тузиш қоидалари

1. Қандай пиктограммадан фойдаланишни ўзингиз ҳал этасиз.
2. Мулоҳазаларнинг схематик кўриниши қандай бўлишини ўзингиз ҳал этасиз.
3. Ҳар бир стрелка фикр йўналишини кўрсатиши лозим.

«БЕЕР» технологияси.

Бу технология мураккаб, кўп тармоқли, мумкин қадар, муаммо характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган.

Технологиянинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир йўла ахборот берилади. Айни пайтда, уларнинг ҳар

бири алоҳида нуқталардан муҳокама этилади. Масалан, ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари белгиланади.

Бу интерактив технология танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўз ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда ихчам баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади.

“ВЕР” технологияси умумий мавзуни айрим тармоқларини муҳокама қилувчи кичик гуруҳларнинг ҳар бир қатнашувчининг, гуруҳнинг фаол ишлашига қаратилган.

“ВЕР” технологияси мавзуни ўрганишнинг турли босқичларида қўлланилиши мумкин:

- бошида: ўз билимларини эркин фаоллаштириш;
- мавзуни ўрганиш жараёнида; унинг асосийларини англаб етиш;
- яқунлаш босқичида; олинган билимларни тартибга солиш.

Асосий тушунчалар қуйидагилар:

Аспект (нуқтаи назар) билан предмет, ходиса, тушунча текширилади.

Афзаллик - бирор нарса билан қиёслангандаги устунлик, имтиёз.

Фазилат-ижобий сифат.

Нуқсон-номукамаллик, қоидаларга, мезонларга номувофиқлик.

Хулоса-муайян бир фикрга, мантикий, қоидалар бўйича далилдан натажага келиш.

ФСМУ технологияси.

(Ф) - фикрингизни баён этинг.

(С) - сабабини кўрсатинг.

(М) - мисол (далил) келтиринг.

(У) - умумлаштиринг.

Ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал этишда, баҳс-мунозаралар ўтказишда ёки ўқув-семинар якунида (тингловчиларнинг ўқув семинари ҳақидаги фикрларини билиш мақсадида) ёки ўқув режаси асосида бирон бўлим ўрганиб бўлингач қўлланилиши мумкин, чунки бу технология тингловчиларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга, шу билан бир қаторда тингловчиларнинг, ўқув жараёнида эгаллаган билимларини таҳлил этишга, қай даражада эгалаганликларини баҳолашга ҳамда тингловчиларни баҳслашиш маданиятини ўргатади.

Ушбу технологиянинг асосий мақсади тингловчиларга тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ифода этиб, тасдиқловчи

даллилар ёки инкор этувчи фикрларни баён этишга ёрдам беради.

Ушбу технология бир неча босқичда ўтказилади:

1-босқич.

-ўқитувчи тингловчилар билан бирга баҳс мавзусини ёки муҳокама этилиши керак бўлган муаммони, ёки ўрганилган бўлимни белгилаб олади;

-ўқитувчи ўқув машғулотида аввал ҳар бир тингловчи якка тартибда ишлаши, кейин эса кичик гуруҳларда иш олиб борилиши ва ниҳоят дарс охирида жамоа бўлиб ишланиши ҳақида тингловчиларга маълумот беради:

-машғулот давомида ҳар бир талаба ўз фикрини эркин ҳолда тўлиқ баён этиши мумкин эканлиги эслатиб ўтилади.

2- босқич.

Ҳар бир тингловчига ФСМУ технологиясининг 4 босқичи ёзилган қоғозлар тарқатилади:

Ф- фикрингизни баён этинг.

С - фикрингизни баён этишга сабаб кўрсатинг.

М - кўрсатилган сабабингизни исботлаб мисол (далил) келтиринг.

У - фикрингизни умумлаштиринг.

Ҳар бир тингловчи якка тартибда тарқатилган қозоздаги ФСМУ нинг 4 босқичини ўз фикрларини ёзма баён этган ҳолда тўлатади.

3 - босқич.

-Ҳар бир тингловчи ўз қоғозларини тўлатиб бўлгач, ўқитувчи уларни кичик гуруҳларга бўлинишларини илтимос қилади ёки ўзи турли гуруҳларга бўлиш усулларидадан фойдаланган ҳолда тингловчиларни кичик гуруҳларга бўлиб юборади:

-ўқитувчи ҳар бир гуруҳда ФСМУ технологиясининг 4 босқич ёзилган катта форматдаги қоғозларни тарқатади:

-ўқитувчи кичик гуруҳларга ҳар бирлари ёзган қоғозлардан фикр ва далилларни катта форматдаги умумлаштирган ҳолда 4 босқич бўйича ёзишларини таклиф этади.

4 - босқич.

-Кичик гуруҳларда аввал ҳар бир тингловчи ўзи ёзган ҳар бир босқичдаги фикрлари билан гуруҳ аъзоларини таништириб ўтади. Гуруҳ аъзоларининг барча фикрлари ўрганилгач, кичик гуруҳ аъзолари уларни умумлаштиришга киришади:

-гуруҳ аъзолари ФСМУнинг 4 босқичини ҳар бири бўйича умумлаштириб, уни ҳимоя қилишга тайёргарлик кўрадилар:

-фикрларни умумлаштириш вақтида ҳар бир тингловчи ўз фикрларини ҳимоя этиши, исботлаши мумкин.

5- босқич.

-Кичик гуруҳларда умумлаштирилган фикрларини ҳимоя қиладилар:

Гуруҳ вакили ҳар бир босқични алоҳида ўқийди иложи борича изох бермаган ҳолда. Баъзи бўлимларни исботлаш яъни гуруҳнинг айнан нима учун шу фикрга келганини айтиб ўтиши мумкин.

6 - босқич.

-ўқитувчи машғулотга яқун ясайди, билдирилган фикрларга ўз муносабатини билдиради;

-қуйидаги саволлар билан тингловчиларга мурожат қилади:

-ушбу технологиядан нималарни билиб олдингиз ва нималарга ўргандингиз?

-ушбу технологияни ўқув жараёнида қўлланилиши қандай самара берди?

-ушбу технологияни қўлланилиши тингловчиларда қандай ҳислатларни тарбиялайди, нималарни шакллантиради, уларнинг қандай фазилатларини ривожлантиради?

-ушбу технологиянинг ўқув жараёнининг қайси босқичида қўлланилгани маъқул ва нима учун?

-ушбу технологияни дарс жараёнида қўлланилиши тингловчиларга нима беради ва нимага ўргатади?

-ушбу технологияни яна қандай тартибда ёки қандай шаклда ўтказиш мумкин?

-ушбу тренингда асосий вазифа нимадан иборат ва ҳоказолар.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-МАВЗУ. ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШДА МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАНИНГ ЎЗARO БОҒЛИҚЛИГИ (2 соат)

Режа:

1. Таълим тизимини ташкил этиш ва бошқаришнинг асосий хусусиятлари.
2. Мамлакатимизда таълим тизимини ислоҳ этишда хорижий давлатлар тажрибасини ўрганишнинг ўрни.
3. Таълим тизимини ривожлантиришда МДХ давлатлари ва ривожланган хорижий давлатлар билан ҳамкорлик ошириш йуллари. (Европа, Осиё ва Шарқ мамлакатларининг тажрибалари).

1.1. Таълим тизимини ташкил этиш ва сифатни бошқаришнинг асосий хусусиятлари.

Бугунги кунда дунё ҳамжамияти таълим сифати самарадорлигини ошириш масаласини ҳал қилишга киришган бўлиб, бу ўринда етакчи ғарб давлатлари ОТМ тизимида муваффақиятли натижаларини кўрмоқдамиз. Чунки, сифат якуний натижага таъсир этувчи энг асосий ва муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Сифат – талаб кўрсаткичларини ифодаловчи умумий тавсиф бирлиги деб ҳисоблаймиз. Замонавий сифат менежменти эса бу- қўйилган вазифаларни бажарилишини таъминлашда раҳбар ва ходимлар самарали фаолият олиб боришига кўп боғлиқ булади. Бу ерда менежмент катта аҳамиятга эга, чунки ташкилотни мувофиқлашган ҳолда идора этиш ва бошқариш фаолияти деб эътироф этилади. Тизим эса - ўзаро ҳаракатланувчи ва ўзаро боғлиқ бўлган элементлар бирлиги деб қараймиз. Таълим муассасаси сифат менежменти таълимни ташкил қилиш ва таъмин этиш, бошқариш жараёнини қамраб олган комплекс тизим бўлиб, асосан ўқув жараёнини назарда тутди

Хозирги вақта «Таълим сифати» атамасига олимлар турлича таҳил ва таърифлар беришади, бунда олий таълим иштирокчиларининг манфаатлари, таълим-тарбия жараёнлари, якуний маълумотлари, мақсад ва вазифалари, баҳоланадиган академик соҳанинг хусусиятлари ёки тавсифи, олий таълимнинг тарихий ривожланиш даври ва х.к.. Шунинг учун таълим сифати атамасида сифатни энг юқори кўрсаткичи сифатида, мақсадга тўлиқ эришилган фаолият шаклланиши ва такомиллаштирилган фаолият шаклини акс эттиришади. Чунки «таълим сифати» таълим соҳасидаги ислохотларнинг тарихий даврига боғлиқ ҳолда ўз афзалликлари

ва камчиликларини эътиборга олиш лозим. Таълим сифатининг абсолют тушунчасида таълим муассасасининг статуси, мавқеи ва устунлигини акс этиши назарда тутилади. Олий таълим сифати таълим стандартига мослиги, таълим хизмати истеъмолчиларининг расмий талабларига мос келиши лозим.

Таълим сифатини таъминлаш – бу кадрларни касбий жиҳатдан тайёрлашнинг зарурий даражаси учун энг мақбул шароитларнинг яратилишига қаратилган режали, олдиндан мўлжаллаб қўйилган ва технологик жиҳатдан таъминлаб қўйилган бошқарувдир.

Таълим тизими бошқарувининг умумий функциялари иерархиянинг барча поғоналарида муассаса фаолиятини бошқарув жараёнининг асосий босқичлари моҳиятини акс эттиради:

- режалаштириш;
- ташкил этиш;
- мувофиқлаштириш;
- назорат.
- рағбатлантириш;

Таълим ижтимоий ҳаётнинг муҳим соҳаси ҳисобланади. Айнан, таълим жамиятнинг интеллектуал, маданий, маънавий ҳолатини шакллантиради. Таълимнинг мазмун-моҳияти ва унинг йўналтирилганлигини таълим стандартлари ва дастурларида акс эттирилади.

Таълим сифати аввало, таълим олувчига турли методикалар ёрдамида билимни етказувчи (профессор-ўқитувчилар таркиби)нинг сифати билан аниқланади. Сифат мақсадларга мос келиш даражаси сифатида ҳозирги кундаги энг кўп ишлатиладиган категориялардан бири ҳисобланади. Бунинг асосида ҳозирда халқаро амалиётда қуйидаги бешта асосий ёндашув ажратиб кўрсатилади:

- Анъанавий ёндашув қуйидагича таркиб топган: таълим сифатини таъминлаш-демак, уни нуфузли қилиш, сабаби бундай ОТМни тугатган битирувчи меҳнат бозорида бир мунча юқори позицияни эгаллайди;
- Илмий стандартларга мос келишдан келиб чиқади;
- Менежерлик ёндашуви ўзида, сифатли таълим деб миқдор қониқ-қандаги ҳолатни намоён этади;
- Истеъмолчи, бу ерда истеъмолчи сифатни аниқлайди ва натижада унинг ҳар қандай истаги бажарилади. Асосийси ОТМ бунинг учун модий раҳбат олади;
- Демократик ёндашувда ОТМ ўзи жойлашган ҳудудга, жамиятга фойда келтиради.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, таълим сифатини таъминлаш борасида қуйидаги тадбирлар амалга оширилиши муҳим аҳамиятга эга:

- Давлат таълим стандартлари, тармоқ таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурлар мазмунини меҳнат бозори талаблари асосида, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги техника ва технологиянинг ривожланишига монанд равишда такомиллаштириб бориш;

- ўқув режаларидаги турдош фанларни интеграциялаш орқали ўқув юкнамалари кўлами ва ҳажмини оптималлаштириш;

- таълим муассасаларида виртуал ўқув-лаборатория, замонавий ахборот коммуникация, электрон-техник ва масофадан ўқитиш имкониятларини кенгайтириш, электрон дарслик ва қўлланмалар яратиш, улардан таълим-тарбия жараёнида самарали фойдаланиш;

- малакавий амалиётларни ҳуқуқий кўринишидан қатъий назар барча корхоналарда ўтилишига шароитлар яратувчи меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва уларни тегишли даражада тасдиқлаш.

Таълим тизимини бошқариш деганда – таълим соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш; унинг қонуний асосларини яратиш; таълим жараёнини стандартлаштириш; молиявий режалаштириш ва таъминлаш; таълим муассасаларини самарали бошқариш ва назорат қилиш; таълим сифатини баҳолаш тизими тушунилади.

Олий таълим соҳасида бошқарув маъмурият, профессор-ўқитувчилар жамоаси, олий таълим муассасасида таълим олаётган шахслар, ота-оналар, жамоатчилик ва бошқа турли ташкилотларнинг кадр, моддий-техник, ташкилий, педагогик ва бошқа вазифаларни ҳал қилиш асосидаги иштироки, ўзаро ҳамкорлигини кўзда тутди. Бошқача айтганда, олий таълим соҳасида бошқарув фаолияти ўз ичига таҳлил, бошқарув қарорларини қабул қилиш, ижрони ташкил этиш, назорат ва раҳбарлик каби таркибий қисмларни қамраб олади. Мамлакатимизда олий таълим соҳасида бошқарув тузилмаси уч бўғиндан иборат: 1) олий таълим муассасаси доирасидаги бошқарув; 2) маҳаллий бошқарув; 3) давлат миқёсидаги бошқарув.

Ҳозирги вақтда мамлакатда таълим даражаси қанча юқори бўлса, унинг иқтисодийети шунча самарали ривожланиши, ишсизлик даражаси паст ва умрнинг узоклик даражаси шунча юқори бўлиши шак-шубҳасиз бир ҳол сифатида қаралади. Бундан ташқари, аҳоли билим даражасининг юқорилиги жамият ҳаётининг бошқа соҳаларига, масалан, давлат бошқарувининг сифатига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Ривожланган хорижий давлатларда таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ этишнинг асосий тенденциялари таълимни бошқариш моделлари доирасида

ривожланмоқда. Хусусан, Франция Миллий Ассамблеяси томонидан 2004 йилда Европа Иттифоқи учун тайёрланган маърузада таълимни бошқаришнинг иккита модели фарқланиши қайд этилган: бошқарувнинг марказлашган модели (Франция) ва федераль модель (АҚШ). Биринчи моделга кўра, таълим тизимини бошқаришнинг барча дастаклари давлатга тегишли бўлса, иккинчи моделга биноан, ваколатларнинг каттагина қисми (таълим муассасаларини сақлаш, молиялаштиришнинг айрим масалалари, аккредитация қилиш ва бошқа масалалар) минтақавий ва маҳаллий ҳокимият ваколатига мансуб бўлади.

Жаҳон банки томонидан тайёрланган маърузада эса, таълим соҳасида ваколатларни таълим соҳасидаги марказий давлат идораси(вазирликлар)дан қуйига ўтказишнинг урта асосий модели таклиф қилинган:

биринчидан, ваколатлар бошқарувнинг жойлардаги органларига (бошқармалар, бўлимлар) ўтказилиши мумкин (АҚШ, Германия, Канада); бунда таълим соҳасидаги марказий орган давлат таълим сиёсатини амалга оширишни мувофиқлаштириш функциясини амалга оширадilar;

иккинчидан, ваколатлар ихтисослаштирилган агентликларга ўтказилиши мумкин (бунда агентлик гарчанд давлатга тегишли бўлсада, расман вазирликнинг бир қисми бўлмайди, у ўзининг бошқарув аппаратида эга бўлади ва вазирликнинг алоҳида функцияларини бажаради). Бундай таълимни бошқариш тизими кўпроқ, Австралия ва Буюк Британия каби давлатлар учун хос бўлиб, улар давлат ва жамоатчилик иштирокидаги ташкилотлари миқдори кўплиги билан тавсифланади. Масалан, Буюк Британияда Олий мактабни молиялаштириш бўйича Кенгашдан ташқари, ўқитиш сифатини баҳолаш ва мониторинг қилиш (Сифатни таъминлаш агентлиги), статистик маълумотларни тўплаш (Олий мактаб статистикаси бўйича агентлик) учун масъул бўлган ташкилот ва алоҳида таҳлилий тадқиқотлар бўйича мустақил орган (Олий мактаб таҳлилий институти) фаолият кўрсатади;

учинчидан, ваколатлар бевосита университетларга тақдим этилади. Бунда марказий орган стратегик бошқарувни амалга ошириш билан чекланади. Бундай тизим миллий тизимларда кичик доираларда қўлланилади.

Айни дамда Франциянинг Гренобль шаҳридаги II университет ходими Н.Монс таълим соҳасида менежмент концепциясини бошқача асосда шакллантиради ҳамда марказлаштиришдан четлашиш принципига асосан ўзининг таснифини таклиф қилади: 1) ваколатларни “минимал” ўтказишга асосланган мамлакатлар (la décentralisation minimale – Франция,

Португалия, Греция, Люксембург, Япония, Корея каби давлатларда қўлланилади, уларда олий таълим соҳасида лавозимга тайинлаш, таълим муассасаси аттестацияси, аниқ фанлар бўйича талаба ва ўқитувчиларга ўқув юкламалари ҳажмини белгилаш ва бошқа шу каби масалалар таълим соҳасидаги марказий орган (таълим соҳасидаги вазирлик) томонидан белгиланади); 2) ваколатларни “ўртача, мутаносиб” ўтказишга асосланган мамлакатлар (*la décentralisation collaborative* – Скандинавия давлатлари, Польша, Чехия каби давлатларда қўлланилади, уларда давлат таълим стандартларини белгилаб беради: мажбурий ўқув курсларини ўрнатади, уларнинг ўқув ҳажмини, иш ҳақи миқдорини белгилайди ва б.қ.; айти дамда таълим субъектлари маҳаллий даражада педагогик стратегияни танлашда, кадрларни олишда эркин бўлади); 3) ваколатларни “қатъий” куйи бўғинларга ўтказган мамлакатлар (*la décentralisation volontariste* – Венгрия, Янги Зеландия, Испания каби давлатларда қўлланилади, таълим соҳасини бошқаришни марказлаштириш сиёсатидан буткул воз кечганлар, ушбу давлатларда давлатнинг фақатгина мувофиқлаштириш ва назорат қилиш функциялари сақланиб қолган; маҳаллий ҳокимият органлари эса, таълим тизими соҳасида бевосита тезкор бошқарувни амалга оширадilar, шу мақсадда тегишли қарорлар қабул қиладилар; олий таълим муассасалари бу соҳада юқори даражада мустақил бўладилар); 4) федерал тузилишга эга давлатларда таълим соҳасидаги ҳокимият ваколатларини ўтказиш (АҚШ, Бразилия, Германия, Канада, Швейцария). Ушбу тизим мазкур давлатларда бир вақтнинг ўзида марказлаштириш ва марказлаштиришдан чекиниш тенденциялари амал қилиши билан тавсифланади. Хорижий мамлакатларда ислохотлар асосан таълим муассасаси эркинлиги ва мустақиллигини кучайтиришга қаратилган.

1.2. Мамлакатимизда таълим тизимини ислох этишда хорижий давлатлар тажрибасини ўрганишнинг ўрни.

Хорижий давлатлар олий таълим тизими ривожланиш тенденцияларининг қиёсий таҳлили натижасида, етакчи давлатларнинг ижтимоий иқтисодий ривожланиши, миллий, тарихий анъаналари асосида шаклланган жиҳатларини ўрганиш катта амалий аҳамиятга эга. Таълим стандартларини мукамал ишлаб чиқариш ва ягона таълим маконларини шакллантириш тажрибаси Европа Иттифоқида ўз ифодасини топмоқда. Таълим мазмунининг маълум бир маконда бир хил стандартлар асосида шакллантирилиши асосида мутахассислар сифат даражасида тайёрлаш имкониятини бериб, уларнинг рақобатдош бўлишига имконият яратади.

Европадаги олий таълим муассасалари катта тарихга эга таълим муассасаларидан ҳисобланади. XII—XIII асрларда кўплаб Европа мамлакатларида (Италия, Испания, Франция, Англия) дастлабки университетлар очила бошланди. Уларда фақат учта факультет мавжуд эди, булар илоҳиёт, тиббиёт ва юридик факультетлари. Дастлабки университетларда ўқиш давомийлиги 5-6 йилни ташкил этган.

Европадаги таълим тизимида Буюк Британия ОТМлари алоҳида ўрин тутади. Буюк Британиянинг таълим тизимидаги энг катта бойлиги, бу унинг университетларидир. Уларнинг тарихига, асос солинган вақтига боғлиқ ҳолда, шартли равишда уларни уч гуруҳга ажратиш мумкин. Улардан биринчиси, Ўрта асрларнинг 1096 ва 1209 йилларида ташкил топган ва бугунги кунда бутун дунёга машҳур Оксфорд ва Кембридж университетларидир. Бу гуруҳга Шотландиянинг Сент-Эндрюс, Глазго, Абердин ва Эдинбург университетларини ҳам киритиш мумкин.

Иккинчи гуруҳга XIX асрларда Лондон, Манчестер, Ливерпул, Бристол, Рединг ва бир қатор ишлаб чиқариш революциялари содир бўлган шаҳарларда ташкил этилган қизил ғиштли университетларни мисол қилиш мумкин. Уларнинг бинолари асосан ғиштлардан қурганлар. “Қизил ғиштли” университетларидан бир нечтаси Британия олий таълими рейтингида етакчи ҳисобланади.

Ниҳоят, XX асрларда, иккинчи жаҳон урушидан кейин ташкил этилган, биноси шиша ва бетон материалларидан қурилган “шишали” университетларни келтириш мумкин. Бундай университетлар Ноттингем, Сассекс, Уорвик, Кент, Кил, Эксетер, Эссекс шаҳарларида ташкил этилган. Улар орасида халқаро мавқега эга бўлганлари ҳам мавжуд, масалан Уорвик (University of Warwick). Санаб ўтилган университетлар йил сайин юқори рейтинг натижаларини кўрсатиб бормоқда.

1.2.(а) Буюк Британиянинг таълим тизими

Европа Иттифоқида олий таълим бўйича ягона маконнинг шаклланиши ва ривожланишига ҳукуматлараро келишилган ва имзоланган, таълим тизими мобилликни таъминловчи БОЛОНЬЯ ДЕКЛАРАЦИЯСИ сабаб бўлди. Шунини таъкидлаш лозимки, Буюк Британия доимо таълим соҳасида Европа давлатлари ўртасидаги интеграция ва кооперациянинг фаол иштирокчиси бўлиб келган.

1988 йилда имзоланган Сорбона Декларациясининг тўрт иштирокчиларидан бири Буюк Британия эди. Болонья жараёни ва Декларациянинг асосий мақсади юқори таълим сифатига эришишга қаратилган бўлиб, таълим муассасалари аро баҳслар, дебатлар, таълим сифатини таъминлаш,

аккредитация ўтказиш масалалари бўйича, сифат кафолати бўйича, Британия Агентлиги муҳим фаолият олиб борди. (Quality Assurance Agency for Higher Education QAA) мустақил орган олий таълим муассасалари ва колледжлар томонидан молиялаштирилади. Бу агентлик олий таълим сифатини таъминлаш бўйича Европа Ассоциацияси таркибига киради. (European Association for Quality Assurance in Higher Education, ENQA).

Британия Европа Иттифоқининг олий таълим сифати бўйича кафолатланган тамойиллари ва ички, ташқи стандартлари билан кенг маънода келишувни ифода этсада, ўзининг таълим тизимида бошқа ЕИ давлатларидан фаркли сифат назорати тизимини жорий этган.

Жаҳон олий таълимнинг қиёсий таҳлилларига кўра Британия олий таълими энг яхши тизим ҳисобланади. Оксфорд ва Кембридж университетлари ўз нуфузи ва мавқеи билан бутун дунёга танилган. Британия ҳукумати олий таълимда ҳорижий талабаларнинг таҳсил олишини рағбатлантиради. Ҳозирда таълим олаётган 2млн. талабадан 300 минг нафари ҳорижлик талабалардир.

Британияда 90 та университет ва 64 та бошқа турдаги олий таълим муассасалари мавжуд. Британия университетларига ўқишга кириш учун “A-levels” имтихонларини топшириш керак бўлади. Шотландияда бу имтихон – “Scottish highers” деб аталади. Уларга Европа дастури International Baccalaureate бўйича муваффақиятли 2 йил тайёргарликдан сўнг университетга ўқишга қабул қилиниши мумкин. “A-levels” кенг қўлланиладиган, классик британия дастури бўлиб ҳисобланади. Британия университетлари бу дастурга асосан талаба 20-30 та фандан 4 тасини танлайди. 4 фандан чуқурлаштирилган билим олади, бу фанлардануниверситетга кириш имтиҳони топширилади. Абитуриентлар томонидан мутахассислик олдиндан танланади.

Шотландияда “Scottish highers” дастури асосида 1 йил таълим олинади ва бу тайёргарлик Буюк Британиянинг барча 1993 йилда мамлакат ҳукумати томонидан ТАЪЛИМ ВА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ бўйича МИЛЛИЙ маслаҳат кенгаши ташқил этилди. (National Advisory Council for Education and Training Targets – NACETT).

Буюк Британия таълим тизимини бошқариш, молиялаш ва таълим сиёсатини ўтказиш тўрт давлат департаменти томонидан белгиланади. Улар қуйидагилар:

1. Таълим ва бандлик департаменти (Department for Education and Employment – DFEE) Англияда;
2. Таълим департаменти (Welsh Office Education Department –

WOED) Уэльсда;

3. Таълим ва саноат департаменти (Scottish Office Education and Industry Department – SOEID) Шотландияда;

4. Таълим департаменти (Department of Education for Northern Ireland – DENI) Шимолий Ирландияда.

Буюк Британияда таълим тизимининг мониторингига жуда катта аҳамият берилди. Англия таълим тизимининг Марказий бошқарув органи – Фан ва Таълим Департаменти ҳисобланади. (Her Majesty's Inspectorate – HMI) – таълим сифатини назорат қилувчи Қироллик инспекцияси анъанавий равишда ҳукумат органларига мактаб ва коллежлардаги таълим сифати туғрисида ҳисобот беради. Англияда вазирликка тегишли бўлмаган таълим стандартлари бўйича ҳукумат департаменти (OFSTED) мактабларни инспекция назоратидан ўтказди ва таълим сифати, стандартларга риоя қилиниши, таълим босқичлари талабларига мослик туғрисида ҳисобот тайёрлайди.

Европа олий таълим бўлими (UK HE Europe Unit) сифат кафолати бўйича таълим агентлиги орқали университетлардаги таълим сифати бўйича мониторинг ўтказди. Олий таълим сифати устидан назорат ўтказиб, Европа Иттифоқида таълим сифати бўйича ишланмалар устида ишлайди. Агентликнинг мақсади олий таълим даражасини беришда сифатни кафолатлаш ва кадрлар тайёрлашни стандартлар асосида амалга ошириш, назорат қилиш.

Европа мамлакатларида олий таълими сфатини баҳолаш жуда қийин жараён бўлиб, бир неча босқичдан иборат. Бу жараён аввал ўз-ўзини баҳолашдан бошланади (auto-evaluation, self-assessment). Бу босқичда ОТМ барча фаолият йуналишлари бўйича микдорий кўрсаткичларни тўплаб таҳлил қилади. Маълумотлар (Higher Education Management Statistics, HEMS), ОТМларни тегишли хизмат бўлиmidан олинади. Бу бўлим давлат миқёсида фаолият кўрсатади. Шу билан бирга ўқув юрти олий таълим муассасаларини молиялаш Кенгашига Higher Education Funding Council (HEFC), анкета тўлдириб бериши керак. Ахборотлар таҳлили асосида SWOT-таҳлилни ўтказди. Strengths (кучли томонлари), Weaknesses (кучсиз томонлари), Opportunities (имкониятлар), Threats (ҳавф – хатарлар). Якуний ҳисобот тайёрланиб, таълим муассасаси эксперт баҳоланишидан 10 ҳафта аввал инспекцияга топширилади.

Экспертлар олий ўқув юртида объектив баҳолашни амалга ошириш учун барчани, талабалардан тортиб, профессор ўқитувчилар, маъмурий персонал, илмий тадқиқотчиларни саволномалар асосида сўровнома қилади.

Сўнгра икки ҳафта ичида ўқув юртига якуний ҳисобот тайёрлаб юборади. Ҳисобот бўйича таълим муассасаси тушинтиришлар бериши ёки кўрсатилган камчиликларга нисбатан эътироз бериши мумкин. Шундан сўнггина ҳамма нарса ойдин бўлиши учун ҳисобот тегишли таълим нашрларида чоп этилади.

Буюк Британиянинг миллий сифат тизимини белгилашда талабалар ҳам иштирок этадилар. Ҳозирда Сифат бўйича Агентликнинг Директорлар бошқарув кенгашида талабалар вакили назоратчи сифатида иштирок этади. Бу вакил “Талабалар Миллий Иттифоқи” томонидан тайинланади. Талабалар таълим жараёни сифатини баҳолаш ва аудитида муҳим ролни ўйнашади. Англия ва Ирландияда талабалар ёзма равишда ўз фикр мулоҳазалари ва таклифларини беришади. Талабалар учун махсус «Институционал аудит бўйича – талабалар вакилига қўлланма» берилади. Аудитнинг барча босқичлари мажлис ва кенгашларида талабалар вакили қатнашади.

Буюк Британиянинг таълим тизими бир неча юз йиллар давомида ривожланиб келган ва бугунги кунда аниқ бир сифат стандартига бўйсунди. Буюк Британияда таълим 5 ёшдан 16 ёшгача бўлган барча фуқаролар учун мажбурийдир.

Буюк Британияда таълимнинг иккита сектори мавжуд: давлат (бепул таълим) ва хусусий (пулик ўқув юртлари, хусусий мактаблар).

Таълим тизимини глобаллашувида европа мамлакатларининг ўрни алоҳида. UNESCO ва OECDнинг 2012 йилдаги маълумотида асосан мамлакатда 3,5 млн талаба таълим олган, шулардан 427 мингтаси – хорижий фуқаролар. Шунингдек 27 мингга яқин Буюк Британия талабалари хорижда ўқиганлар.

Таълим тизими

Буюк Британияда таълим тизимида олий мактабгача турли хил мактаблар мавжуд. Бу ерда кенг тарқалган мактаб тури – мактаб-интернатлардир (Boarding School). Бунда ўқувчилар мактабда ўқиш билан бирга, у ерда яшайдилар. Дастлаб бундай мактаблар ўрта асрларда Британияда ташкил этилган ва бепул, хайрия тарзида ўқувчилар ўқитилган. Аммо бугунги кунга келиб ушбу мактаблар пулли мактабларга айланган ва эндиликда бу мактаблар дунёдаги энг қиммат ва эътиборга молик мактаблар рўйхатига киради.

Ҳозирда Буюк Британияда мактаб таълим тизими шаклланиб бўлган. Уларни қуйидагича классификация қилиш мумкин:

- Мактабгача таълим муассасалари – 2 дан 7 ёшгача бўлган болалар

учун мўлжаллангандир. Бу ерда ўйинлар асосида ўқишни, ёзишни, санашни ўрганадилар.

- Тўлиқ циклдаги мактаблар – бу ерда 3 дан 18 ёшгача бўлган болалар таълим олади.

Кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари учун ўқув юртлари

- **Primary schools** – 2 дан 11 ёшгача бўлган ўқувчилар ўқийдилар. Иккинчи босқич имтиҳонлари натижалари Secondary School мактабларига ўқишга кириш учун муҳим ҳисобланади.

- **Junior Schools** – 7 дан 13 ёшгача бўлган болалар учун. Бу ерда болалар турли хил бошланғич умумтаълим фанларини ўқийдилар ва Common Entrance Examination имтиҳонини топширадилар. Ушбу имтиҳонларни ижобий топшириш – юқори мактабга албатта қабул қилинади.

Юқори мактабда таълим олиш

- **Senior Schools** — балоғат ёшидаги 13 дан 18 ёшгача бўлган болалар учун мўлжалланган. Бу ерда болалар дастлаб GCSE имтиҳонни топшириш учун икки йиллик таълим жараёнидан ўтадилар, шундан кейин ўқувчилар яна икки йиллик A-Level ёки International Baccalaureate дастурни ўқийдилар:

- **Secondary school** – 11 ёшдан кейинги болалар учун мўлжалланган.

- **Grammar school** – 11 ёшдан катта бўлган болалар учун чуқурлаштирилган дастур асосида ўқитишни ташкил этишдир. Бундай мактабларда университетга кириш учун тайёргарлик кўришлари мумкин (Sixth Form).

- Университетга кирувчилар учун мўлжалланган мактаблар (Sixth Form) – 16-18 ёшли юқори ўрта ёшдагилар учун.

Буюк Британиянинг олий таълим тизими

Бугунги кунда деярли барча ОТМларида таълим тизимида бакалаврият ва магистратура йўналишлари мавжуд. Шунингдек уларда кредит тизими кенг қўлланилади. Буюк Британияда кредит тизими талаба томонидан олинган билим даражасини, талабалар алмашинувини белгилаб берувчи восита сифатида қаралади.

Буюк Британияда ўзига хос, бир неча босқичдан иборат бўлган олий таълим тизими шаклланган. Бу ерда олинган диплом ва даражаларга бутун дунё бўйича иш берувчилар “сифат белгиси” сифатида қарайдилар. Ушбу мамлакат бой тарихий анъаналар ва шу билан бир вақтда очик инновацияларга эгадир. Бу давлатда ер юзи аҳолисининг 1% яшайди, аммо барча илмий ишларнинг 8%ини нашр этадилар. Бу мамлакатда 100 дан ортиқ нобел мукофоти совриндорлари мавжуд.

Британиядаги ОТМларнинг сони 180 тадан ортиқ бўлиб, уларнинг каттагина қисми (102) университетлар ҳисобланади, шунингдек уларнинг аксарияти – давлат тасарруфидадир. Давлат таълим бериш сиёсатини юритишни ОТМ ихтиёрига топширади, таълим бериш сифатини назорат қилишни эса, улар зиммасига юкланган.

Кўп босқичли таълим моделига мувофиқ олий таълим икки босқичда амалга оширилади: бакалаврият (Degree courses ёки Undergraduate courses) ва магистратура (Postgraduate studies). Англия, Уэльс ва Шимолий Ирландияда одатдагидек уч йиллик бакалавриатура дастури, Шотландия учун эса тўрт йиллик (тиббиёт учун – олти йиллик). Курсларни тугаллаганидан сўнг битирувчига Bachelor's Degree даражаси берилади (First Degree). Магистратурада ўқиш эса бошқа давлатлардаги икки йиллик магистратурадан фарқли равишда, бу ерда одатда магистратурада 1 йил ўқиш давом этади. Магистратурадаги хорижий талабаларнинг улуши бакалавриатура дастурида ўқувчи талабалар сонидан кўпроқ бўлади ва умумий талабалар сонининг 45%гача қисмини ташкил этади.

Дастлабки академик даража икки хил бўлади – аъло ва оддий. Аъло даражани беришга қаратилган ўқув курсларида чекли сондаги фанлар (кўпгина ҳолларда асосий фанлар ва бир-иккита қўшимча фанлар) чуқурлаштирилган ҳолда ўқитилади. Оддий даражани беришга қаратилган ўқув курсларида эса фанлар сони кўпроқ бўлади.

Буюк Британияда ўқув йили октябрь ойида бошланади ва ҳар бири 8-10 ҳафтани ўз ичига олган учта чоракдан иборат бўлади. Ёзги таътил давомийлиги эса тўрт ой – 1 июндан 30 сентябргача давом этади.

Буюк Британия ОТМларида асосий машғулот турлари маъруза, семинарлар, лаборатория ишлари ва тьюторлик асосида таълим олиш каби машғулотлар ҳисобланади. Бу ерда асосий эътибор талабаларнинг мустақил таълим олишига, ишлашига қаратилади. Амалий машғулотлар ўқув режасидан ташқарида ташкил этилади ва ўқув вақти балансига киритилмайди.

Университетларда имтиҳон тизими ҳартия асосида ташкил этилади ва кўпгина ҳолларда иккита асосий имтиҳон ўтказилади – ўқув йилининг 1-курси ва 3-курслари якунларида; имтиҳон натижалари асосида, одатда ўзлаштириш даражасининг тури ва даражаси аниқланади. Олий ўқув юрти битирувчилари университет ва миллий малака академияси кенгаши бўйича академик даража олади.

Британия университетларининг биринчи курсига қабул қилиниш учун асосий талаблар тўлиқ ўрта таълимни олганлик ҳақидаги A-level

сертификатига эга бўлганлик ёки халқаро сертификат *International Baccalaureate (IB)*га эга бўлганлик ҳисобланади.

IB дастури 12 йиллик ўқишга мўлжалланган. Ушбу тизим асосида ишловчи мактаблар дунёнинг кўплаб мамлакатларида топилади. IB тўлиқ курсини тамомлаган ва британия университетларига ўқишга кирмоқчи бўлган абитуриентлардан қўшимча имтиҳон олинмайди; абитуриент ҳужжатларини ва курсни тугаллаш имтиҳонлари натижаларини ўзи кирмоқчи бўлган ОТМга (ёки бир нечта ОТМларига) жўнатиши ва қабул комиссияси қарорини кутиши етарли. Абитуриентнинг умумий баллари қанча юқори бўлса, ўқишга қабул қилиниш эҳтимоллиги ҳам шунча юқори бўлади.

Ўқишга қабул қилинишнинг яна бир йўли - Foundation тайёрлов курсида ўқиш. Дастур бир қатор университетлар ҳамкорлигида тузилган бўлиб, хорижий абитуриентларни ўқишга киришга ижобий тайёрлайди.

Ўқув юртининг туридан қатъий назар университетга тайёрлов курслари қуйидагиларга этибор қаратадилар: инглиз тилини такомиллаштиришни назарда тутиш; мактаб билимларини такрорлаш ва тизимлаштириш; янги фанларни ўзлаштириш (бизнес, менеджмент, математик статистика, фалсафа ва бошқалар); академик билимларни ўзлаштириш (маъруза матнлари тайёрлар, эссе ёзиш, қисқа маърузалар тайёрлаш, рефератлар тайёрлаш ва ҳимоя қилиш ва ҳ. к.).

Университет коллежларининг университетлардан асосий фарқи фақат уларнинг ҳажмларидадир. Қоидага кўра ушбу ўқув юртлари чекли сондаги факультетлар ва кўп бўлмаган талабалар миқдоридан ташкил топади. Шу билан бирга, университет коллежларида кўп ҳолларда кучли илмий марказлар мавжуд бўлади, уларнинг дипломлари эса жуда юқори баҳоланади.

Политехника институтларида асосий эътиборни техника мутахассислиги бўйича чуқурлаштирилган фанларни ўқитишга қаратади. Бугунги кунда “политехлар” ва анъанавий университетлар ўртасидаги фарқни бартараф этиш тенденцияси бормоқда. Бунинг натижасида бир қатор «политехлар» университет мақомини олган.

Олий таълим коллежлари махсус ўқув юртлари ҳисобланади ва улар бакалавр йўналиши доирасида кадр тайёрлаш бўйича етук муассаса ҳисобланадилар. Улар одатда аниқ бир йўналишлардан бири бўйича ишлайдилар. Буларга педагогика, мусиқа, театр, дизайнерлик, рассомлик ва бошқа шу каби коллежларни қўшиш мумкин.

Британиянинг Болония жараёнига кирганлигига қарамай бир қатор

олий ўқув юртлари кредит тизимига ўтиш учун тайёр эмаслиги ҳақида талабнома билан мурожаат қилишган. Бундай ўқув юртларида таълим тизими узок давр мобайнида ўрнатилган ва улар учун бу тизим энг самарали ҳисобланади. Ушбу ҳолатни Кембридж ва Лондон иқтисодиёт мактаблари (ЛИМ) мисолида алоҳида кўриб ўтамиз.

Кембридж университети ва ЛИМ нинг таълим тизими

Англядаги ОТМлардаги ҳар бир факультетнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда мажбурий ўзлаштирилиши лозим бўлган фанлар мавжуд ва қолган фанларни талабалар ўзларининг мутахассисликлари, қизиқишларига мос равишда ўзлари танлайдилар. Мажбурий ўқитилиши керак бўлган фанлар рўйхати минимум даражага келтирилган.

Масалан ЛИМда фалсафа факультетида бакалаврлик дипломини олиш учун қуйидаги фанларни ўзлаштирилиши талаб этилади:

Биринчи йил

- Reason, Knowledge and Values: An Introduction to Philosophy (Фалсафага кириш);
- Logic (Мантиқ);
- Two outside options (иккита қўшимча фан).

Иккинчи йил:

- Philosophy of Science or Philosophy of the Social Sciences or Evidence and Scientific Method (Фалсафа, Ижтимоий фанлар фалсафаси, Реаллик ва илмий билиш усуллари);
- Up to three papers on the Philosophy list;
- An approved outside option (танланган қўшимча курс).

Учинчи йил:

- Up to four papers from the Philosophy Selection list;
- An approved outside option.

Бакалавриат йўналишининг биринчи йилида Хорижий фалсафа тарихи фанида (7.5, 216 с.), Мантиқ (7.5, 216 с.). Иккинчи босқичда энг “салмоқли” фан – Билишнинг онтологияси ва назарияси (8, 270 с.), Хорижий фалсафа тарихи (8, 270 с.).

Талабалар шахсий таълим стратегиясини тузиш вақтида ўзларининг индивидуал ўқув режасини тузадилар. Улар ўзлари ёқтирган ва танлаган фанлар бўйича маърузаларга қатнашишлари мумкин. Талабалар ўқув жараёни вақтида ўқув курсларини алмаштириш имкониятига эгадирлар. Факультет талабларида кўрсатилган кредитлар тўплаб бўлинганидан сўнг, талабалар, факультет доирасидан ташқари фанларни ҳам шахсий хоҳишларига кўра танлаб ўқишлари мумкин.

Буюк Британиянинг кўплаб ўқув юртларида таълимнинг фанлараро муносабат усули қўлланилади. Масалан, Кембриджда, ижтимоий фанлар факультетида ўзида бир қатор фанлар (масалан, «Социология ва сиёсат», «Сиёсат ва Менеджмент») элементларини акс эттирган комбинациянашган мутахасисликлар мавжуд. Барча университетларнинг биринчи курсида фундаментал фанларга кириш қисмлари ўқитилади. Улар кейинги курсларда чуқурлаштирилган ҳолда ўрганилиши мумкин.

Буюк Британиянинг аксарият ОТМларида ўқув давомийлиги 3 йил бакалаврият ва 1 йил магистратурада амалга оширилади (давомийлик мутахасисликка ва курснинг интенсивлигига боғлиқ бўлади). ЛИМ да 3 йил мобайнида умумий ҳолда 14 та фан ўқитилади, шулардан 10 таси асосий.

Якунда талабалар ўзлаштиришларига кўра турли даражадаги дипломларни оладилар, яъни талабалар ютуқларига боғлиқ ҳолда турлича сифатдаги дипломлар оладилар – Биринчи даража (First Class Honours), Иккинчи Олий Даража (Upper Second Class Honours), Иккинчи куйи Даража (Lower Second Class Honours), Учинчи даража (Third Class Honours), Тугаллаганлиги ҳақидаги оддий диплом (Pass). Дипломларнинг бундай синфлаштирилиши ЛИМда мавжуд.

Билимларни баҳолаш тизими

Барча имтиҳон, илмий ва бошқа ижодий ишларни баҳолаш 100 баллик шкала асосида олиб борилади. Шунингдек кейинги босқичга, курсга ўтиш учун баҳолаш тартиби қуйидагича: қониқарсиз баҳолар олиб ташланади, учта фандан олинган натижаларнинг ўртача арифметици ҳисобланади ва якунда битта натижа олинади (ҳар бир курсда 4 та мажбурий фанлар мавжуд бўлади). Яъни, тўртта фан, модуль учун ягона баҳо қўйилади. Ҳар бир ўқув йили учун алоҳида баҳо қўйилади ва улар бакалавр дипломида акс эттирилади. Шунини таъкидлаш жоизки, баҳолашдаги баҳолар турли ОТМларда турлича ҳисобланади. Энг муҳими, ижобий баҳоланиш учун минимум 50 балл тўплаш талаб этилади.

ЛИМ да қуйидаги баҳолаш тизимлари мавжуд:

- 0–39 баллар – умуман қониқарсиз;
- 40-49 баллар - қониқарсиз;
- 50-59 баллар - ижобий;
- 60-69 баллар - яхши;
- 70-100 баллар – аъло.

ЛИМда бакалавр дипломини олиш учун барча ўқув режасидаги ҳар бир фанлардан камида 50 балл тўплаши керак. Кембриджда барча фанлардан 100 баллик тизимдан умумий ҳолда 35 баллдан кам бўлмаган балл

тўпланганидан кейингина бакалавр дипломини олиши мумкин.

Ушбу ОТМда малакани баҳолаш мезони кридитга қараб эмас комплекс натижаларга асосан амалга оширилади. Ўзлаштириш натижалари ўқилган соатлар ёки кридитлар миқдори билан эмас, таълимнинг ижобий натижаларини олганлиги билан баҳоланади.

Яқуний аттестация. Кембридж – имкониятлар танлови

Талабалар ҳар бир ўқув йили якунида ҳисобот топширадилар ва уларнинг аттестация шакли турлича кўринишда бўлиши мумкин. Масалан, Кембридж университетида талабалар биринчи курс якунида 4 та ёзма имтиҳон топширадилар ва уларнинг ҳар бири 3 соатдан давом этади. Иккинчи босқичда ҳам натижалар ёзма ишлар асосида баҳоланади, шу билан бирга талабалар томонидан танланган фанлар натижалари ҳам ўз улушини қўшади. Яқуний баҳо учта ёзма иш натижаларининг ўртачасидан олинади – қолган қисми эса имтиҳон асосида баҳоланади. Кембридж университети талабалари учинчи йил якунида қуйидаги иккита баҳолаш усулларида бирини танлаши мумкин: оддий ёзма имтиҳон ёки 10000 та сўзгача ҳажмдан иборат бўлган (бакалавр малакавий иши) диплом ёзиш.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Буюк Британия Болония жараёнига қўшилган дастлабки давлатлардан бири бўлишига қарамасда, ўзидаги таълим тизими ислохатларини жуда секинлик билан амалга оширмоқда. Бунинг асосий сабаби сифатида, жамият ва олий таълим муассасаларининг консерватив хусусиятга эга эканлигидир. Бу давлат ОТМлари ўз-ўзини таъминловчи муассасалар сифатида бутун оламга танилган.

1.2. (а) Германия Федератив Республикаси таълим тизими

Германия Федератив Республикасида таълим тизими аввалдан хатти-ҳаракатларнинг компетентлигига йўналтирилган ўзгача ёндашув асосида ташкил этилади. Ёндашувнинг ўзига хослиги шундан иборатки, бунда асосий эътибор касбий таълим тизимининг ўқув режаларига қаратилади. Компетенциянинг стандарт типологияси таълим муассасалари битирувчиларининг бўлғуси касбий фаолияти соҳасига йўналтирилганлигидир. У ўз ичига предметли, шахсий ва ижтимоий компетенцияларни олади.

Германияда таълим тизими – ҳукуматнинг алоҳида бурчи ҳисобланади.

Мактаб таълими

Германияда мактаб таълими бепул ва умумий таълим ҳисобланади. Мажбурий 10-йиллик таълим шакллантирилган. Умуман олганда мактаб ёшидаги таълим 12-13 йилга мўлжалланган. Бугунги кунда Германияда 50 мингга яқин мактабда 12.5 миллионга яқин ўқувчилар таълим оладилар.

Мактаб таълим тизими уч босқичга ажратилади: бошланғич, 1-ўрта босқич ва 2-ўрта босқич.

Олти ёшга тўлган барча болалар бошланғич мактабда ўқишни бошлайдилар (Grundschule). Бошланғич мактабда ўқиш тўрт йил, ҳафтада дарслар 20 дан 30 соатгача мўлжалланган тизим асосида олиб борилади.

Ўрта таълим

Таълимнинг иккинчи босқичи (ўрта I) 10-синфгача давом этади.

Бошланғич таълимдан кейин болалар қобилиятига кўра учта турли гуруҳларга ажратиладилар.

Салахияти паст бўлган, кучсиз болалар ўқишни давом эттириш учун “бош мактаб” (Hauptschule) деб аталувчи мактабга йўналтирилади, бу ерда 5 йил мобайнида ўқитилади. Бу ерда асосий (базовое) таълим берилади. Ўртача юклама ҳафтасига 30-33 соатни ташкил этади. Ушбу мактабни тугаллаган ўқувчи ишлашни бошлаши мумкин, ёки касб-ҳунарга йўналтирилган таълим муассасасида ўқишни давом эттириши мумкин. Ўртача натижага эришган ўқувчилар «ҳақиқий мактаб» (Realschule)га йўналтириладилар ва у ерда 6 йил ўқийдилар. Ҳақиқий мактабни тугаллаганидан сўнг ўқувчи ишга жойлашиши мумкин, кўпроқ қобилиятли болалар эса 11 ва 12 – синфларни ўқиш учун гимназияларга боришлари мумкин. Гимназиядан кейин ўқувчига университетга кириш ҳуқуқини берувчи аттестат берилади.

Ўрта таълимнинг иккинчи босқичи (среднее II) гимназияларда 11-12-синфларни ўқишга қаратилган. Гимназиянинг ўн учинчи синфи ўқувчилари абитуриентлар ҳисобланади. Ўн учинчи синфда ўқувчилар олий ўқув юртига киришга тайёргарлик кўрадилар. Ушбу синф охирида гимназия ўқувчилари асосий мактаб фанлари бўйича имтиҳон топширадилар (Abitur). Гимназияда 12 ва 13-синф ўқувчилари ўқув тизими ва битирув имтиҳонлари даражаси жуда юқори. Германияда олий ўқув юртига кириш имтиҳонлари ўтказилмайди. Қабул аттестатнинг ўртача баҳосига, шунингдек бир қатор ижтимоий факторларга кўра амалга оширилади. Агар қабул қилинувчилар сони квотадан ортиқ бўлса, энг яхшилари олинади ва қолганлар навбатга ёзилади, улар кейинги йилда ўқишга қабул қилиниши мумкин.

Олий таълим

Олий таълим тизими ОТМнинг турига кўра турлича бўлади. Германияда 250 та ОТМ мавжуд бўлиб, шулардан 103 та университет ва 176 таси амалий фанга йўналтирилган ОТМлардир. Университетларнинг деярли барчасида таълим олиш ҳам хорижий талабалар, ҳам маҳаллий талабалар учун бепул ҳисобланади. 2007 йилдан бошлаб бир қатор ОТМ талабаларига

ҳар семестр учун 500 еврога яқин маблағ, ва йўл харажати ҳамда кутубхонадан фойдаланиш учун яна қўшимча 150 еврога яқин миқдордаги пул маблағларини тўлаш белгилаб қўйилган. 2011 йилдан сўнг ўқиш учун ҳар семестрда тўланувчи 500 евро пул миқдорлари бекор қилинган. Талабалар сони 2 млн.га яқин, шулардан 48%га яқини аёллар ва 250 000 хорижий талабалар. Профессор-ўқитувчилар таркиби 110 000 га яқин. Тахминан 120 000 га яқин немислар хорижда таълим оладилар. 2010 йилга қадар болония жараёни бўйича барча ОТМлари ўзларининг ўқув дастурларини қайта қуриб чиқишлари талаб этилган. Германияда аксарият ОТМ давлат тасарруфида, хусусийлари эса кўп эмас – 69 та.

Хорижий талабалар учун алоҳида билим ва имтиёзлар талаб қилинмайди.

Германияда университет ўқув шароити ва ундаги таълим берувчи профессор-ўқитувчилар даражалари рейтинги доимий аниқлаб турилади, шунингдек ушбу университетни тугатган талабаларни иш топа олиш эҳтимоллиги ҳам аниқланади.

Германияда 25 ёшгача бўлган талабалар ота-оналари 184 евро миқдорида “болалар пули” (Kindergeld) маблағ олишлари мумкин. Талабалар эса фоизсиз таълим кредитларини олишлари мумкин («BAfцG»). Ушбу кредитнинг ярми, 10000 евродан кўп бўлмаган қисми кейинчалик давлатга албатта қайтарилиши мумкин (бундай тўлов мажбуриятдан ОТМни тамомлаганининг биринчи йилида фарзандли бўлган талабалар озод қилинган).

Кредитлар ва стипендиялар турли фондлар томонидан жорий қилинади. Германияда асосан қобилиятли талабаларга стипендиялар тўланади. Хорижий талабаларга стипендиялар асосан Германия Академик Алмашиниш Хизмати (www.daad.ru) томонидан амалга оширилади. Қуйидаги йирик фондлар мавжуд: Конрад Аденауер фонди (Konrad Adenauer Stiftung), Фридрих Эберт фонди (Friedrich Ebert Stiftung), NaFцg. Ушбу фондлар фақат Диссертация (Promotionsstudium) ёзиш учун стипендия берадилар.

Германиядаги таълим тизига кўра талаба маъруза, семинар, амалиёт дарсларига бепул қатнашиши мумкин ва уларга қатнашиш мажбурий деб белгилаб қўйилмаган. Немис олий мактаби барча жойда ўзининг асосий таълим принципларини – академик эркинликни даъват қилади. Ҳар бир ОТМ талабаларга аниқ бир мустақиллик ва эркинлик беради.

Германияда олий таълимнинг қатъий белгилаб қўйилган тизими мавжуд эмас. Яъни ўқиш тизими қатъий эмас – ҳар қандай талабага тўла

мустақиллик тақдим этилган. Аммо бу шахсий жавобгарлик ва интизомни инкор қилмайди. Талаба курсдошлари билан машғулотларга қатнамаслиги мумкин, аммо у албатта аниқ бир мутахасисликни ва керакли ОТМ дастурини танлаши талаб этилади. У ўзининг дастури бўйича билим олиш даврида, умумий талабларга кўра режа тузиши ва вақтини тақсимлаши керак бўлади.

Талабалар маъруза, амалиёт, семинар машғулотларига эркин ҳолда қатнашадилар. Аксарият талабалар стандарт ўқув муддати ичида ўқишни тамомламайдилар, шунинг учун, улар ажратилган беш йилдан кўп муддатга ОТМда ўқишга мажбурдирлар.

Германияда ўқув жараёни турлича ОТМларида амалга оширилади. Булар қуйидагилардан иборат:

- Университетлар;
- Махсус институтларда – медицина, педагогика ва бошқалар;
- Олий мусиқа ва санъат мактаблари;
- Олий амалий фан мактаблари;
- Касб-хунар академиялари.

Университет таълими икки қисмга ажратилади:

- Фундаментал – бу 3 - 4 семестрли ўқиш бўлиб, уни тугаллаган талабалар “лицензиат” даражасига эга бўлади;
- Асосий– бу 4 - 6 семестрли ўқиш ҳисобланиб, ижобий тугаллаган талабалар магистрлик дипломини олиши мумкин. Техника йўналиши талабалари эса – мутахасислик дипломини оладилар.

Немис таълим тизимида катта оммбопликка эга бўлган мактаб, бу олий мактабдир. У ерда талабалар қисқа дастур асосида ўқитилади. 3 - 4 йил ичида ўқувчилар мухандислик, тиббиёт, менеджмент, компьютер индустрияси, иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳалар бўйича билим оладилар. Бундай ўқув юртлари “доктор” академик даражасига эга бўлган дипломларни бериш ҳуқуқига ҳам эгадирлар.

Касб-хунар академияларида талабалар учинчи даражали деб номланувчи билимларни олишлари мумкин. Бу ерда ўқув жараёни ишлаб чиқариш жараёни билан биргаликда олиб борилади. Ўқув жараёни якунида битирувчига ишлаб чиқариш ёки иқтисодиётнинг кўплаб соҳаларида ишлаши учун яроқлилигини тасдиқловчи бакалаврлик дипломи тақдим этилади. Ўқиш 3 йил давом этади, шулардан 2 йили асосий ўқиш ва 3–йили касб-хунар бўйича ўқиш.

Дуал ўқиш тизими

Яқин муддатлардан бери Германияда ўқув юртларида назарий

билимларни олиш билан бир қаторда иш берувчи-корхонада ишлаш асосида амалий тажрибаларни ҳам орттириб боришга йўналтирилган таълим усули кенг тарқалиб бормоқда. Бу таълим беришнинг дуал тизими ҳисобланади. Германияда ушбу тизим анъанавий таълим тизимидан фарқ қилади ва Федерация олий таълим вазирлигининг маълум қилишича, немис мактаблари битирувчиларининг тахминан 60% Duales Studium тизимида ўқишни давом эттириш хоҳишини билдирганлар.

Дуал таълимда эгалланиши мумкин бўлган мутахасисликлар рўйхати қонун даражасида белгилаб қўйилган. Бугунги кунда бундай мутахасисликлар сони 350 тага тенгдир. Ўзаро кесишувчи таълимларни давлат қатъий назоратга олади.

Duales Studium тизими 2 - 3 йил давом этади. Ушбу ўқиш вақти давомида ўқувчи ҳафтасига 3-4 кун ўзи билан шартнома тузган фирмада ишлайди. Ўқувчилар 8 дан 12 соатгача касбий билимларни оладилар ва яқунда давлат имтиҳонларини топширадилар. Агар имтиҳондан ўта олмаса, уни қайта топшириши мумкин. Ўқув жараёнининг маълум қисмини хорижда ўтказиш мақсадга мувофиқ деб топилмоқда.

Талаба яшаши ва озиқ-овқати учун стипендия олади. Ҳар йилда кўникма ва билими ортиб борган талабаларга орттирган тажрибасига ва билимига мувофиқ юқорироқ стипендия белгилаб борилади. Бундан ташқари қатор иш берувчилар кўшимча харажатлар учун ҳам тўловлар жорий қилган. Бундай тўловларга йўл кира ҳаққи билети, китоб сотиб олиш, хона ижараси, ноутбук ижараси ва бошқалар киради.

Ушбу таълим тури қуйидаги ижобий хусусиятларга эга:

- Таълимнинг дастлабки босқичларидан бошлаб амалий билим ва кўникмаларга эга бўлиб борилади;
- Ўқиш тамом бўлганидан сўнг талабаниннг амалиёт ўтаган корхонасида иш топиш эҳтимоллиги юқори бўлади.

Дунё цивилизациясига ривожланган Европа мамлакатлари қатори бир қатор ривожланган Осиё мамлакатлари ҳам ўз хиссаларини қўшиб келмоқда. Бу мамлакатларга Хитой Халқ Республикаси, Япония, Жанубий Корея Республикаси, Сингапур, давлатдарини санаш билан бирга, жадал ривожланишни йўлини танлаган Хиндистонни ҳам келтириш мумкин. Бу давлатларнинг иқтисоди ривожланган бўлиб, уларни таълим тизимларини таҳлил этиш ва улардаги ижобий томонларини танқидий ўрганиш зарур. Чунки, юқорида кўрсатиб ўтилганидек, таълим тизими, унинг ташкил этилиши давлат ривожланишининг белгиловчи факторидир.

1.2.(б). Хитой Халқ Республикаси таълим тизими.

Модуллигимизда Хитой, Жанубий Корея ва Япония давлатларини таълим тизимларини таҳлил қилиш лозим деб ҳисобладик. Маълумки Хитой мамлакатининг тарихи жуда узоқ. Дастлабки мактаблар эрамиздан анча илгари вужудга келган. Қадимги хитой файласуф ва педагоглари эрамиздан аввалги V-IV асрлардаёқ таълим тизими билан шуғиллана бошлаганлар. Улар ташкил этган ўқитиш тизимлари, маълум қандайдир структурага эга бўлган. Давлатда ўсиб бораётган ёшларни таълим тарбия ишларини ташкиллаштириш маълум даражада қийинчиликлар ҳам келтириб чиқарган.

Хитойда сўнгги 30 йил мобайнида ҳар қайси оила биттадан болага эга бўлиши сиёсати юргизилиши сабабли ўқувчилар сони анча камайди.

Бошланғич мактаб ўқув режасига 9 та предмет : ахлоқий тарбия, она тили, арифметика, жамият (тарих, география) табиатшунослик, жисмоний тарбия, ашула ва мусиқа, бадий тарбия, меҳнат таълими киритилган. Ана шу асосий ўқув предметларидан ташқари, ҳафтада 6-8 соат фаолиятнинг ҳар хил турларига : мустақил тайёрланишга 1-2 соат , синф мажлислари ўтказишга 1 соат, спорт уйинларига 2-3 соат , кизиқишлар буйича машғулотларга 2 соат ажратилади.

Хитойда олий таълим жараёнида талабалар учун ибратли шарт-шароитлар яратилган. Аввало университетлар контингентига мамлакатнинг демографик ҳолати ўз таъсирини кўрсатган. Масалан: биргина Шанхай университетининг ўзида 26 факультет бўлиб, 33 000 талаба бакалаврият ва магистратурада ўқийди. Купчилик профессор-ўқитувчилар АҚШ да малака ошириб келишади. Ҳозирги кунда университетда “Замонавий коммуникацион ва ахборот технологиялари”, “Рақамли тизимлар хавфсизлиги”, “Компютер графикаси ва WEB дизайн” каби фанлар ўқитилмоқда. Олий таълим тизимида ўқитишнинг кредит тизими жорий этилган. Бу омил талабаларнинг машғулотларга қатнашиши, мустақил ишлаши ва илмий изланишга жалб этилишига ижобий таъсир этган[19]. Таълим тизимини ташкил этишда давлат 4 босқичдан иборат махсус дастурни қабул қилган. Бу ҳар бир даврнинг мақсад вазифалари алоҳида кўрсатиб ўтилган ва уларни молиялаштириш йўл йўриқлари ҳам алоҳида белгиланган.

ХХРнинг “ Мажбурий таълим ҳақидаги Қонун ”ига кўра таълим бепул, фақат ўқув дарсликлари, дафтар ва ўқув қуроллари учун ҳақ олинади, холос. Бепул таълим ҳисобланган бошланғич таълим муассасалари давлат тасарруфида бўлиб, ўқувчилар яшаш манзилига кўра қабул қилинади.

Ўқитишнинг кредит тизимида бакалавр дипломига эга бўлиш учун

жами 311 кредит йиғиши керак. Ҳар бир кредит 10 соат маъруза дарслари давомида тўпланади. Амалий дарслардан 20 соат машғулотда 1 кредит тўпланади. Талабалар ўқишни 4 йилда тугатиши шарт эмас. Лекин 8 йилдан ортиқ ўқиш ҳам мумкин эмас. Агар талабалар кредитларнинг 80 % ини тўпласа, бакалавр дипломига эга бўлади.

Мамлакат олий ўқув юртларида даволатга алоҳида эътибор берилади, агар талаба 1 фан бўйича машғулотларнинг 1/3 қисмини қолдирса (агар касаллик варақаси бўлса ҳам), ўз-ўзидан имтиҳонга киритилмайди ва шу фан бўйича кредитни бажара олмайди. Натижада талаба олий ўқув юртидан четлаштирилади ва келгуси ўқув йилида шу фанни ўқишга ва кредит тўплашга мажбур бўлади.

Талабаларга фанларни танлаб ўрганиш учун катта имтиёзлар берилган. Масалан: физика факультетининг талабаси математика ва механика факультетларидан ўзини қизиқтирган фанларини танлаб ўқиши мумкин. Университетлар илмий текшириш муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналари билан мустаҳкам алоқага эга. Университетларда ихтисосликлар бўйича кичик ишлаб чиқариш корхоналари мавжуд. Амалий машғулотлар бевосита ана шу корхоналарда олиб борилади. Талаба машғулот давомида бирорта схема, лойиҳа ёки детални ўз қўли билан ясаб кўрсатиши керак. Лаборатория машғулотида тайёрланган маҳсулот умумий техникавий назоратдан ўтгач, ўқув топшириғи бажарилган ҳисобланади. Охириги курсларда ишлаб чиқариш корхоналаридан, муассасалардан вакиллар келиб, суҳбат асосида бўлажак мутахассис – талабани танлаб олади ва олий таълим муассасасига шартнома асосида пул ўтказилади. Бундай омил имкон қадар талабаларнинг ўзи эгаллаётган ихтисосликнинг малакали эгаси бўлишига ундайди.

Мамлакатда олий таълим шартли равишда қисмларга бўлинади. Олий таълимнинг муҳим қисми бўлган ва юқори босқичдаги ўрта таълим базасида амалга оширилаётган касбий олий таълим ҳозирча ривожланишнинг бошланғич босқичида турибди. У 87 та касбий-техник институтларда, қисқа муддатли касбий университетларда, махсус техникумларда, қайта қуришни амалга ошираётган ўнлаб олий махсус ўқув юртларида, катталар учун 188 мутахассислик бўйича 133 та олий ўқув юртларида тахсил оладилар. Ундан ташқари 18 та ўрта техникумда олий касбий таълим гуруҳлари ташкил этилган. Бу олий касбий ўқув муассасалари амалий ва технологик соҳадаги малакали техник ишчиларни тайёрлайди. Касбий таълимни ривожлантириш дастурига кўра Хитой яқин кунларда олий касбий таълим тизимини ислоҳ қилиш устида каттаишларни амалга оширишни режалаштирмоқда. Бунга

мисол қилиб, чет эллардан юқори малакали профессор-ўқитувчиларни қисқа вақтларга маъруза ўқиш учун таклиф этилиши ва баъзи ҳолларда юқори малакали чет эллик ходимни контракт асосида ишга қабул қилинишини мисол сифатида келтириш мумкин.

Хитойда олий таълим 3 хил кўринишга эга:

- махсус ўқув дастурлардан иборат курслар (ўқиш муддати 2-3йил);
- бакалавриатура (4-5 йил);
- магистратура (2-3);

ОЎЮни битиргач, талабаларга таълим давлат аттестациясини топширгандан кейин мос даража берилади:

- бакалавр,
- магистр.

Ҳозирда Хитойни кўпчилик университетларида докторлик программаси бўйича фан докторлар тайёрланмоқда. Олий таълим тизими ўз ичига университет, коллеж ва олий касбий мактабларни олади, ҳамда ўзининг нуфузига кўра бир неча иерархик категорияларга бўлинади.

Хитойда, худди Фарб давлатларидаги каби мутахассисларни уч босқичли тайёрлов босқичи мавжуд:

- Бакалавриат – ўқиш муддати 4-5 йил. Бу босқични тугатганлар “Бакалавр” мақоми билан тугалланган олий таълим оладилар.
- Магистратура – ўқиш муддати 2-3 йил.
- Аспирантлар учун таълимнинг икки босқичи мавжуд: аспирантура ва докторантура. Аспирантурада таълим олувчилар аниқ бир мутахассислик фанлари бўйича курсларни тинглайдилар. Докторантура – ўқиш муддати 2-3 йил, баъзан 4 йил.

Хитой давлатида таълим бўйича қуйдаги қонунлар ва қонун ости ҳужжатлар қабул қилинган [22]:


- “Хитой Халқ Республикасининг таълим тўғрисида”ги;
- “Хитой Халқ Республикасининг мажбурий таълим олиш тўғрисида”ги;
- “Хитой Халқ Республикасининг олий таълим тўғрисида”ги;
- “Хитой Халқ Республикасининг касбга йўналтирилган таълим тўғрисида”ги;
- “Хитой Халқ Республикасининг ўқитувчилар тўғрисида”ги қонунлари.

Хитойда таълим соҳасидаги қонун ости ҳужжатлар:

- “Хитой Халқ Республикасида илмий даражалар тўғрисидаги йўриқнома”си;

- “Таълимдаги муваффақиятлари учун тақдирлаш тўғрисида”ги низом;
- “Ўқитувчилар мандати хусусида”ги низом;
- “Болалар боғчаларини бошқариш ҳақида”ги низом ва бошқалар.

Умумий тарзда Хитой таълим тизимини структураси 1-расмда келтирилган.



1-расм. Хитой таълим тизимининг структураси.

Хитойда олий маълумотга эга бўлиш жуда ҳам обрўли саналади. Миллий кадрлар тизими орасида олий таълим энг етакчи ўринни эгаллайди.

Олий таълим олишга академик профилдаги ўрта мактаб битирувчилари ва махсус техник мактаб битирувчилари ҳақли. Мактаб битирув имтихонида тўпланган балл натижаларига кўра олий таълимга кириш имтихонларига қўйилади. Университетларига кириш қатъий рақобат шароитида ўтади ва баъзи университетларда битта ўринга 200-300 киши тўғри келади.

Олий ўқув юртларига кириш учун абитуриент 7 та фан бўйича махсус имтихон топширилади.

Хитойда давлат томонидан таъминланадиган олий ўқув юртларидан ташқари контракт асосида таълим берувчи олий таълим муассасалари кўп, лекин шартнома асосида ўқишга кириш ҳам жуда қийин. Иқтидорли ёшлар учун текин ўқиш имконияти бор. Ундан ташқари, баъзи ҳолларда талаба ишлаган муассаса ўқиш учун пул тўлайди. Иқтидорли талабалар давлат стипендияси ёки ташкилот ва муассаса субсидиялари кўринишидаги имтиёзларга эга.

Ҳозир аксарият талабалар бир ҳил тартибда ўқишга қабул қилинадилар ва ўқишга пул тўлайдилар. Молиявий ёрдам керак бўлган талабаларга банк кредити ажратилиб, стипендия оладилар. Фақат 1998 йилнинг ўзида 8957 та тадқиқотчига доктор илмий даражаси берилди, 38051 та киши магистр бўлди.

Хитой ўз Олий ўқув юртларига чет эллик талабаларни қабул қилади, ўз талабаларини чет элга ўқишга ва малака оширишга жўнатади. Биргина 1998 йил Хитой 164 та давлатдан 43084 талабани ўқишга қабул қилди. Хитойдан чет элга ўқишга кетган талабалар сони 23 млнни ташкил этди. Хитой Олий ўқув юртлари 2/3 қисми давлат тасаруффида, қолган 1 қисми хусусий бўлиб, ҳозирги кунда 3 мингта Олий ўқув юртларида 20 миллион талаба таҳсил оляпти[22].

Ўзбекистон ва Хитой таълим тизимининг қиёсий таҳлили 5-жадвалда келтирилган [24].

№	Таълим тури	Хитой	Ўзбекистон
1	Мактабгача таълим	3-6 ёшгача	2-7 ёшгача
2	Бошланғич таълим	6-12 ёшгача	7-11 ёшгача
3	Тўлиқсиз ўрта мактаб (Ўзбекистонда ўрта таълим)	12-15 ёшгача	11-16 ёшгача
4	Тўлиқ ўрта мактаб (Ўзбекистонда лицей ва колледж)	15-17 ёшгача	16-18 ёшгача
5	Олий ўқув юрти (бакалавриат)	4 йил	4 йил

5-жадвал. Хитой ва Ўзбекистон таълим турлари

Икки давлат таълим тизимларидаги баъзи босқичларини ва ҳолатларини қуйдагича таққослаш мумкин:

- Хитойда олий таълимнинг магистратура ва докторантура босқичлари мавжуд;
- Ўзбекистонда эса магистратура, ва докторантура босқичлари мавжуд;
- Хитой 9 йиллик мажбурий таълим жорий этган;
- Ўзбекистонда 12 йиллик мажбурий таълим мавжуд;
- Хитойда 9 йиллик мажбурий таълим олганлар миқдори 99, 3 % ни ташкил этади;
- Ўзбекистонда бу кўрсаткич 99, 5 % дан иборат;
- Хитойда 9 йиллик таълим бепул;
- Ўзбекистонда 12 йиллик мажбурий таълим бепул;
- Хитойда олий ўқув юртида фақат иқтидорли талабаларгагина стипендия берилади;
- Ўзбекистонда эса 55 % дан ортиқ балл тўплаган барча талабалар стипендиялар билан таъминланади;
- Ўқиш йили айнан биздагидай, Хитойда ҳам сентябрдан бошланади ва июлгача давом этади; Хитой талабалари узоқ қишки таътилга чиқадилар - декабр охиридан феврални бошига қадар;
- Ўзбекистонда эса қишки таътил 28 декабрдан – 10 январгача давом этади, ёзги таътил июл, август ойларида ўтади;
- Хитойда катталар учун таълим мавжуд. Унда эътибор саводсизликни тугатишга ҳам қаратилган;
- Ўзбекистонда кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш таълими бор.

Хитой давлатини таълим соҳасида олиббораётган ўзгаришлар ўзини ижобий натижаларини бермоқда. Бунга мисол қилиб Пекин университетини дунё университетлари орасида биринчи 20 талик рейтингга киришини кўрсатиш мумкин.

1.2.(б). Жанубий Корея Республикаси таълим тизимини қиёсий таҳлили.

Кейинги йилларда Жанубий Корея давлатини фан ва техника соҳасида эришган ютуқларини тан олмаслик мумкин эмас. Чунки уларни замонавий техника ва технологиялар ишлаб чиқариш бўйича тутган ўринлари ниҳоятда юқори.

Маълумки Корея 1910 йилдан то 1945- йилгача япон мустамлакаси ҳисобланган. Корейни ёппасига саводсизга айлантириш сиёсати натижаси

ўлароқ, 1944 йилги Корея Умумий Архив кўмитаси маълумотларига қараганда ўша пайтда Кореянинг саводхонлик даражаси бор-йўғи 13, 8%ни ташкил этган. 1945 йили Иккинчи Жаҳон уруши билан бирга Кореядги Япония мустамлакачилиги ҳам тугади. Эндиликда Кореяда табиийки бошқа соҳалар қатори таълим тизимини ўзгартириш вазифаси турарди. Бунинг учун "Таълимни ривожлантириш кўмитаси" ташкил этилди ва кўмита олдига таълим тизими учун дарсликлар яратиш мажбурияти қўйилди. Таълим тизими тадқиқ этилиши давом эттирилиб, ахлоқ, этика, техникага оид фанлар киритилди. 1963 йиллардан бошлаб эса таълим тизимида табиий ва ижтимоий фанларга эътибор кучайди. 1981 йили Президент Чон Ду Хван мамлакатда шахсий таълим бериш ва хусусий таълим масканлари фаолиятини қонунан таъқиқлаб қўйди. Лекин мактабда мустақил шуғулланиш учун имкониятлар яратиб берди. 1992 йилга келиб эса бошланғич мактаблар фаолияти янада ривожланиши учун ҳукумат томонидан бир қанча имтиёзлар берилган.

Корея таълим тизими босқичлари қуйидагилардан иборат:

- 6 йиллик бошланғич мактаб;
- 3 йиллик асосий ўрта мактаб;
- 3 йиллик юқори мактаб;
- 4 йиллик коллеж;
- 4 йиллик университетлар.
- шунингдек, 2 ва 3 йиллик махсус ва касбий – техник коллежлар мавжуд.

Юқори мактабнинг 1- курсига ўқувчилар 17 ёшдан қабул қилиниб 19 ёшгача таҳсил оладилар. Улар бир неча турларга бўлинади : давлат юқори мактаблари (Корея Таълим ва Техника фанлари вазирлиги, Маданият, Жисмоний тарбия ва сайёҳлик вазирлиги бошқаради), Умумий юқори мактаблар (Ҳар бир вилоятдаги юқори ташкилотлар томонидан бошқарилади), Шунингдек, юқори мактаблар ўқитиш фанларига кўра ҳам бир қанча турларга бўлинади : умумий мактаблар, ихтисослаштирилган мактаблар (қишлоқ хўжалиги, саноат, денгиз хўжалиги, ахборот), махсус мактаблар (лицей шаклидаги мактаб), техника мактаблари, чет тили мактаби, жисмоний тарбия мактаби, санъат мактаблари. Корея Республикасида Таълим вазирлиги махсус ташкил этган юқори мактаблар ҳам бор. Булар асосан қишлоқ хўжалиги, балиқчилик, саноат, халқаро тилларга ихтисослашган бўлади. Юқори мактаб ўрта мактаб каби мажбурий эмас бироқ 2005 йилги маълумотларга қараганда 97% корейс ёшлари юқори мактабни тамомлаганлар. Бу жуда юқори кўрсаткичдир.

Кореянинг энг машхур Университетлари :

Сеул Миллий Университети, Инха университети, Корея фан ва технологиялар техникаси институти, Пусан миллий Университети, шунингдек хусусий университетлардан : Корейс Университети, Поханг Университети, Ёнсеи Университети, Соганг Университети, Ханянг Университети, Сунгкюнкван Университети ва Эвха Womans Университети.

Сеул Миллий Университетига (Seoul National University) 1946 йилда асос солинган бўлиб, у бугунги кунда Осиё ва дунё миқёсидаги етакчи университетлардан бири ҳисобланади ва Сеул шаҳрида жойлашган. Хорижий талабалар сони ва алмашилиш дастурига кўра ушбу университет Жанубий Кореянинг етакчи ўқув юртларидан ҳисобланади. Талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг табиий фанлар ва муҳандислик соҳаларида олиб борган илмий тадқиқот ишлари дунё миқёсида ижобий эътироф этилган.

Университет ҳузурида 16 та коллеж ва 5 та касб-таълим мактаблари мавжуд. 2007 йилда бугунги кунда юқори натижалар бериб ўзини оқлаб келаётган “Узоқ муддатли тараққиёт режаси” қабул қилинган. Асосий устувор йўналишлар қуйидагилардан иборат:

- 2010 йилда таълимни глобал масштабда юқори даражага кўтариш;
- 2015 йилда илмий-тадқиқот режаларини дунё миқёсига чиқариш;
- 2025 йилда дунё тадқиқот университетлари орасида етакчи ўринни эгаллаш.

Дунёнинг етакчи компаниялари томонидан университетнинг битирувчиларига бўлган талаб пасайиб кетмаслиги учун университет ҳар йили ўз стратегиясини ишлаб чиқади.

Жаҳон миқёсидаги Осиё университетлар рейтинги «QS Asian University Rankings» бўйича Сеул Миллий Университети 2012 йилда 4-ўринни эгаллади. Шунингдек шу йилда, Бутун жаҳон яхши университетлари рейтинги «QS World University Rankings» бўйича университет 42-ўринни эгаллаган. Маълумотларга кўра университетда 2011 йилда 28 018 та талаба ўқиган ва шулардан 7712 таси магистратура дастури ва 2 904 таси докторантура дастури бўйича таълим олган.

Инха университети 1954 йилда Президент Ли Син Ман ташаббуси билан корейсларнинг Гавай оролларида кўчирилишининг 50 йиллиги байрами муносабати билан, ҳамда Жанубий Корея саноати сектори ривожини ошириш орқали Осиёда фан ва техника, компьютер технологиялари, робототехника ва сунъий тафаккур соҳаларида етакчиликка

эришиш мақсадида ташкил этилган. Ушбу университет Жанубий Кореянинг кўп йиллик тарих ва салоҳиятга эга университетлари орасида йилдан йилга ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб бормоқда. ОТМнинг асосий мақсади «INHA Vision 2020» лойиҳасини амалга ошириш орқали жаҳоннинг 100 та етакчи ОТМлари қаторига киришдан иборатдир. Университет Осиёнинг Шимолий-шарқидаги Инчон шаҳрининг моддий-техник марказида жойлашиб, йирик «Hanjin Group» логистик компанияси билан яқин ҳамкорликда логистика соҳасида жадал ривожланмоқда. Университет ахборот технологиялари, биотехнологиялар ва нанотехнологиялар соҳасида XXI асрда узоқ муддатга мўлжалланган стратегик ривожлантириш миллий лойиҳасини ишлаб чиқишда фаол иштирок этиб келмоқда. Университет ҳаётидаги энг муҳим воқеа уларни жаҳоннинг денгиз олди ва порт шаҳарларида жойлашган энг яхши ОТМларини ўз ичига олган «Global U8 Consortium» ҳамжамиятига қўшилиши бўлди. Бу ҳамжамиятга Австралия, Хитой, АҚШ, Исроил, Франция Буюк Британия ва Жанубий Корея мамлакатларининг етакчи ОТМлари кирган. Ҳозирги вақтда Инха Сондон халқаро шаҳарчасида иккинчи кампусни қурмоқда ва илмий тадқиқот ахборотларни алмашиши бўйича глобал тармоқда етакчи таркибий қисм бўлишни режалаштирмоқда.

Университетнинг таълим тизими ва шароити қуйидаги жадвалда келтирилган.

Ўқув жараёни	
Факультетлар (бакалаврият)	Техника факультети, АТ факультети, табиий фанлар факультети, иқтисод ва тижорат факультети, бизнес олий мактаби, педагогика факультети, ҳуқуқ факультети, социология факультети, гуманитар факультет, биология факультети, тиббиёт факультети, Осиё-Тинч океан логистика институти, санъат ва жисмоний тарбия факультети (жами 13 факультет 56 мутахассислик)
Институтлар (магистратура)	Марказий институт, ахборот ва коммуникация институти, логистика олий мактаби, педагогика институти, техника институти, менежмент олий мактаби, давлат бошқарув институти, халқаро тижорат ва логистика институти, юриспруденция институти, тиббиёт фанлари институти (жами 10 та факультет ва 83 мутахассислик)

6-жадвал. Инха университети факультетлари ва институтлари

190 дан ортиқ предметлар инглиз тилида олиб борилади.

Яшаш шароитлари			
Бино (№) хона тури, инвентарь, нархлар (нонушта ва кечки овқат ичида)			
Умумий ётоқхона №1 (1,010 ўрин)	4 ўринли.	Кровать, кондиционер, интернет, ўқув куроллари	850,000 вон (1 семестрга)
Умумий ётоқхона №2 (1,150 мест)	4 ўринли.	Кровать, кондиционер, интернет, ўқув куроллари	900,000 вон (1 семестрга)
	2 ўринли.	Кровать, кондиционер, интернет, ўқув куроллари	1,2870,000 вон (1 семестрга)
	2 ўринли.	Алоҳида ҳожатхона ва ювиниш хонасига эга хона	1,440,000 вон (1 семестрга)

N2-жадвал. Инха университетида яшаш шароитлари.

Корея давлатида олий таълим тизимида ўқиш асосан контракт асосидаташқил этилган. Таълим тизими дунё стандартлари асосида олиб борилиб, кредит тизимини ташқил этади. Талаба бирор мутахассислик бўйича сертификат олишлари учун ўрнатилган кредит балларини йиғиши зарур. Хар бир талаба мутахассисликлар бўйича ўрнатилган мажбурий фанлардан ташқари ихтиёрий фанларни танлаши, ўз ўқув графикларини ўзлари белгилаши лозим. Олий мактабларда гуруҳ термини ишлатилмайди. Хар бир талаба фанларга алоҳида, ўзи танлаган график бўйича фанларни ўрганадилар. Корея университетларида “Moodle” тизими кенг йўлга қўйилган. Таълим олувчи дарсларга тўла қатнашиши шарт эмас. У баъзи мавзуларни мустақил ўрганиши мумкин.

Бу мамлакатни таълим тизимидаги яна бир ютуғи шундаки, уларда масофавий таълим курслари кенг ташқил этилган, уларда таълим олиш учун катта маблағ талаб этилмайди.

Талабалар олий мактабга кириш имтиҳонисиз қабул қилинади. Хар бир университетни ўз имкониятларидан келиб чиқиб, иқтидорли талабаларга стипендиялар(ёки ўқиш таннаридан чегирмалар) ташқил этади. Бу ҳам

талабаларни ўқишга бўлган қизиқишларини маълум даражада ортиради.

1.2.(б). Япония таълим тизимини ташкил этилиши ва унинг таҳлили.

Иқтисодий ривожланиш даражаси жиҳатидан Япония дунёда Америка Қўшма Штатларидан кейин иккинчи ўринда туради. Жаҳоннинг кўзга кўринган мутахассистлари ва иқтисодчилари Япония ривожланишидаги бу юксалиш мамлакатда таълим тизимлари тараққиётига берилган юқори даражадаги эътибор самараси, дея қайд этадилар. Бунинг асоси мавжуд. Мамлакатда саналган, таълим тизимларини такомиллаштириб борилишига ҳукумат, хусусий компаниялар, жамоат ташкилотлари, ота-оналар кенг миқёсида қатнашишини эътиборга олиш етарлидир.

Япон таълим тизимларининг шаклланиши 1867-1868 йиллардаги мамлакат ҳукмдори Мейдзи томонидан амалга оширилган ислохотларга бориб тақалади. Бу ҳукмдорнинг ўз олдига қўйган икки қатъий шиори бўлиб, бири «Фукоку киоиси» - бойиш, мамлакатни мустақамлаш ва ҳарбийлаштириш, иккинчиси эса «Сиокусан когио» - илғор Ғарб ишлаб чиқариш технологияси асосида мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш эди. Мейдзи икки мақсадни амалга оширишнинг бош омили таълим тизимларини тубдан ўзгартириш ва янгилашда деб ҳисобларди.

1872 йилда «Таълим ҳақида Қонун» қабул қилиниши таълимни ривожланишига муҳим таъсир кўрсатди. Қонунга мувофиқ тез орада эски услубдаги таълим тизими ўрнида мамлакат ривожланишини таъминлашга самарали хизмат қилувчи янги йўналишдаги 53750 та бошланғиш, 256 та ўрта мактаб, 8 та университет ташкил этилди. Бу ўқув юртларидаги таълим шакллари маърифатли Ғарб таълим услублари билан уйғунлаштирилди. 1890 йилга келиб илгариги 3-4 йиллик бошланғиш мактаблар қатъий 4 йилликка айлантирилди ва у бепул ўқитиш тизими амалга оширила бошланди.

1908 йилдан бошлаб Японияда бошланғиш таълим мажбурий 6 йилликка айлантирилди. Ўқув-тарбия ишлари бепул амалга ошириладиган бўлди. 1893 йилдан эътиборан Японияда касб йўналишидаги дастлабки коллежлар пайдо бўла бошлади.

Биринчи университет 1886 йилда Токиода ташкил этилди. Лекин бу университетга олий табақали аслзодаларнинг болалари қабул қилинарди. Аср бошида мамлакатда аёллар учун ҳам университетлар ташкил этилди. Бу билим масканларида хотин-қизлар учун фақат хўжалик юритиш, оила иқтисодиётидангина таълим берилади. 1897 йилда Киатода иккинчи университет очилди. Иккинчи жаҳон урушида Япония мағлубиятга

учрагандан кейин мамлакат маорифи тизимларига Америка Қўшма Штатлари таълим тамойиллари кириб кела бошлади.

1946 йилда қабул қилинган Конституция Япония фуқароларининг таълим соҳасидаги ҳуқуқ ва бурчларини белгилаб берди. Унда «Лаёқатига кўра барча фуқаролар билим олиш ҳуқуқига эга. Барча болалар бепул умумий таълим олишлари шарт» эканлиги белгилаб қўйилган.

1947 йилда қабул қилинган «Таълим ҳақидаги Қонун» Япония Конституцияси руҳига уйғун бўлиб, мамлакатда таълимнинг мақсад ва вазифаларини тўла ифода этади. унда, жумладан, шундай дейилади : «Биз шахсий ғурури бор, ўзининг қоблияти ва имкониятига ишонувши, ҳақиқат ва тинчликни севувчи одамларни тарбиялаймиз, токи улар кўп қиррали маданият соҳиби бўлсинлар». Шундай қилиб Япониянинг Таълим, фан ва маданият вазирлиги бошқарувида ҳозирги пайтда қатъий марказлашган, илғор халқаро стандартлар даражасида япон таълим тизими қарор топди[20].

Ҳозирги замон япон таълим тизимининг таркиби куйидагича :

- болалар боғчаси;
- бошланғич мактаб;
- қуйи ўрта мактаб;
- юқори ўрта мактаб;
- олий таълим.

Ҳозирда, Японияда ўқув йили 240 кун ёки Америка Қўшма Штатларидагидан 60 кун кўпдир. Дарслар 7 соатли.

Юқори босқич ўрта мактабларида бутун ўқув жараёнида ўқувчилар 80 та синов топширишади. Ўқувчилар мажбурий асосий фанлардан ташқари ўз хоҳишларига кўра инглиз тили, техник таълим ва махсус фанлардан ўзлаштириш кўрсаткичларига эга бўлишлари таклиф этилади.

Бу мамлакат мактаблари компьютерлар ва бошқа ўқув-техника воситалари билан тўла таъминланганлигига қарамай, мутахассисларнинг фикрича, асосий эътибор ўқитувчи фаолияти ва дарсликка қаратилмоғи зарур. Уларнинг кўрстишича, ўқитувчи билан ўқувчи ўртасидаги жонли мулоқот ўрнини ҳар қандай такомиллашган машина ҳам боса олмайди.

Японияда деярли барча дарсликлар хусусий босмаҳоналарда чоп этилади. Уларни чоп этишга маблағни вазирлик ажратади. Юқорида қайд этилганидек, дарсликлар бошланғич ва қуйи, ўрта мактабларда бепул, юқори пулли мактабларда эса пуллидир. Дарсликлар нархи шундайки, уларни харид қилишга ҳамманинг имконияти етарли. Фойдаланилган дарсликлар пуллик бўлса ҳам, текин бўлса ҳам ўқувчининг ўзида

қолдирилади.

Японияда ўқитувчи кадрларни тайёрлаш сифатига жуда катта талаблар қўйилади. Бу талаблар шундайки, мазкур касбга иқтидорсиз ва йўналиши тўғри келмайдиган тасодифий кишиларнинг кириб қолишига йўл қўйилмайди.

Ўқитувчилар 4 йиллик университетларда ва 2 йиллик коллежларда тайёрланади. Бу ўқув юртларининг битирувчиларига биринчи ва иккинчи даражали гувоҳнома берилади. Мактаб директори бўлиш учун 1 даражали гувоҳномага эга бўлиш шарт.

Олий таълим доирасига Японияда университетларнигина киритиш мумкин. Университетларга катта ўрта мактаблар ёки 12 йиллик оддий дастурда фаолият кўрсатувчи мактабларнинг битирувчилари қабул қилинадилар.

Маълумотларга кўра, бу мамлакатда 460 та университет бўлиб, улардан 95 таси давлат тасарруфида, 34 таси муниципал, 331 таси хусусийдир. Уларда 1 миллион 843 минг талаба таҳсил олади. Талабаларнинг 77, 4 фоизи йигитлар, 22, 6 фоизи қизлардир. Аспирантураларда таҳсил олаётган аспирантларнинг бор йўғи 12, 9 фоизи аёллар бўлиб, улар асосан гуманитар фанлар, санъат, маориф ва доришунослик соҳасида изланишлар олиб борадилар[20].

Кичик коллежларда эса аҳвол бунинг тамоман акси бўлиб, бу ерда эрлар 10, 1 фоизни, аёллар 89, 9 фоизни ташкил этади. умуман олганда, қишлоқ хўжалиги муҳандисликдан ташқари барча факультетларда аёллар ҳам таълим оладилар.

Университет кафедралари таркибига асосан профессор, доцент ва ўқитувчилар киради. Хар бир кафедра 4 нафар юқори курс талабасини бакалавр дастурида, 4 нафарини магистр ва 3 нафарини докторантура дастурида тайёрлашга масъулдир. Кафедраларга шу асосда бириктирилган талабалар билан илмий-текшириш гуруҳларидагидек фаолият кўрсатадилар.

Япония университетларига кириш учун икки муҳим босқичдан ўтиши лозим:

- биринчи босқич давогарларнинг турар-жойида амалга оширилиб, улар япон, эски япон тили, математика, физика, химия, жамиятшунослик, тарих ва бошқа фанлар бўйича тест синовларидан ўтадилар. Тест синови натижаларига кўра, улар қайси университетга муносиблиги белгилаб кўрсатилади. Юқори натижаларга эришган абитуриентлар Токио университетига, Киото, Осако, Саппоро университетларига кетирилган

кетма кетлик асосида қабул имтиҳонлари топширишлари учун йўлланмалар берилади;

- иккинчи босқич танловида давогар университет талаблари асосида синовлар топширади. Синовларни тури, формаси ҳар бир университетни ўзи томонидан белгиланади ва олдиндан бу ҳақида давогарга ахборот берилади.

Хусусий университетлар эса қабул имтиҳонларин, кириш имтиҳонлари суҳбат тарзида ўтказилиб, унда кўрсатилган фанларни билишдат ташқари тез фикрлаш, топқирлик, зукколик маҳоратлари ҳам синаб кўрилади.

Бир қатор хусусий университетлар ўз таркибида мактабгача тарбия муассаларига эга. Унда табияланувшилар таълимнинг барча босқишларини шу университетнинг ўзида ўтайдилар, пировард натижада кириш имтиҳонисиз университетга қабул қилинадилар.

Университетларда таҳсил олаётган талабалар ўқув дастурлари касбдан келибчиқиб қўйидагича бўлиши мумкин:

- Жамиятшунослик фанлари 40 %;
- Техник фалар 20 %;
- Гуманитар фанлар 14 %;
- Педагогик фанлар 8 %;
- Қишлоқ хўжалик, тиббиёт, табиий фанлар 3 %.

Япон университетларида талабалар ўқув жараёнида 140-150 синов бирлиги топширадилар. Уларда баҳо мезони – «абло», «яхши», «қониқарли», «қониқарсиз».

Япон университетлари асосан юқори малакали мутахассислар тайёрлайди. Шунга қарамай, Японияда «Университет шахсни билим ва касбга йўналтиради холос, уни такомиллаштириш, мукаммаллаштириш шахсинг ўзига боғлиқ», деб ҳисоблайдилар.

Япония таълим тизими структураси қўйидагича:

- Юқори босқич ўрта мактаб 10, 11, 12 синфларни ўз ичига олади, бундай мактабларнинг кундузги, сиртки ва кечки бўлимлари мавжуд. Ўқувчиларнинг 95% кундузги мактабларда ўқийдилар.

- Японияда ўқув йили -240 кун. Ёзги таътил июнь ойининг охирида бошланиб, августда тугайди. Дарслар кунига 7 соатдан ўтилади.

Коллежлар:

- 1-кичик коллеж;
- 2-техник коллеж
- 3-махсус коллежларга бўлинади.

Бу тизимни битирган талабалар бакалавр дипломини олади ва университетнинг 3 ёки 4 курсларига қабул қилинади. Юқоридагиларга

асосланиб Япония таълим тизимини куйидаги структурасини белгилаш мумкин:

- Университетларга кабул қилиш икки босқичга бўлинади: 1-босқичи турар жойда ўтказилади, бунинг учун эски япон тили, математика, физика, киме, жамиятшунослик, тарих буйича тест синовларидан ўтилади.

- Бу синовлардан ўтган ўқувчилар университетларга йўлланма оладилар ва яна синовдан ўтадилар.

- Хусусий университетларга эса тўғридан-тўғри тест топширилади

- Бир қатор хусусий университетлар ўзининг узлуксиз шаҳобчасига эга (боғчадан бошлаб ҳамма босқичларни қамраб олади).

- Университетдан талабаларни ҳайдаб юбориш мумкин эмас. Лекин ўқиш муддатини чўзиш мумкин (4 йиллик ўқиш 5-6 йилгача чўзилиб кетиши мумкин).

Олий таълим тизими куйидаги турларни ўз ичига олади.

- Тўлик циклдаги университетлар (4 йил).

- Тезлаштирилган университетлар цикли (2 йил).

- Касб таълим коллежлари.

- Техника институтлари.

1.3. Таълим тизимини ривожлантиришда МДХ давлатлари ва ривожланган хорижий давлатлар билан ҳамкорлик ошириш йуллари. (Европа, Осиё ва Шарқ мамлакатларининг тажрибалари).

Ҳозирги замон илмий фаолияти изланишлар кўламининг ўсиши, фанлараро ва глобалъ характерга эгаллиги ҳамда уларнинг дунё инновацион ўсишига таъсирининг кучайиши билан ажралиб туради. Ривожланган давлатларда фанга ажратилган харажатларнинг муҳим ўсишига қарамасдан уларнинг бирортаси ҳам илмий изланишларнинг тўла спектри бўйича ҳар томонлама илмий тадқиқотлар олиб бориш имконига эга эмас. Бундай ҳолда фан, технологиялар ва инновациялар соҳасида фақатгина илмий эмас, балки социал иқтисодий ривожланишни ҳам аниқлаб берадиган устувор йўналишларни танлаш муҳим қиймат касб этади.

Ривожланган Европа ва Осиё давлатларида, жумладан, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония, Хитой, Жанубий Корея ва бошқа давлатларда у ёки бу илмий технологик йўналишларни қўллаб қувватлаш ҳақидаги қарорлар давлат ташкилотлари, илмий тадқиқот марказлари, университетлар, консалтинг компаниялар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижалари асосида қабул қилинади. Бу ишлар дунё миқёсдаги илмий технологик ривожланишнинг устивор йўналишларини аниқлашга,

давлатнинг рақобатли устуворлигини таҳлил қилишга, фан, технология ва инновацияларнинг аллақачон бажариб бўлинган программалари самарадорлиги баҳосига қаратилган. Давлат билан биргаликда бундай тадқиқотлар натижаларидан, бошқарув қарорларини қабул қилишда, бошқа манфаатдор группалар, шу жумладан, иқтисоднинг реал сектори корхоналари ва илмий жамиятлари фойдаланишади.

Қуйида илмий тадқиқот ишлари ва ишланмаларнинг устувор йўналишларини танлаш Германия, Буюк Британия ва Хитой мисолида кўриб чиқилган, ҳамда ривожланган Европа ва Осиё, ҳамда бошқа давлатларни илмий тадқиқот ишлари ва ишланмаларини молиялаштириш таҳлили келтирилган.

Таълим соҳасидаги халқаро ташкилотлар:

ЮНЕСКО – БМТнинг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти. Универсал хусусиятдаги ҳукуматлараро ташкилот: дунёнинг турли минтақаларида таълимни ривожлантириш бўйича тадқиқотлар ўтказилади; таълим бўйича маъруза, ҳисоботлар ва ахборот-таҳлилий материалларни чоп этади, ҳамкорлик ва таълимни ривожлантириш масалалари бўйича халқаро конференция ўтказилади.

ЮНЕСКО томонидан чоп этиладиган ҳужжатлар: ЮНЕСКОнинг статистик йилномаси (дунёнинг минтақалари ва давлатлари бўйича фаннинг ривожланиши ва саводхонлик даражаси тўғрисида маълумотлар); Таълим бўйича бутунжаҳон маълумотномаси – бутун дунё бўйича миллий таълим тизимлари тўғрисида маълумот; Таълим бўйича бутунжаҳон маърузаси – таълимни ривожлантириш ва молиялаштириш бўйича статистик маълумотлар.

Олий таълим сифатини таъминлаш бўйича Европа ассоциацияси – The European Association for Quality Assurance in Higher Education - ENQA. ЕИ аъзо-давлатлари таълим муассасалари учун стандартларни, тартиб-таомиллар ва тавсияларни ишлаб чиқувчи, шунингдек, Болонья жараёнларини тартибга солувчи бош ташкилот. ENQA илғор тажрибаларни ривожлантириш ва алмашиш ва таълим соҳасида ягона Европа стандартларини ишлаб чиқиш мақсадида олий таълим сифатини таъминлаш соҳасида ҳамкорликка кўмаклашади.

Олий таълим сифати бўйича Европа реестри – The European Quality Assurance Register for Higher Education – EQAR. Қуйидагилар учун шароит яратади: олий таълим муассасаларига ишонч рейтингини эълон қилиш ва шу орқали “аккредитация фабрикалари” мавжуд бўлиши имкониятларини қисқартириш йўли билан талабалар саъй-ҳаракатларини

бирлаштиради; таълимда сифатни таъминлаш бўйича агентликлар фаолиятини сифатини яхшилаш воситаси бўлиб хизмат қилади ҳамда улар ўртасида ўзаро ишончни мустаҳкамлайди; олий таълим муассасаларига таълим сифатини таъминлаш бўйича турли агентликларни танлаш имкониятини беради.

Араб давлатлари Лигасининг Таълим, маданият ва фан масалалари бўйича ташкилоти – Arab League Educational Cultural and Scientific Organization – ALECSO. ALECSO таълим соҳасида: минтақавий ҳамкорликни ривожлантиради; АЛЕКСО мамлакатларида таълимни молиялаштириш манбалари ва механизмларини ривожлантиради; аёллар таълимини юксалтиради; имконияти чекланган шахсларни таълим жараёнига жалб қилади; минтақа мамлакатлари ўртасида университет таълими таълим цикллари бирхиллаштиради; масофали таълимни ривожлантиради; таълим сифатини баҳолашнинг миллий институтлари, стандартлари, мезонларини ишлаб чиқади ва ривожлантиради.

Университетларнинг халқаро ассоциацияси – International Association of Universities – IAU. 120 дан ортиқ мамлакатларнинг олий таълим муассасаларини бирлаштиради. IAU ўз фаолиятида турли фаолият соҳалари бўйича кадрлар тайёрлашнинг долзарб масалалари бўйича чорақлик журнал нашр этади. IAU томонидан чоп этиладиган Университетлар халқаро йиллик маълумотномаси бутун дунё мамлакатларида таълим ташкилотлари тўғрисида маълумотларни қамраб олади. Ассоциация Европа ўқув муассасаларида Болонья жараёни асосий принципларини жорий этишга кўмаклашади.

Академик ҳамкорлик Ассоциацияси – Academic Cooperation Association – ACA. Ассоциация фаолиятининг асосий йўналишлари: олий таълим интернационализациясига кўмаклашади; ойлик электрон ахборотнома чоп этиш, семинар ва конференциялар ўтказиш орқали Европа ва халқаро ташкилотлар иштирокида бўлиб ўтган энг долзарб ўзгаришлар ҳақида хабардор қилади; олий таълим интернационализациялаш соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш бўйича тадқиқотлар ўтказиши ва улар натижаси бўйича нашрлар чоп этади; олий таълим соҳасида халқаро ҳамкорлик масалалари бўйича маслаҳатлашувлар ўтказиши.

2-МАВЗУ: ТАЪЛИМ СИФАТИНИ БАҲОЛАШДА РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИНИ ТАТБИҚ ЭТИШ ОМИЛЛАРИ (2 соат)

Режа:

1. Олий таълим тизимида таълим сифатини баҳолашнинг хорижий тажрибалари ва ўзига хос хусусиятлари.
2. Халқаро таълим тизимида сифатни баҳолаш моделлари ва уларни қўллаш усуллари. Буюк Британия олий таълим тизими сифатини назорат қилиш Агентлиги.
3. Таълим тизимини ташкил этиш ва сифатини оширишда халқаро стандартларнинг аҳамияти. Халқаро стандартлар тамойиллари.

1. Олий таълим тизимида таълим сифатини баҳолашнинг хорижий тажрибалари ва ўзига хос хусусиятлари.

Халқаро даражада бу муаммога нисбатан эътибор Европа давлатларида таълим тўғрисидаги ҳужжатларни, таълим сифатини баҳолашнинг ягона тизими орқали ўзаро тан олиш тенденцияси кузатилмоқда. Мазкур йўналишдаги ишларни амалга оширишда Европа давлатлари, шунингдек бошқа давлатлар ҳам бир қатор умумий муаммоларни ҳал этишлари зарур:

- давлат ва таълим муассасалари ўртасида таълим сифатини таъминлаш бўйича масъулиятни тақсимлаш;

- ОТМларда талабаларни ва нашр қилинган ишлар натижасини, ички баҳолашни ҳам қўшган ҳолда таълим сифатини баҳолашнинг миллий тизимини ишлаб чиқиш;

- назорат -баҳолаш материаллари, жараёнлар, уларни сертификациялаш, дастур ва таълим муассасаларини аккредитациялаш, таълим сифатини баҳолаш соҳасида халқаро тадқиқотларни ўтказишнинг қиёсий тизимларини ишлаб чиқишни таъминлаш.

Юқорида санаб ўтилган муаммолардан яқин кунларда бизнинг мамлакатимизда ҳам ҳал этилиши кутилаётган вазифаларга қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

- Европа, шунингдек дунё меҳнат бозорида миллий олий таълим тизимининг рақобатбардошлигини таъминлаш;

- таълим соҳаси самарадорлигини баҳолашнинг мезонлари(юклама, таълимда эришилган ютуқлар, компетентлик даражаси) тўпламини ишлаб чиқиш;

- барча даражада таълим сифатини баҳолашнинг миллий тизимини

яратиш ва баҳолаш тамойилларини асослаб бериш.

Маҳаллий ва хорижлик олимлар ва амалиётчилар таълим сифатини ошириш муаммосини тадқиқ этишар экан, таълим сифати тушунчаси, баҳолаш мезонлари тушунчаларини асослаб бериш, юқори сифатни таъминлашга имкон берадиган омилларни аниқлаш, таълим сифатини бошқариш ва мониторинги масалаларини ўрганиш устида иш олиб бормоқдалар.



-расм. Халқаро амалиётда сифатнинг беш асосий йўналиши.



-расм. Англия таълим тизими сифатини таъминловчи хусусиятлари.

Жаҳон тажрибасида олий таълимни баҳолаш тизимини икки турга бўлиш мумкин:

1. Олий таълим муассасалари ривожланишини мувофиқлаштирувчи давлат бошқарувининг ваколатли органи мавжуд бўлган мамлакатлардаги олий таълимни баҳолаш тизими. Олий таълимни баҳолашнинг бу тизими ҳукумат томонидан молиялаштирилувчи давлат органларининг устуворлигига асосланади. Бунда ўз-ўзини баҳолашга эътибор пастроқ бўлиб, асосий урғу давлат органлари ёки жамоат ташкилотлари томонидан ўтказиладиган самарали ташқи баҳолашга қаратилган бўлади. Бундай баҳолаш тизимлари кўпинча ҳукумат назорати, лицензиялаш, давлат аккредитацияси, турли олий таълим муассасаларини солиштириш, молиявий ресурсларни тақсимлаш ва университетларга таъсир ўтказиш билан боғлиқ. Олий таълимнинг давлат бошқаруви органлари мавжуд бўлган мамлакатлар қаторига Европанинг Германия, Франция, шунингдек, европача олий таълим анъаналарини қабул қилган МДХ мамлакатлари киради.

2. Олий таълимни давлат бошқаруви органлари мавжуд бўлмаган мамлакатлардаги олий таълимни баҳолаш тизими. Олий таълимни баҳолашнинг бу тизимида университетлар фаолиятини яхшилашга, ички таҳлилга асосланган олий таълим муассасаларида ўз-ўзини баҳолаш, ёки касбий, ёки жамоатчилик баҳолаши устуворлик қилади. Олий таълим бўйича ўз-ўзини мувофиқлаштириш мамлакатлари қаторига, биринчи навбатда, Америка Қўшма Штатлари, шунингдек, америкача олий таълим анъаналарини қабул қилган мамлакатлар киради (Филиппин, Тайвань).

Айрим мамлакатларда олий таълимни баҳолашнинг юқорида қайд қилинган усуллари биргаликда қўлланилади (Швеция, Норвегия, Финляндия, Буюк Британия, Чехия, Словения ва бошқалар). Бундай баҳолаш тизими Умумжаҳон сифатни бошқариш (Total Quality Menegement, TQM) тамойиллари ва стандартлаштириш бўйича Халқаро ташкилотнинг (International Organization for Standardization, ISO) сифат менежменти тизими талабларига асосланади.

Ўз-ўзини бошқаришга асосланган ОТМда таълим сифатини ташқи баҳолаш тамойиллари қуйидагилардан ташкил топган:

- университет фаолияти ва таълим дастурларини асосий мақсад ва вазифаларга мос келиш даражасини мунтазам текшириб бориш;
- фаолиятни эксперт баҳолаш ва университетнинг ривожланишини режалаштириш учун масъул шахс ёки таркибнинг мавжудлиги;
- ўз – ўзини текшириш жараёнини амалга ошириш учун кенг ва

самарали ахборот тизимининг мавжудлиги;

- ўз – ўзини баҳолашни мунтазам амалга оширилиши (хизматлар соҳасини, бошқарув тизимини, таълим дастурларини ва б.) ҳамда университетнинг ўз-ўзини баҳолаш натижаларини текшириш учун ташқи эксперт баҳолаш;

- ташқи эксперт баҳолаш натижалари асосида ўз вақтида бошқарув тузилмаси ва услубини, таълим дастурларини такомиллаштириш, моддий ва молиявий ресурсларни қайта тақсимлаш, рағбатлантириш ва жазолаш тизимини амалиётга жорий этиш.

ОТМларда таълим сифатини бошқаришда ривожланган чет эл олий таълим муассасалари тажрибасини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Буюк Британияда университетлар фаолияти ва уларнинг таълим дастурлари сифатини баҳолашнинг давлат ташкилотларининг бош роли таъминланган кўп поғонали аккредитациялаш тизими Quality Assurance Agency (QAA) йўлга қўйилган. Бир қанча ОТМ ОАА мезонлари асосида, келишилган ҳолда таълим муассасаларининг таълим дастурлари сифатини баҳолашади. Масалан, 1992 йилда The Open University (Очиқ Университет) таълим муассасаларини, жумладан Буюк Британиянинг чет эллардаги таълим муассасалари фаолиятини аккредитациялаш ҳамда валидациялаш (ратификациялаш, тасдиқлаш) бўйича ўзининг The Open University Validation Services (OUVS) структурасини ташкил этган.

Таълим муассасалари фаолиятини аккредитациялаш бўйича OUVS талаблари қуйидагилардан иборат:

- барча талабларга мос таълим муҳитини яратилганлик ҳолати;
- таълим дастурларини амалга оширишда мустақиллик;
- академик фаолликни самарали ташкил этилиши;
- таълим сифатини кафолатлашнинг самарали тизимини мавжудлиги;
- интеллектуал мулк (илмий салоҳият) даражаси;
- ташқи тавсиялар учун очиклик;
- молиявий хавфсизлик.

The Open University Validation Services (OUVS) қуйидаги йўналишлар бўйича баҳолашларни амалга оширади:

- ташҳислаш: таълим дастурларини амалга оширишга тайёрлиги ва имкониятлари, ўқитишда юзага келадиган муаммоларни аниқлайди (интервью, тестлар ва б.);

- шакллантирувчи: таълим жараёнининг ажралмас қисми сифатидаги тескари алоқа элементлари (топшириқлар, рефератлар, иш дафтарлари, семинарлар ва б.)ни ўрганади;

- якуний: ўқув жараёни натижасининг ютуқлари ва камчиликларини аниқлайди (оғзаки ёки ёзма имтиҳонлар, лойиҳалар тақдимоти) .

OUVSнинг баҳолаш тамойиллари асосан қуйидагилардан иборат:

- баҳолаш очиқ, ҳаққоний, асосланган ва ишончли бўлиши лозим;
- ўқув жараёни натижалари бўйича баҳолаш аниқ манзилли бўлиши керак;

- баҳолаш мезонлари барча учун тушунарли бўлиши, академик баҳолар имкон борича жамоавий фаолият бўйича бўлиши лозим;

- натижалар мунтазам қайта баҳолашга тақдим этилади.

The Open University Validation Services (OUVS)томонидан ўтказиладиган аккредитация мақсади қуйидаги масалалар бўйича фаолият натижасини тасдиқлашга йўналтирилган бўлади:

- таълим дастурларини амалга оширувчи ўқув юртининг ресурсларини ўрнатилган талабларга мос келиши (ўқитувчилар таркиби, ахборот имкониятлари, молиявий аҳволи);

- ички тизим тартиби таълим стандарти сифатини кафолатлашга мос бўлиши;

- талабалар ҳуқуқини таъминланиши.

OUVSнинг асосий мезонлари қуйидаги характерли хусусиятларга эга: соний кўрсаткичларни йўқлиги;

- ўқитувчиларни ўқитадиган фанига мос келувчи соҳалар бўйича академик (педагогик) ва тадқиқот (илмий) фаоллигини рағбатлантириш;

- таълим сифатини кафолатловчи тизимга талаблар, ташқи ва ички баҳоловчилар, шунингдек ишлаб чиқариш экспертлари томонидан талабаларнинг академик фаоллиги ва натижаларининг тизимли мониторингини юритиш.

Австралия давлатида таълим сифатини бошқариш ҳолатини тадқиқ этадиган бўлсак, Австралия муҳандислик институти ва Австралия муҳандислик факультетлари деканлари Кенгаши томонидан 1996 йилда ишлаб чиқилган таълим дастурларини Аккредитациялашга янгича ёндошувда, асосан сифатни кафолатлаш тизимининг ички механизмига катта эътибор қаратилган. Муҳандислик ўқув дастурларини аккредитациялашнинг янги мезонлари ўқув жараёнига эмас, унинг натижаларига асосланган. Аккредитациялаш тартиби ички баҳолаш ва сифат кафолати билан бир қаторда ишлаб чиқариш корхоналарининг ташқи баҳолари ҳамда тавсияларини ўз ичига олган. Умуман, аккредитациялаш жараёни замонавий ишлаб чиқариш талабларини ҳисобга олган ҳолда муҳандислик дастурлари инновациясини таъминлаш ҳамда ривожлантиришга йўналтирилган.

Аккредитациялашнинг асосий мезонлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- университетга қабул қилинадиган талабаларнинг дастлабки тайёргарлик сифати;
- профессор-ўқитувчилар ва талабаларга талаб;
- касбий (малакавий) амалиёт;
- битирувчиларга талаб.

Ушбу мезонларнинг асосий хусусиятлари қуйидагилар билан изоҳланади:

- ўқув режаларини шакллантиришда университетларнинг ўзларига кўпроқ эркинлик берилиши;
- мутахассислар тайёрлаш сифатига асосий эътибор қаратилиши;
- таълим дастурлари сифатини ошириб бориш мақсадида уларни мунтазам такомиллаштириб борилиши;
- таълим стандартларида инновацияларни рағбатлантириб борилиши.

Германия давлатида таълим сифатини таъминлаш бўйича 1998 йилда таълим вазирлари анжуманида бакалаврлар ва магистрлар тайёрлаш дастурини баҳоловчи Аккредитация Кенгаши тузилган. Ушбу Кенгаш аккредитация агентликлари учун минимал стандартлар ва мезонларни ишлаб чиқди. Германия муҳандислар Ассоциацияси 1999 йили муҳандислик ва компьютер соҳаси бўйича Аккредитациялаш Агентлигига асос солди. Германиядаги биринчи аккредитациялаш ташкилоти Қуйи Саксония еридаги Марказий Агентлик Central Agency of Evaluation of Lower Saxony's Institutions of Higher Education (ZEvA) ҳисобланади. Ҳозирги кунда техника, информатика, табиий ва математика соҳалари таълим дастурларини аккредитацияловчи Accreditation Agency for Study Programs in Engineering, Informatics, Natural Sciences and Mathematics (ASIIN) агентликлари фаолият юритмоқда.

Германияда олий ўқув юртларига қабул қилишнинг умумий қоидалари белгиланган. Ўрта маълумот ҳақидаги диплом (Abitur) университетга кириш имтиҳонлари топшириш ҳуқуқини беради. Агар дипломдаги баҳолар умумий белгиланган стандартларга мувофиқ келса, одатда абитуриент имтиҳонларсиз қабул қилинади. Германия олий ўқув юртларида талаба касб бўйича амалий иш тажрибасини ўзлаштиради. Классик фанларнинг кенг мажмуидан иборат эски университетлар билан бир қаторда Германияда назария ва амалиёт ўртасидаги яқин алоқага урғу берувчи янги олий ўқув юртлари пайдо бўлмоқда. Келгусида илмий фаолият билан шуғулланишни истамаган абитуриент юздан ортиқ йўналишда мутахассислар тайёрлайдиган олий махсус ўқув юртларидан бирини ёки политехника институтини танлайди.

Амалий кўникмаларни мазкур олий ўқув юртларининг талабалари корхоналарда ўзлаштирадilar.

АҚШ Федерал ҳукуматида таълим учун Таълим департаменти жавоб беради. У муайян даврда мамлакат учун устувор аҳамиятга эга бўлган таълим соҳаларини белгилайди. АҚШ Конгресси мамлакатда таълимни кучайтиришга таъсир этувчи қонунлар қабул қилади,

АҚШда таълим сифатини аккредитациялаш таълим сифатини назорат қилиш тизими бўлиб, таълимнинг ривожланишидан манфаатдор барча томонлар манфаатларини ҳисобга олишга асосланган. У ўзида давлат ва жамоатчилик назоратларини мужассамлаштирган.

Аккредитациялашнинг асосий мақсадлари:

- таълим самарадорлигини баҳолаш тамойиллари ва мезонларини ишлаб чиқиш асосида олий таълим тараққиёти ва ривожланишини таъминлаш;
- таълим муассасалари ривожланишини рағбатлантириш, узлуксиз ўз-ўзини текшириш ва режа асосида таълим дастурларини такомиллаштириш;
- ўқув юрти ёки аниқ йўналишдаги таълим дастури тўғри шакллантирилган мақсадга ва унга эришиш шароитларига эгаллиги тўғрисида жамиятни кафолатлаши;
- ОТМ ва таълим дастурларини шаклланиши ҳамда ривожланишига ёрдам бериши;
- ўқув юртларининг таълим фаолиятига аралашини ва уларнинг академик эркинлигини камситилишидан ҳимоялаши;

АҚШда таълим муассасалари фаолиятини аккредитациялаш жараёнини ўқув юртининг академик эркинликларини таъминлаш ҳуқуқлари ҳамда унинг давлат ва жамият олдидаги жавобгарлиги мувозанатини сақлашга қаратилган жамоавий ўз-ўзини мослаштириш тизими деб қараш мумкин.

АҚШда 2 хил, институционал ва ихтисослаштирилган аккредитациялаш тизими мавжуд.

Ихтисослашган (профессионал) баҳолашда алоҳида таълим дастури ва мутахассисликларни тайёрлаш мақсади ва унга эришиш шароитлари аккредитациядан ўтказилади. Агар таълим муассасаси фаолияти тўлиқ баҳоланса институционал аккредитация деб ҳисобланади.

Институционал аккредитациялаш стандартлари (кўрсаткичлари) университетларнинг ўз вазифасига мос самарали фаолиятини баҳолашнинг асосий мазмунини ташкил этади. АҚШда таълим муассасалари фаолиятини баҳолашда дастлаб миқдорий кўрсаткичлардан (профессор-ўқитувчилар сони, кутубхона ресурслари, лабораторияларнинг ўқув-техник таъминоти даражаси, молиявий таъминоти ва б.) фойдаланилган. Натижада XX асрнинг

биринчи ўн йиллигида АҚШда олий таълим муассасалари фаолиятини тартибга солишга эришилган. Кейинчалик, стандартлар олий таълим муассасалари маъмурияти томонидан қаттиқ танқид остига олиниб, бундай миқдорий баҳолашлар натижаси, таълимни стандартлаштиришга олиб келиши кўрсатилган. ОТМларини регионал аккредитациялаш агентликлари миқдорий баҳолаш (институционал аккредитация)дан воз кечишиб, “Стандарт” атамаси эса “мезонлар” атамаси билан алмаштирилган ва бу билан таълим муассасаси фаолиятини эксперт баҳолаш махсус йўлга қўйилган.

АҚШдаги 6 та регионал аккредитациялаш агентликларининг ҳар бири ўзларининг мезонларини ишлаб чиқишган, ҳар бир мезон асосланиб университетлар эътиборига етказилган. Ушбу мезонларга умумий қилиб қуйидагиларни киритиш мумкин:

- университетнинг бир бутунлиги;
- мақсади, режалаштириши ва самарадорлик;
- бошқарув ва маъмурият тизими;
- таълим дастурлари;
- профессор-ўқитувчилар ва хизмат қилувчи ходимлар таркиби;
- кутубхона фонди, компьютер базалари ва ахборотларнинг бошқа манбалари;
- талабаларга хизмат кўрсатиш ва таълим олиш учун бошқа шароитларнинг яратилганлиги;
- моддий ресурслар, бинолар ва қурилмалар;
- молиялаштириш;

Таълим муассасасини аккредитациялаш қуйидагиларни тасдиқлаб, асослайди:

- таълим муассасасининг аниқ, асосланган мақсадга эгаллиги;
- мақсадга эришишдаги ресурслар етарли ва асосланганлиги;
- келажакда мақсадга эришиш истиқболлари ишлаб чиқилганлиги.

Ҳозирги вақтда ихтисослаштирилган аккредитациялашдан олдин, университет институционал аккредитациялашдан ўтиши талаб этилади.

Ихтисослашган аккредитациялашда асосий эътибор ўқув жараёни мазмунига қаратилади:

- фундаменталбилимлар даражаси;
- махсус фанлар бўйича билим даражаси;
- амалий кўникмалари;
- лойиҳалаш малакалари;
- компьютердан фойдаланиш даражаси.

Институционал аккредитациялаш жараёнидаги айрим камчиликлар, бошқа соҳалардаги ютуқлар ҳисобига тўлдирилиши мумкин, лекин ихтисослашган аккредитация таълим дастурининг қанчалик талабга жавоб беришини баҳолайди. Таълим дастурлари аккредитацияси (ихтисослашган), қачонки ОТМ бошқа барча мезонларга жавоб берсагина амалга оширилади.

Ихтисослашган аккредитациялаш асосан қуйидагиларга асосланади:

- аккредитациялаш агентлиги эксперт комиссия ёрдамида аккредитация натижалари бўйича қарор қабул қилиш мезонлари ва тартибини аниқлайди;
- ўқув юрти фаолияти ва таълим дастури ўз-ўзини текшириш ва баҳолаш асосида ўрганилади;
- эксперт гуруҳи ўз-ўзини текшириш ва баҳолаш материалларини таҳлил қилиб, хулоса тайёрлайди ва агентлик ҳамда ОТМга тақдим этади;
- ОТМ экспертлар хулосасига ўз муносабатини билдиради;
- агентлик комиссияси ўз-ўзини текшириш ва баҳолаш маълумотлари, эксперт хулосаси ва хулоса бўйича ОТМ жавоби асосида мазкур ўқув юрти аккредитациясини тасдиқлаш ёки инкор этиш бўйича қарор чиқаради.

Ихтисослашган аккредитациялашнинг асосий функцияларига қуйидагилар киради:

- абитуриентларга олий ўқув юртини танлашда ёрдам бериш;
- давлат органларига мазкур ОТМ ни қўллаб-қувватлаш бўйича қарор чиқаришда ёрдам бериш;
- хусусий корхоналар ва ташкилотлар томонидан ўз маблағларини мазкур ОТМга сарфлаш тўғрисида хулоса чиқаришларида ёрдамлашиш.

АҚШда техника ва технология соҳасидаги таълим дастурларини аккредитацияловчи таниқли ташкилот Accreditation Board for Engineering and Technology (АВЕТ) ҳисобланади. Ушбу ташкилот 28 та профессионал муҳандислик ва техник жамиятлар федерациясидан иборат. АВЕТ 1500 дан ортиқ муҳандислик ва 700 га яқин технологик ОТМ таълим дастурларини аккредитациялашдан ўтказган. Ҳозирги кунда Германия, Голландия, Туркия, Сингапур, Мексика ва бошқа давлатларнинг 70 яқин ОТМларининг таълим дастурлари АВЕТ томонидан америка аналогига мослиги тан олинган.

Техника ва технологиялар бўйича мутахассислар тайёрлаш сифатига АВЕТ томонидан қўйилган асоий мезонлар қуйидагилардан иборат:

- замонавий илмий-техник, ижтимоий ва сиёсий муаммоларни билиши ва тушуниши;
- табиий-илмий, математик ва муҳандислик билимлардан амалиётда фойдалана олиш қобилияти;
- ўрганган услублари ва орттирган малакаларини муҳандислик

амалиётида қўллаш олиши;

- муҳандислик муаммоларини шакллантириш ва ҳал этиш қобилиятлари;

- белгиланган вазифаларга мос ҳолда жараёнлар ёки тизимларни лойиҳалаш қобилиятлари;

- таърибларни режалаштириш ва ўтказиш, маълумотларни қайд этиш ҳамда изоҳлаш, асослаш қобилиятлари;

- фанлараро мавзуларда жамоада ишлаш қобилияти;

- жамоада самарали ўзаро таъсир этиш қобилияти;

- касбий ва ахлоқий жавобгарлиги;

- чуқур ва кенг билим, муҳандислик ечимларининг ижтимоий оқибатларини етарли даражада тушуниши;

- мунтазам ўз устида ишлаш ва доимий ўқиш зарурлигини тушуна билиши.

Кореяда 359 та олий ўқув юртлари мавжуд бўлиб уларда 3,3 млн.га яқин талабалар таҳсил олишади. Ушбу олий ўқув юртларининг 222 таси тўрт йиллик коллежлар, 180 таси хусусий таълим муассасаларидир. Жами мавжуд олий ўқув юртларининг 85 фоизи хусусий таълим муассасаларидир. Университетларда 78%, касбий мактабларда 96 % талабалар хусусий таълим муассасаларида ўқишади. Университетларнинг умумий ҳаражатларини 23%и давлат томонидан молиялаштирилади. Бошқа ривожланган давлатлар қатори Кореяда ҳам олий таълим икки босқичда (бакалаврият ва магистратура) олиб борилади.

Бакалаврият таълим дастурлари 4 йилга мўлжалланган бўлиб, камида 130 кредит бирлигидан иборат. Ўқув дастурининг биринчи икки йили умумкасбий ўқув фанларидан, охириги икки йили эса мутахассислик фанларидан иборат. Семестр 16 ҳафтадан иборат. Бакалаврлар асосан университетларда ва 4 йиллик ўқув дастури асосидаги коллежларда тайёрланади.

Магистратура икки йиллик ўқув дастурини ўз ичига олади ва 24 кредит бирлигидан иборат. Магистратурага бакалавриятни тугатганлар суҳбат, имтиҳон ва танлов асосида қабул қилинади.

Докторлик дастурлари Таълим Вазирлиги томонидан назорат қилинади ва камида 36 кредит бирлигига эга икки йил тўлиқ иш куни ҳисобида фаолият юритилади. Бакалаврлар учун эса 60 кредит бирлигига эга бўлиб, 4 йиллик илмий – тадқиқот фаолиятдан иборатдир. Докторантлардан камида 2 та чет тилини эркин билишлари талаб этилади.

Корея олий таълим тизимида сифатни назорат қилиш ва

аккредитациялаш таълим, фан ва технологиялар Вазирлиги томонидан амалга оширилади. Шунингдек, вазирлик таълим муассасалари ва факультетлар ташкил этишга рухсат беради ҳамда қабул квоталарини белгилайди. Университетлар доирасида институтционал аккредитациялашни Университет таълими бўйича Корея Кенгаши (КСИЕ) амалга оширади. Ҳозирги кунгача ушбу кенгаш (КСИЕ) томонидан 201та университет аккредитацияланган.

Бугунги кундаги ҳолат шундайки, ҳар бир таълим дастури аввалом бор, потенциал иш берувчилар билан келишилган бўлиши ва уларнинг бўлғуси мутахассисларга нисбатан қўйган шартларига жавоб бера олиши керак. Бунда, мазкур касб мутахассисларининг ОТМ битирувчиларининг касбий тайёргарлик сифатидан қониққанлик даражаси бўйича ўтказилган сўровномалар ҳам катта аҳамиятга эга. Шу билан бирга, бу ерда иш берувчиларга битта фаолият соҳаси учун мутахассислар тайёрлашда амалга ошириладиган таълим дастурларини, ОТМ фаолиятини солиштиришга имкон берадиган тавсифларга нисбатан ягона мезонларни ишлаб чиқиш зарур. Бу ерда шуни таъкидлашимиз зарурки, дастурларнинг юқори сифати ОТМга қўшимча касбий таълим бозорида сифатлироқ дастурларни таклиф этувчи сифатида етакчи бўлиш имконини беради. Шаклланган брэнд юқори даражадаги талабдан келиб чиққан ҳолда, янги факультет ва мутахассисликларни очиш имконият яратади.

Ривожланган чет эл давлатларида таълим сифатини бошқариш бўйича хориж тажрибаси таҳлилига асосланиб, қуйидагича хулосалар қилишимиз мумкин. Фикримизча, таълим сифатини такомиллаштиришнинг узлуксизлигини кафолатловчи механизмлардан бири ОТМда қуйидаги асосий жараёнлар: баҳолаш – яхшилаш дастури – амалга ошириш – баҳолаш (сифат ҳалқаси) ўртасидаги алоқани ўрнатишга ва таъминлашга имкон берадиган бошқарув фаолиятининг самарали тизимини йўлга қўйишдир. Бунда баҳолашнинг асосий функцияси нафақат, тизимнинг мавжуд ҳолатини аниқлаш, балки унинг сифатини яхшилаш стратегиясини ҳам аниқлаш бўлади. ОТМдан эса, баҳолаш натижалари мунтазам равишда ўз –ўзини такомиллаштиришнинг асоси сифатида фойдаланилганлигини кўрсатиш талаб қилинади.

Фикримизча, таълим тизимини ривожлантириш ва мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётига таъсирини кучайтириш бўйича хорижий мамлакатларнинг қуйидаги тажрибаси мамлакатимиз учун ҳам аҳамиятлидир:

- давлат ва олий ўқув юртлари ўртасидаги молиявий муносабатлар тизимини кенгайтириш. Ушбу механизмнинг амалга оширишда олий ўқув юртларига сарфланган молиявий ресурслар самарадорлигини ошириш;

- ҳар йили мамлакатимиз олий юртлари фаолиятини баҳолашнинг рейтинг тизимини жорий этиш. Бу ҳолат таълим муассасалари марказлаштирилган ва маҳаллий органлар томонидан уларга ажратилган молиявий ресурслар, турли фондлар, грантларни олишда соғлом рақобат муҳитининг шаклланишига олиб келади;

Хулоса килсак олий ўқув юртлари ва ишлаб чиқариш ўртасидаги боғлиқликни таъминлаш. Бу эса университетлар томонидан олиб бориладиган ишларининг натижаларини амалиётга татбиқ этилиши учун шароит яратади.

2. Халқаро таълим тизимида сифатни баҳолаш моделлари ва уларни қўллаш усуллари. Буюк Британия олий таълим тизими сифатини назорат қилиш Агентлиги.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасида жорий қилаётган таълим тизимининг миллий модели таълим соҳасини ривожлантириш борасидаги хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва мамлакатимизга хос бўлган жиҳатларни эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Мамлакатимизда таълим тизимининг миллий моделини шакллантириш босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида янги таълим тизими такомиллаштирилиб борилмоқда. Ушбу жараён узлуксиз ҳисобланади. Бир тарафдан жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, иккинчи тарафдан дунёда рўй бераётган глобаллашув жараёни янги шарт-шароитларни, ўзгаришларни вужудга келтирмоқда.

Олий таълим сифатини баҳолашнинг турли мамлакатларда юзага келган тизимларни шартли равишда учта: “инглизча”, “французча” ва “америкача” моделларга ажратишимиз мумкин.

Биринчи модел асосида – “инглизча” – ОТМ академик ҳамжамиятини ички ўз – ўзини баҳолаши ётади. Бу модел асосан, Буюк Британия ва Лотин Америкаси мамлакатларида жорий этилган. Иккинчи модел – “французча” – асосан, олий мактабни ривожлантиришни бошқарувчи маълум давлат тузилмалари мавжуд бўлган давлатларда қўлланилади. Бу моделдан хусусан, Франция, Скандинавия мамлакатлари, Чехия, Латвия, Эстония каби мамлакатларда фойдаланилади, бунда давлат ташкилотлари баҳолаш мақсадларини шакллантирадilar, баҳолашнинг муҳим мезонларини аниқлайдилар, ўқув жараёнини ташкил этишда қарорлар қабул қилдилар.

Учинчи модел – “америкача” – юқоридаги иккита моделни ўзаро мувофиқлаштиришга асосланган. АҚШда ўз – ўзини баҳолаш тизими жуда ривожланган. Бунда, таълимни давлат ташкилотлари бошқарадиган тизимдан фарқли равишда, таълим муассасаларининг ўзи томонидан кўпроқ назорат қилинади. Университетларни аккредитациялаш жараёни уларнинг ҳудудий ассоциациялари томонидан амалга оширилади. Бу ассоциациялар олий таълим бўйича махсус комиссияларга эга бўлиб, улар ҳудуд чегарасида аккредитациялаш ишларини амалга оширадилар. АҚШнинг бта ҳудудий аккредитациялаш агентликларининг ҳар бири баҳолашнинг ўз мезонларини ишлаб чиқади, бу мезонлар муҳокама қилинади, батафсил ёритиб берилади, мунтазам равишда қайта кўриб чиқилади ва университетларга етказилади.

Ҳар бир давлатда таълим дастурлари, моддий ресурслар базаси, кадрлар салоҳияти ҳамда бошқариш тизимига боғлиқ ҳолда жамият, шахс ва давлат талаблари асосида ўзига хос таълим сифатини кафолатлаш тизими яратилган. Олий таълим сифатини бошқариш тизимида таълим сифатини баҳолаш услублари муҳим рол ўйнайди.

ОТМ фаолиятини баҳолашнинг тарихан шаклланган ва ўз-ўзини ички баҳолашга асосланган “Англия модели” ва олий ўқув юртининг жамият ва давлат олдидаги мажбуриятларидан келиб чиқиб, ташқи баҳолашга асосланган “Франция модели” ҳамда уларнинг турли комбинацияларидан иборат бўлган турли баҳолаш моделлари амалда қўлланилади.

Буюк Британия олий таълим тизими сифатини назорат қилиш Агентлиги.

Буюк Британия олий таълим тизими сифатини назорат қилиш Агентлигининг Қоидалар мажмуаси.

Буюк Британия олий таълим тизими сифатини назорат қилиш Агентлигининг Қоидалар мажмуаси (Сифат қоидалари мажмуаси) олий таълим тизимини сифатини назорат қилиш Агентлигида руйхатдан утган олий таълим муассасаларига қўйиладиган талабларни белгилаб беради.

Буюк Британия олий таълим тизимини сифатини назорат қилиш бўйича Агентликнинг Қоидалар Мажмуасининг мақсади қуйидагилардир.

✓ Олий таълим тизимига қўйиладиган юқори академик стандартларга мос келиш

✓ Олий таълим муассасаси талабаларга бераётган таълим сифатини таъминлаш

✓ олий таълим тизимини узлуксиз ва тизимли равишда ривожланишини куллаб кувватлаш

✓ олий таълим муассасалари хақида тулик маълумотнинг мавжудлигини таъминлаш.

Сифат коидалари мажмуаси Буюк Британиянинг 4 маъмурий –сиёсий қисмида жойлашган олий таълим муассасаларига тарқатилади, бундан ташқари бу сифат коидалари мажмуаси Буюк Британия халқаро таълим муассасалари учун ҳам мажбурий ҳисобланади. Бу коидалар барча Британиялик талабалар манфаатини, улар қандай таълим турида ўқишдан қатъий назар (қундузги, сиртки, бакалаврият, магистратура) ҳимоя қилади.

Бу Агентлик мунтазам равишда таълим муассасаларини сифатини назорат қилиб, уларнинг қўйилган талаб ва сифат мезонларига мос келиш -келмаслигини текширади. Мазкур ҳужжат сифат бўйича Коидалар Мажмуасининг техник ахборотларини ўз ичига олган. Олий таълим тизими сифат Агентлиги кенг оммага мулжалланган таълим тизими сифати бўйича қўлланма ҳам нашр этган.

Буюк Британия олий таълим тизимини назорат этувчи АГЕНТЛИКНИНГ ҚОИДАЛАР МАЖМУАСИ ўзи нима?

Қонунчиликка муносабат

Сифат коидалари мажмуаси ўз ичига нималарни олади?

Талаблар

Барқарор амалиёт қўрсаткичлари

Умумқабул қилинган афзалликлар

Боблар

Мавзулар

Буюк Британия учун олий таълим тизими сифатини назорат қилиш Агентлигининг ҚОИДАЛАР МАЖМУАСИ нима учун зарур?

Сифат коидалари мажмуаси қандай шаклланган?

Сифат коидалари мажмуаси(СКМ) қимга мулжалланган?

Олий таълим муассасаларига

Таълим стандартлари ва сифатига жавоб берувчи мутахассисларга

Олий таълимнинг кенг мутахассисларига

Талабаларга

Агентликнинг назорат олиб боровчи инспекторларига.

Амалиётда СКМ қандай амалга оширилади?

Олий таълимни сифатини назорат Агентлигини роли қандай?

Олий таълимда хомий ташкилотларнинг роли қандай?

Тенглик ва фарқлар

Академик стандартлар, сифат, ривожланиш ва ахборот

СКМда кулланадиган иборалар

Яна қандай ресурслар фойдали булиши мумкин?

ҚЎШИМЧАЛАР-СКМни қўлланилиши:

✓ Буюкбританиянинг 4 маъмурий қисмида қўллаш

✓ СКМни базавий таълимга нисбатан куллаш

✓ СКМни Буюкбританиядан ташқарида куллаш.

Юқоридаги курсаткилардан фойдаланишда вебсайт саҳифалари сизга ёрдам беради. Ибораларни эса Глоссарийдан топасиз. Хар йилла олий таълим тизими СКМ си текширилади ва узгартиришлар киритилади. Олий таълим тизимининг сифат назорати Агентлигининг СКМсига барча олий таълим муассасалари роя килишлари шарт. Бу ҳужжат миллий даражада тасдиқланган булиб, олий таълим дастурларини тавсия килувчи ва ишлаб чикувчи барча ташкилотлар учун дастуриламал булиб ҳисобланади. Бу олий таълим муассасалари фаолият натижаси булиб, бакалавр, магистр малакасини ёки илмий унвонларни бериш ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Олий таълим тизимини сифатини назорат Агентлигининг СКМ си ТАЛАБЛАРИГА таълим муассасалари роя килишлари мажбурийдир.

Англия, Шимолий Ирландия, Шотландия ва Уэльс маъмурий территорияларда олий таълим муассасалари ва Халқаро олий таълим муассасалар юқоридаги ҳужжатлар асосида фаолият олиб борадилар. Шу билан бирга баъзи тармоқ олий таълим муассасалари ҳам шу ҳужжатлар асосида иш олиб борадилар ва малака ёки илмий унвонларни беришлари мумкин.

СКМ мустақил ва уз-узини бошқарувчи таълим муассасалари учун зарурий бошланғич ҳужжат булиб таълим Дастурлари ва Стандартлари у ерда белгиланган меъзон ва курсаткиларга мос равишда ишлаб чиқилади. Натижада барча олий таълим муассасаларида таълим сифатининг юқори булишига эришилади. СКМ нинг талаблари илмий текшириш институтлари ва бошқа таълимни узатиш, мулкни бошқариш билан боғлиқ фаолият турларига тегишли эмас.

Хар бир маъмурий территория уз худудидаги таълим муассасалари таълим сифатига маъсулдир. Олий таълим муассасалари СКМга роя килиш билан бирга мураккаб инновациялар жараёнида мазкур

хужжатларга янгиликлар киритишлари , талабларни кучайтиришга қаратилган инновацияларни жорий этишлари рағбатлантирилади.

ҚОНУНЧИЛИККА МУНОСАБАТ.

СКМга тегишли бўлган қўпгина мавзу ва қоидалар бевосита қонунчилик билан боғлиқ. СКМ қонунларни интерпритация қилмайди ва қонун талабларини тартибга солмайди. Барча олий таълим муассасалари ўз фаолиятларини қонунчилик доирасида олиб боришларини қароқатлашлари керак. Қонун талаблари биринчи даражали эканини ўнутмасликлари лозим.

ТАЛАБЛАР.

Талаблар асосий тамойилларни ақс эттириб , таълим ҳамжамияти талаб қилинаётган талаб ва стандартларга мос равишда фаолият олиб боришларини тақозо қилади. Қўйилган талаблар олий таълим муассасаларидан талабалар ва кенг жамоатчилик нималарни қўтаётганини белгилаб беради.

Муваффақиятли амалиёт қўрсатқичлари .

Таълим муассасасининг муваффақиятли ва барқарор фаолиятини ақс эттирувчи қўрсатқичлар бўлиб уларни амалга ошириш орқали олий таълим муассасаси ўзини салоҳияти ва сифат даражасини намоён қилади. Қўрсатқичлар назорат рўйхати бўлиб ҳисобланмасдан , уларнинг асосий мақсади таълим муассасалари , уларга таянган ҳолда ўз қоида ва сифат қўрсатқичларини СКМга мос қеладиغان равишда ишлаб чиқишларига ёрдам беришдан иборатдир. Қўрсатқичлар гуруҳчаларга бўлинган бўлиб , ҳар бири алоҳида сарлавҳаланган.

ТАЛАБЛАР ва ҚўРСАТҚИЧЛАРга тушунтиришлар илова қилинган. Уларда СКМни амалда қўллаш бўйича вазиятдан қелиб чиққан ҳолда қандай қарор қабул қилиш кераклиги ҳақида мисоллар қелтирилган. Олий таълим Академияси ва Талабалар миллий Иттифоқи қаби ташкилотларнинг фаолиятдан намуналар берилган.

УМУМИЙ ҚАДРИЯТЛАР(афзалликлар).

СКМнинг умумқабул қилинган қадриятлари , таълим муассасалари асосланадиган асосий ҳолатларни изоҳлайди.

- Хар бир талабага алохида эътибор ва ҳаққонийлик, ҳурмат билан муносабат қилиш

- Хар бир талаба уз қобилиятидан қелиб қикқан ҳолда узининг таълим жараёнига ҳиссасини қуша олиш имқониятини яратиш

- Таълим дастурларига тегишли барча ахборотлар билан талабани танишиш имқониятини бериш

- Таълим жараёнига тегишли укув дастурлари ва барча жараёнлар тушунарли ва ойдин булиши лозим.

- Таълим жараёнининг академик стандартлари ва таълим сифатининг стратегик назорати энг юқори даражадаги раҳбарият томонидан назорат қилинади

- Ҳамма урнатилган тартиблар ва жараёнлар мунтазам равишда ва чуқур урганилиши, текширилиши ва назорат этилиши зарур

- Таълим сифати ва академик стандартларни қуллаб қувватлаш учун маълум даражада ташқи ресурсларни жалб этиш керак.

- Таълим муассасасининг барча ходимларини сифатли фаолият олиб боришини рағбатлантириш.

БОБлар.

СКМси 4 қисмдан ва хар бир қисм боблардан иборатдир.

Боблар:

А-қисм. Академик стандартларни тасдиқлаш ва қуллаб қувватлаш;

А1-Европа ва Буюқбританияда стандартларни (урнатиш) тасдиқлаш йуналишлари

А2—Илмий унвон берувчи муассасалар академик стандартлари йуналишлари

А3—Илмий унвонларга қуйиладиган стандартлар талабларини тмасдиқлаш.

Б-қисм. Академик сифатни ошириш ва қафолатлаш.

Б1-Дастурни ишлаб қикиш, ривожлантириш ва тасдиқлаш

Б2-Олий таълимга қабул, танлаш ва таълим жараёнига қуйиш

Б3-Уқитиш ва таълим бериш

Б4-Талабаларни интилиш ва иқтидорларини қуллаб қувватлаш.

Б5-Талабаларни қарор қабул қилиш жараёнига жалбэтиш

Б6-Талабаларни баҳолаш ва рағбатлаш

Б7-таълим даражасини ташқи баҳолаш

Б8-Дастурни урганиш ва мониторинг қилиш

Б9- Талабалар хошишлари ва шикоятлари

Б10-Олий таълимни ҳамкорликда бериш

Б11-Илмий тадқиқот ишларида унвонлар бериш

В—кисм.Олий таълим таклифи хақида ахборот.

А-кисмда 7-турдаги талаблар булиб, уларга тушунтириш хатлари илова қилинган; В кисм ва Б

кисмнинг ҳар бир боби ягона талаблардан ва бир қатор муваффақиятли ва барқарор амалиёт учун курсаткичлардан иборат.(уларга изохлар берилган)

МАВЗУЛАР.

СМКнинг ҳар бир кисми ва боби умумий мавзулар ва тегишли мавзучалар буйича масалаларни қуриб чиқади.

- Талабалар ва тингловчиларга маълум мавзу буйича қандай ахборот берилади;

- Тегишли мавзу буйича талабалар фаоллигига қандай таъсир қурсатиш мумкин;

- Тенглик ва фарқлар саволларини ҳар ерда қандай қилиб қиритиш мумкин.

- Мавзуда турли талабалар ташкилотининг эҳтиёжлари қандай қурилган

- Тегишли мавзуга нисбатан турли илмий унвон ва малака берувчи муассасаларнинг маъсулияти қандай фаркланади.

- Мавзуга тегишли саволлар 4 маъмурий ҳудудда қандай фаркланади.

- Мазкур СМКнинг боблари мазмуни Европа Олий Таълим тизимининг стандарт ва сифат талабларига қай даражада мос келади.

Ижобий тажриба ва такомиллаштириш йуналишлари қай даражада мавзуга мос ёки тегишли.

Ҳозирги вақтда Буюкбританияда жуда қуп мустақил олий таълим муассасалари пайдо бўлмоқда.Британия олийгоҳларида таълим олаётган талабалар таркиби ҳам кенгайиб бормоқда.СМК академик стандартларни бошқариш буйича барқарор тамойилларга ва амалиётга таянади. Маълум таълим муассасаларида олийгоҳ миссиясидан келиб чиққан ҳолда коррективроқ қилинади.Талабаларга сифатли таълим стандартлари ва дастурлари асосида сифатли уқитиш жараёни қафолатланади. Шунингдек СМК олий таълим муассасаларининг сифатини назорат мезони булиб ҳисобланади.Таълим муассасаларини баҳолаш, уларнинг СМК Талабларига мослигини аниқлаш йуналишларини белгилайди.

Сифат коидалари Мажмуаси қандай ишлаб чиқилган.

1997йилда Сифат Коидалари Мажмуаси Академик инфраструктурасининг урнига қабул қилинди. Бу узгартиришлар йуналишлари Агентликнинг мутахассислари ва олий таълим вакиллари, Олий таълимни урганиш миллий Комитетининг таклиф ва тавсиялари асосида ишлаб чиқилган. Олий таълимни урганиш Миллий Комитетини Лорд Диринг бошқаради. Турли баҳолар, фикрлар ва маслаҳатлар асосида СИФАТ КОИДАЛАРИ МАЖМУАСИ ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Бакалавр ва магистр малакасини, ҳамда илмий унвон берувчи олий таълим муассасалари, илмий тадқиқот институтлари учун СКМда баъзи фарқлар мавжуд бўлиб, «илмий унвон таъсис этувчи ташкилот» каби эслатмалар киритилган ва уларга қўйиладиган талаблар олий таълим муассасалариникидан фарқ қилади.

СКМ Британиянинг барча олий таълим муассасаларида малакавий академик стандартлар ва уқитишнинг сифатини таъминлашга ёрдам бериб, уларнинг стратегик йуналишларини белгилашга асос бўлиб ҳисобланади. Барча олий таълим муассасаларидан қўйиладиган самарани, мутахассисларни рақобатбардошлигини таъминлашни СКМ талаб этади. Хар бир таълим муассасаси СКМ тамойилларига асосланиб узининг мустақил ички назорат тизимини ишлаб чиқиши мумкин. Бу билан у узининг академик стандартлари ва таълим сифатини унинг самарасини таъминлайди.

Ўқитиш сифати ва стандартларга маъсул мутахассислар таркиби.

СКМ мутахассислар учун техник қўлланма бўлиб, олий таълим муассасалари академик стандартлари ва уқитиш сифатини маълум даражада таъминловчи ҳужжатдир. Британия олий таълим тизимининг стратегияси ва тараккиётини белгилашда катта аҳамият касб этади.

Олий таълимнинг кенг мутахассислар доираси

Факультет ёки кафедрада фаолият олиб боровчи хар бир профессор уқитувчи СКМ стратегияси билан таниш бўлиши, узининг мажбуриятлари ва вазифалари доирасида ундан қўлланиши лозим. ОТМнинг бошқа мутахассислари уз фаолиятларига тегишли коидаларга қўра иш тутишлари лозим.

Талабалар.

Талабалар ва талабалар жамиятлари учун СКМ ни билиш жуда

муҳим бўлиб, улар мунозара ва бахсларда таълим сифатига қўйиладиган минимал талаблар ҳақида ўз фикрларини билдиришлари, уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар беришлари мумкин.

Талабалар ва тингловчилар.

СКМ Буюкбританиянинг барча таълим маконида таълим сектори натижаларини қиёслаш ва бир сифат даражасига келтириш учун муҳим асос бўлиб ҳисобланади. Талабаларга таълим сифати кафолатланади. Олий таълим тизими билан кенг доирада қизиқувчилар учун Агентлик Талабалар Миллий Иттифоқи билан ҳамкорликда қўлланма ишлаб чиқди. Унда талабалар манфаатларини ҳимоя қилиш, академик стандартларни ишлаб чиқишга таъсир этувчи омиллар ҳақида батафсил маълумотлар берилган.

Олий Таълим Сифатини Назорат Қилиш Агентлигининг(ОТСНҚ) инспекторлари.

ОТСНҚнинг ташқи назоратлар ўтказувчи инспекторлари СКМдан мезон сифатида қўлланадилар, уларга қўра таълим муассасасининг академик стандартларга мос қилиши, таълим сифатининг тегишли талабларга жавоб беришини текширадилар. Миллий таълим стандартларини такомиллаштириш, ривожлантириш ва ахборот билан таъминланишини қониқарлилигини аниқлайдилар.

СКМ қимга тегишли.

Мазкур ҳужжат Буюкбританиянинг барча олий таълим секторига тегишлидир. У ОТСНҚ Агентлиги томонидан нашр этилади ва Агентлик ҳамда таълим сектори вакиллари томонидан қўллаб қўвватланади. Унга асосан таълим муассасалари мутахассислари иштирокида Талаблар ишлаб чиқилади.

СКМнинг ижроси учун қим жавобгар ҳисобланади.

Ҳар бир олий таълим муассасаси ўз дастурларининг академик стандартлари ва ўқитиш сифатига жавобгардир. Улар ўз мажбуриятларини СКМ Талабларига тегишли равишда бажаришлари шарт.

ОТСНҚ Агентлигининг аҳамияти.

Мунтазам равишда ташқи назоратлар ўтказиб ОТСНҚ Агентлиги жамиятга олий таълим сифати ва унинг СКМ талабларига жавоб бериши ҳақида кафолат беради. Назоратлар жараёнида олий таълим муассасалари СКМ Талабларига мос қилишларини тегишли ҳужжатлар билан исботлашлари шарт. Улар ўз структураларининг ва ташкилий

стратегиянинг самарали эканлигини намойиш этишлари лозим. Талабаларга таклиф этилаётган таълим стандартларини, олинадиган малакага мослигини исботлайдиган хужжатларни тақдим этишлари керак.

СКМси текширувнинг турли усулларида кулланилади. Индивидуал усуллар хақида брошюралар чоп этилган. Хар бир усул турли таълим муассасалари ва Буюкбританиянинг маълум маъмурий территорияси контекстидан келиб чиккан холда тегишли мақсадларга йуналтирилган равишда ишлаб чикилади. СКМнинг хар бир қисми ва боби мунтазам равишда қайта қуриб чикилади ва янгиланади.

ХОМИЙ ташкилотларнинг олий таълимдаги роли.

Хомий ташкилотлар - олий таълим тизимини қонуний даражада баҳолашда иштирок этишлари мажбурий булиб, (Шотландияда эса, такомиллаштиришда ҳам) ,узлари молиялаштираётган муассасани текширишда қатнашадилар. Хомий ташкилотлар Агентлик билан тузилган шартномага қура текширув жараёнларида қатнашадилар. Агар назорат утказилган олий таълим муассасасида академик стандартларининг сифат қурсатқиларига мос келмаслик аниқланса, хомий ташкилот санкция қўйишга ҳақли. Хомий ташкилотлар буйича қўшимча маълумотларни сайтлардан топиш мумкин.

- ✓ Олий таълимни Молиялаштириш буйича Англия Кенгаши.
- ✓ Олий таълимни Молиялаштириш буйича Уэльс Кенгаши
- ✓ Молиялаштириш буйича Шотландия Кенгаши
- ✓ Шимолий Ирландия иш билан таъминлаш ва уқитиш булими .

Тенг ҳуқуқлилик ва турлилик.

СКМси тенг ҳуқуқлилик ва турлилик борасида хилма –хил масалаларни ўз ичига олган холда ёндошади. Тенг ҳуқуқлилик деганда барча таълим олувчиларга , таълим берувчиларга бир хил ҳурмат ва эъзозлаш асосида муносабатда бўлиш назарда тутилади. Миллатларнинг келиб чиқиши , ирки, диний эътиқоди, ижтимоий келиб чиқишдан қатъий назар, уларга бир даражада муносабатда бўлиш. Уқитишнинг инклюзив муҳити хар бир талабанинг индивидуал хусусиятларидан келиб чиккан холда , уларга тенг имкониятларни яратади, мумкин бўлганда инклюзив моделларни хар бир шахснинг индивидуал қобилиятларига мослаштиради.

Тенг ҳуқуқлилик ва турлиликга ёндошиш қўйидаги асосий тамойилларга асосланади;

1. Таълим олиш учун тегишли шароитларнинг йўқлиги , одамларнинг маълум гуруҳларга мансублиги натижаси эмас, балки атроф муҳит билан боғлиқ ижтимоий барьерларнинг мавжудлигидандир.

2. Хеч бир талаба узининг келиб чикиши ёки маълум талабларига кура камситилишига йул куйилмайди.

Бу тамойилларга риоя килиш амалда куйидагиларни билдиради.

✓ Олий таълим муассасалари талабани маълум ижтимоий жамият ёки талабалар хаётига тегишли тадбирларда иштирокига тускинлик килувчи барьер(Тусик) ларни бартараф этиш буйича тегишли чораларни куради.

✓ Урта бугин рахбариятидан то олий рахбариятгача тенгликни

✓ таъминлашга, инклюзив сиёсатни ривожлантиришга интилишлари лозим. Бу сиёсат хар бир талабани билим ва тажрибасини оширишга каратилган булиши керак.

СИФАТ КОИДАЛАРИ МАЖМУАСИДА қабул килинган тенглик ва фаркларга булган ёндошиш 2010 йилда қабул килинган ТЕНГЛИЛИК АКТИ даги тамойилларга асосланади. Бундай ёндошув факат АКТ билан чекланиб колмаган булиб, бошқа мамлакатларда бериладиган Британия олий таълимига нисбатан хам кулланади. Таълим жараёнида барчага тенг имкониятлар яратиш учун СКМда «хусусиятлари(характеристикаси) химояланган талабалар» ибораси кулланади., бундай ибора алохида гуруҳдаги талабаларга нисбатан кулланади. Бу ерда жисмоний камчилиги булган, ёши, хомиладор, оилали, ирки, миллати, этник келиб чикиши, жинси узгартирилган каби талабалар гуруҳи назарда тугилади. Кушимча маълумотларни Тенглик Муаммолари Буйича Ташкилотлар сайтида топиш мумкин.

АКАДЕМИК СТАНДАРТЛАР, СИФАТ, ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, АХБОРОТ

Бу 4 курсаткич Агентликнинг барча ташки текширувларининг асосий таркибий қисми булиб ҳисобланади. Куп жихатдан булар узаро боглик булсада, улардаги фаркни СКМ таркибида келтирилганлардан аниқлаш керак.

МИНИМАЛ(дастлабки) академик стандартлар- малаквий даража ёки илмий унвон олиш учун зарур булган билимлар ва ютуқларга булган талаблардир.(кандидатский минимумдай). Хар кандай малакавий даража учун алохида академик стандартлар ишлаб чиқилган. Бундай стандартлар Буюкбританиянинг барча маъмурий ҳудудларида бирдай кулланади.

АКАДЕМИК СТАНДАРТЛАР—илмий унвонлар берувчи ташкилотларнинг малкака ва даража олиш учун тасдиқланган стандартларидир. Бундай стандартлар минимал стандартлардан юкори

даражада урнатилади.(ишлаб чикилади).

Минимал ёки бошлангич(пороговые) стандартлар илмий даража, унвон берувчи ташкилотларда олий таълимдаги малака даражасига тугри келувчи ,яъни унинг мантикан юкори даражадаги давоми булиб кулланади.Минимал академик стандартлар олий таълимдаги талабалар га урнатилган малаквий стандартлардан фарк килади.Малкавий стандартлар олий таълимда маълум йуналиш буйича билимлар ва малакавий куникмаларга эга булишни назарда тутуади.Илмий даража берувчи ва тасдикловчи ташкилотлар минимал академик стандартлар асосида иш юритади ва жавобгарликни уз зиммасига олади.

Олий таълимнинг дастурий укитиш жараёни натижасида миллий малакавий классификация курсаткичларига мос келувчи юкори ракобатли кадрлар тайёрланади.Талабалар ютуклари улар танлаган Дастур мазмун ва мохиятини кандай даражада узлаштирганликлари утиш баллари асосида бахоланади. Бу жихатлар,куйилган кучли талаблар Буюкбритания олий таълимнинг кучли томони хисобланади.

Барча олий таълим муассасалар ва илмий даража берувчи илмий тадкикот институтлар СКМ дан укув Дастурлари ва Стандартлар ишлаб чикишда дастуриламал сифатида фойдаланадилар. Фанлар буйича Дастурлар ишлаб чикишда ташки мутахассисларни жалб килиш ,уларни кабул килишга жиддий ва маъсулият билан ёндошиш талаб этилади. Минимал академик стандартларни киёслашда ва улар мониторингини олиб боришда олий таълим станларт ва дастурлари мухим ахамиятга эга.Имтихон ,тест жараёнларига ташкаридан мутахассис ва профессор укутувчиларни жалб этиш,бахолаш жараёнини ойдинлигини таъминалашга доимо ката эътибор каратилади ва амалда унга эришилади. Бу талабаларни уз ютукларини объектив бахоланишига ишончини оширади ва уларни масулят билан билим олишга кизиктиради.

АКАДЕМИК СИФАТ – тегишли малакани олиш учун талабалар кай даражада яхши сифатли билим олиш имкониятига эга эканлигини англатади. Самарали таълим,уни бахолаш жараёни, укитиш ресусларининг мавжудлиги ва улардан талабалар кай даражада фойдалана олишлари мумкинлиги назарда тугилади.Олий таълим муассасаси юкори сифатли таълимни беришни кафолатлаш билан бирга , бир даражада берилган таълимни хамма талаба томонидан бир даражада кабул килинишига кфолат бера олмайди.Шундай булсада укитишнинг самарали таркибини, стратегиясини ва бошкариш жараёнини куллаб , юкори натижаларга эришишга хар бир таълим муассасаси харакат килади.

ТАКОМИЛЛАШТИРИШ—жараёнида олийгоҳ мунтазам равишда таълим сифатини ошириб, билимни талабаларга узатиш йуллари изланади. Такомиллаштириш жараёни таълимнинг турли боскичларида, бошқарувнинг пастдан то юкори звеносигача, укитиш жараёнида, назорат ва баҳолаш механизмида маъсулият ва жавобгарлик хиссини англаган холда амалга оширилиши керак. Бундай вазифалар таълим сифатига бевосита таъсир этиб, олий таълимнинг стратегик йуналишларини белгилаб беради. Сифатни оширишнинг турли усуллари СКМнинг барча қисмларида маълум йуналишларига нисбатан берилган.

Олий таълимнинг муҳимлиги хақида аҳоли уртасида тағрибот ишларини олиб бориш, олий таълим тугрисида тулик маълумотларни бериш, тегишли аудиторияга мос суҳбат уюштириш, турли ижтимоий гуруҳлар орасида иш олиб бориш жуда муҳим.

Барча олий таълим муассасалари маълум дастур асосида тегишли малака беришда СКМда келтирилган Талабларга- катъий риоя қилишлари шарт.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ -термини ОТСНК Агентлиги томонидан классификацияланган ва маълум дастурлар асосида тегишли малака ёки илмий даража бериш учун ваколатланган муассаса тушунилади.

Олий таълим **КЛАССИФИКАЦИЯ ТАРҚИБИНИНГ** 4-8 Даражасига мос келувчи дастур хисобланиб., Англия, Уэльс ва Шимолий Ирландияда ва 7-12 даража Шотландия олийгоҳларига тугри келади.

Олий таълим муассасалари уз ваколат доираларида ва мажбуриятлари асосида фаолият курсатишлари лозим. Олий таълим малакаси ва илмий даража беришга ваколатланган муассасалар руйхати тегишли сайтларда берилган. www.gov.uk/recognised-uk-degrees/

-Олий таълим муассасалари тегишли тармоклар, вазирликлар иштирокида ҳам илмий унвонлар бериш ваколатига ҳам эгалар. Медицина, юриспруденция каби соҳаларда бу қулланади.

Малакалар буйича Шотландия Департаменти томонидан диплом ва Миллий Олий Таълим Аттестати берилади.

Таълим муассасаси кафедра, факультет, укув юрти ёки муассасадан иборат. Колледж ва мактаблар ҳам кафедра ташкил қилиши мумкин. СКМ да Дастур ибораси тасдиқланган, маълум курс, йуналишга мулжалланган таълим мазмунини билдиради. Агар дастур бир бирига боғлиқ булмаган формал таркиблаштирилган бирликлардан иборат булса улар Модул деб аталади. Укув предмети маълум соҳадаги билимлар мажмуасини

англатади. Малака – академик стандартларга мос равишда талабанинг баҳолашлар асосида зарурий натижаларга эришганлигини ва стандартларга мослик даражасини англатувчи иборадир.

« Малум равишда химояланган талабалар гуруҳи» Тенглилик Акти (2010)га Мувофиқ Алоҳида Стандарлар ва дастурлар асосида баҳоланади.

Сифатни тامينлаш Узи Нима? Буюкбритания олий талим муассасалари талабаларининг манфатларини химоя қилган ҳолда юқори академик стандартлар асосида билим бериш жараёни ва унинг сифатини кафолатлашдир.

Сифат коидаларининг мажмуасининг буюкбританиянинг 4 маъмурий ҳудудда қулланиши .

СКМ БУЮКБРИТИЯНИНГ бутун майдонида бирдек куча эга бўлиб олий талим секторинг маълум даражадаги интеграцияси ва боғлиқлигини ақс эттиради. Аммо лекин, бази ҳолларда бу коидалар мажмуаси бази ҳудудларда айрим узгартиришлар киритиб қулланилади ,масалан Шотландияда, УЭЛЬС ва Шимолий Ирландияда олий талим сиёсати БУЮК БРИТИЯНИНГ парламенти ёки ассамблеяларга ваколатланган. Натижада Олий талимга тегишли сиёсий масалалар, хусусан уқиш учун тулов, ҳомийлик шунингдек бошқарув масалари турлича бўлиши мумкин.

Шотландия қасбий талимида олий талим.

Шотландияда олий қасбий малаканинг асосий шакллари бўлиб малакавий аттестатлар ва Миллий Олий Талим Дипломлари ҳисобланади. Бу малакаларнинг ақсарият қисми Шотландиянинг Малакалар Буйича Департаменти тассаруфида бўлиб, бу малакаларнинг академик стандартлари учун бевосита жавобгарликни уз зиммасига олган. Бундан ташқари Молиялаштириш буйича Шотландия кенгаши Шотландия талим бўлими билан шартнома имзолаган ва олий талимнинг кейинги ривожланиши учун маблағ ажратади.

Шунинг учун Шотландияда сифат коидалари мажмуаси олий талим муассасида у ёки бу малакани олиш мақсадида қулланилади. Олий талим Қасбий талим коллежлари томонидан ҳам бералиди. СКМнинг талабларига асосан талабарга сифатли талим бериш ва академик стандартларга мос келиш агентлик томондан рағбатлантирилади.

Кириш курси сифатини таъминлашда СКМни куллаш.

Агар талабалар олий таълим квалификацияси таркибининг 4-8 даражаларида малака ёки академик унвон олиш учун уқиётган булса (Англия, Уелс ва Шимолий Ирландия) ёки Шотландиянинг малакалар квалификацияси таркибининг 7-12 даражасида таълим олаётган булса СКМнинг талаблари кулланилади. Кириш курслари одатда йиллик дастурлар, таёрлов дастурлари шаклида ишлаб чиқилади. Агар кириш курси олохида булиб олий таълимнинг бошқа дастурлари боғлиқ булмаса у СКМ коидаларига мос келмаслиги ва бошқа стандартлар орқали тартибга солиниши ва ишлаб чиқилиши мумкин. Илмий унвон беришда Халқаро даражада Малум фанлар доирасида илмий кенгашлар ташкил қилиниши ва тегишли Стандартларга асосан илмий иш натижалари халқаро экспертлари томонидан баҳоланиши мумкин. Бу ҳолда алоҳида қонуний ва тартибга солувчи схемалардан фойдаланилади.

3.3. Таълим тизимини ташкил этиш ва сифатини оширишда халқаро стандартларнинг аҳамияти. Халқаро стандартлар тамойиллари.

Ўзбекистонда таълим сифатини халқаро рақобатбардошлигини таъминлаш, миллийликни сақлаган ҳолда ривожланган давлатлар таълим тизимини, жумладан Болон декларациясини атрофлича ўрганиш орқали халқаро таълим тизимига кириб бориш, таълимда ҳамкорликни таъминлаш мақсадида Олий ўрта махсус таълим вазирлиги Ҳайъатининг 2003 йил 28 майдаги 5/6-сон ва 2003 йил 5 августдаги 7/3 -сон қарори¹ асосида кўп ишлар амалга оширилиб келди.

Таълим соҳасидаги категория нормалари сифатида ISO стандартлари, Олий таълим сифатини таъминлаш бўйича Европа ассоциацияси (ENQA), Олий таълим сифати бўйича Европа реестри (EQAR), Араб давлатлари Лигасининг Таълим, маданият ва фан масалалари бўйича ташкилоти (ALECSO), каби ташкилотларнинг техник регламентларини ҳам кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Улар орасида Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (ISO) стандартларига алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Таълим тизимида сифатни такомиллаштириш учун ISO 9001-2008 талабларига асосан ОТМлар базавий сифат менежменти тизими таркибини ишлаб чиқиш лозим. Сифат менежмент тизимини жорий қисми натижаларини баҳолаш ISO стандартидаги

¹ Ўз Рес. Олий ўрта махсус таълим вазирлиги Ҳайъатининг 2003 йил 28 майдаги 5/6-сон ва 2003 йил 5 августдаги 7/3 -сон қарори.

кўрсаткичлар асосида олиб борилади².

Мазкур тоифадаги ҳужжатлар қаторига ЮНЕСКОнинг 1976 йили қабул қилинган ва 1997 йили қайта қабул қилинган “Таълимнинг халқаро стандарт классификацияси”ни ҳам киритиш мумкин.

Таълим соҳасидаги халқаро шартномаларни классификациялашда олий таълим соҳасидаги малакаларни тан олишга оид халқаро ҳужжатларни мазмун моҳияти жиҳатидан алоҳида турдаги ҳужжатлар сифатида ҳам кўриб чиқиш лозимдир.

ISO халқаро стандартлаш ташкилоти - саноатни стандартлаштириш соҳасида сифатни бошқариш ва озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳавфсизлигини таъминлашгача имкон берадиган, бутун дунё бўйича корхона ва ташкилотларнинг фаолиятига турли шартларни ўрнатадиган халқаро стандартлаштириш ташкилоти бўлиб, энг қадимий ва энг катта тажрибага эга ташкилотлардан ҳисобланади.

Охириги нашр этилган стандартлардан бири ISO21001:2018 –Таълим муассасалари учун бошқарув тизимлари ҳисобланади (CYSO – EOMS). Бу стандартлар таълим муассасалари хизматлари сифатини таъминлашга ва таълим хизматларини такомиллаштиришга қаратилган.

EOMS шартлар тўпламини бошқариш воситаси сифатида фойдаланиш учун мўлжалланган бўлиб, таълим муассасаларида талабаларнинг, профессор ўқитувчилар, ходимлар, истеъмолчилар ва бошқа қизиқувчи томонларларнинг шартларини, истакларини мувофиқлаштиришга, улар ўртасидаги интеграциянинг таъминланишига хизмат қилади.

Мазкур стандартларнинг ўзига хос жиҳати бўлиб, унинг ISO системасидаги бошқа стандартлар билан ўзаро мувофиқликнинг таъминланиши ҳисоблани, эндиликда маълум бўлган “Юқори даража таркиби” ҳисобига эришилади. Бу эса EOMS нинг ISO 9001:2015 ва бошқакўриб чиқилган аниқ секторларга йўналтирилган стандартлар билан бир таркибга эга эканлигини кўрсатади. Юқори даража таркиби (HLS) икки ва ундан ортиқ бошқарув тизими стандартларини бирлаштирадиган, Integrated Management System каби ягона бошқарув тизимини танлай оладиган муассаса ва ташкилотлар учун муҳим ҳисобланади.

ISO 21001 сериясидаги стандартларни ISO сериясидаги бошқа стандартлардан фарқловчи асосий томони улардан (A-G)иловалари жуда кенг берилган ҳамдаISO 21001 шартлари ва концепциясига нисбатан келтирилган жуда кўп маълумотлар ва тавсиялар таълим хизматлари билан боғлиқ

² Стандарт ISO 9000:2000.: – Режим доступа: <http://iso90002000.narod.ru>.

эканлиги билан ҳам тавсифланади. Илова “А” аввалги таълимнинг провайдерларига нисбатан қўшимча шартларни акс эттириб, ИСОнинг бошқа стандартларидан ажралиб туришини кўрсатади, чунки ИСОнинг иловалари, асосан фойдаланиш учун тавсия сифатида қўлланилади.

Шуни таъкидлашимиз мумкинки, мазкур стандартлар у бошланғич ёки ўрта таълим ёки университет даражасида таълим хизматларини етказиш соҳаси, давлав таълим сектори ёки хусусий таълим сектори бўлишидан қатъий назар қўлланилиши мумкин. EOMS нафақат мактаб ёки олий таълим муассасалари учун, балки таълим хизматларини кўрсатиш, билимларни узатиш ва алмашишда ўқув дастурларидан фойдаланадиган ҳар қандай муассаса учун ҳам ўринлидир.

Таълимда стандартлар – бу янгилик эмас. Ўн йиллар давомида таълим стандартлари, натижаларга эришиш стандартлари, стандартлаштирилган ўқув режалари, ўқитиш стандартлари, стандартлаштирилган тестлар ва бошқалар. ИСО стандартлари чегарасида ҳам таълим муассасаларини стандартлаштириш мутлақ янги концепция эмас.

ИСО ташкилоти 2013 йил ISO 9001:2000 таълим секторига таълим хизматларини кўрсатишга ёрдам бериш мақсадида бошқарув тамойилларини нашр этди. Мазкур бошқарув тамойиллари таълим муассасаларининг барча даражаларида бошланғич, ўрта ва олий таълим, масофавий ва электрон таълимда сифатни таъминлашга қаратилган. Шуни таъкидлашимиз мумкинки, ISO 21001 стандартлари ISO 9001 стандартларининг давомчиси ҳисобланиб, таълим соҳасида сифатни бошқариш тизимини яратишга хизмат қилади.

ISO 21001 ишланмалари ISO /PC 288 томонидан ишлаб чиқилган. Иш Кореянинг технологиялар ва стандартлар бўйича агентлиги (KATS) бошчилигида амалга оширилиб, ишчи гуруҳ стандартлаштириш бўйича 39та миллий ташкилотларнинг 86та сеторлараро экспертларидан ташкил топган бўлиб, таълим соҳасидаги барча қизиқувчи томонлар ҳам иштирок этишган. ISO 21001 таълим муассасалари томонидан фойдаланиладиган сифатни бошқариш тизимларида қўлланилади.

ISO 21001 ўқувчилар ва бошқа қизиқувчи, манфаатдор шахсларнинг талаб ва эҳтиёжларига жавоб бера оладиган даражадаги таълим хизматларини кўрсатишни таъминлашда таълим муассасалари учун бошқарувнинг ягона дастагини яратишга қаратилган. Асосий манфаатдорлар таълим олувчилар ва таълим муассасалари бўлишига қарамасдан, ишонч билан айтишимиз мумкинки, барча жалб этилган томонлар ISO 21001 ва тармоқнинг илғор амалиётига асосланиб, таълим муассасалари учун жорий

этилган сифатни бошқариш тизимидан маълум маънода қўлланишлари мумкин.

Стандарт – таълимда яратилган меъёрий режа, дастур, дарсликларни ўзлаштириш эквиваленти, яъни таълим мазмунини ўзлаштириш даражасидир.

Стандартларни ишлаб чиқишда талабани ҳаддан ташқари зўриқтириб юбормаслик талабларига риоя қилиш, яъни улар талабанинг ёшига мос, уни бажаришга қурби етадиган даражада бўлиши керак. Албатта, таълим олувчининг қизиқиши, хоҳиши, эҳтиёжи ҳисобга олиниши лозим. Давлат ва жамият таълим муассасалари олдига муайян ижтимоий буюртмалар қўяётган экан, ўша муассасалар томонидан тайёрланадиган кадр эгаллаши лозим бўлган ижтимоий сифатларнинг минимал чегарасини ҳам кўрсатиб бериши табиийдир. Таълим олувчилар эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва маънавий сифатларнинг энг қуйи миқдори илмий асосларда белгилаб берилган расмий педагогик ҳужжат – давлат таълим стандарти ҳисобланади.

Таълим стандартитаълимнинг мақсади, қиммати, унинг мазмуни ва натижаси (тайёрлов даражасига бўлган талаб), таълим – тарбиянинг дастурий хусусияти, таълим жараёнининг тузилиш тархи, унинг мақсадга эришиш даражасини босқичма – босқич ва якуний диагностикасига мўлжалланган кўлам ҳамда вақтини, таълим ва маълумотлилик даражасини белгилайди.

ДТС Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш Республика комиссиясининг хулосаси асосида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. ДТС улар тасдиқланган санадан бошлаб, амалга киритилади ва таълим бошқаруви ваколатли органлари ва таълим муассасалари томонидан мажбурий ижро этиш учун қабул қилинади. Тасдиқланган ДТСга мувофиқ, таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар таълим ва касб-хунар дастурларини ишлаб чиқади ва уларнинг амалий ўзлаштирилишини рўёбга чиқаради. Таълим олувчиларнинг қобилиятлари ва эҳтиёжларига боғлиқ равишда ўқув юкмасини табақалаштириш, ДТС томонидан белгиланган меъёрлардан ортиқча таълим мазмунини белгилаш таълим бошқаруви ваколатли органлари ва ижро этувчи ҳокимият маҳаллий органлари ваколатига киради.

Давлат таълим стандартларининг жорий этилиши қуйидаги мақсадлар амалга оширилишини назарда тутаяди:

- таълимнинг юксак сифатини ҳамда мамлакатда амалга оширилаётган чуқур иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар, ривожланган демократик давлат барпо этиш талабларига жавоб берувчи кадрлар

тайёрланишини таъминлаш;

- мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти истиқболларидан, жамият эҳтиёжларидан, фан, техника ва технологиянинг замонавий ютуқларидан келиб чиқиб, кадрлар тайёрлаш мазмунини тартибга солиш;

- таълимнинг демократлашуви, инсонпарварлашуви ва ижтимоийлашуви, таълим олувчиларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий билимлари даражасини, шунингдек таълим жараёни самарадорлигини ошириш;

- сифатли таълим хизматлари кўрсатиш, таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида шахснинг, жамият ва давлатнинг манфаатларини ҳимоя қилиш;

- кадрлар тайёрлаш сифатини ва таълим фаолиятини баҳолаш мезонларини ва тартибини белгилаш;

- таълим жараёни ва кадрлар тайёрлашнинг изчиллиги ва узлуксизлигини таъминлаш, таълимнинг барча турлари ва босқичларида ўқув – тарбия жараёнини мақбуллаштириш;

- меҳнат ва таълим хизматлари бозорида рақобатбардошликни таъминлаш.

Халқаро стандартлаштириш ишларини амалга оширишда бир қатор тамойилларга асосланилади.

Буларга биринчидан, стандартлаштиришнинг комплекслиги тамойилини киритишимиз мумкин. Комплекслилик тамойили тегишли талабларга жавоб берадиган маҳсулот сифатини белгиловчи омилларни тизимлаштириш ва оптималлашган ҳолда бир-бирига боғлаш асосида норматив ҳужжатларни ўрнатиш, тасдиқлаш ва қўллашни кўрсатади.

Стандартлаштиришнинг иккинчи муҳим тамойили стандартлаштиришнинг илгарилаб ривожланиши тамойили ҳисобланади. Бу тамойил маҳсулот сифатига бўлган талабларнинг вақт ўтиши билан ўзгариши, маҳсулотни такомиллаштириш билан боғлиқлигини кўрсатади. Замонавий техника воситаларининг ишлаб чиқилиши, масофавий бошқариш, инновацион технологиялар, янги объектларнинг пайдо бўлиши, янги стандартларнинг қабул қилинишини тақозо қилади.

Тавсифлаш тамойили эса, стандартланувчи объектнинг тавсифлаш белгиларини ажратишни ва занжирлашни назарда тутаяди, бунда умумий ва хусусий тавсифлаш амалга оширилади. Стандартлаштириш ишлари амалдаги ва расмий стандартлаштириш кўринишида олиб борилиши мумкин.

Амалдаги стандартлаштириш жамият ҳаётидаги тарихан шаклланган нарсалар (масалан, календарь, ёзув, ҳисоб ва б.) ҳисобланса, расмий

стандартлаштириш – мақсадга йўналтирилган равишда амалга оширилади, ўрнатилган тартибда норматив ҳужжат тайёрланади. Маълум соҳа, товар, хизмат турига тегишли нормативларнинг аниқ фойдаланиш муддати кўрсатилади.

СМТ таркибига бир қатор ҳужжатлар киради:

- сифат сиёсати соҳасида расмийлаштирилган ва аниқ мақсадлари кўрсатилган ҳужжатларнинг мажмуаси;
- сифат бўйича йўриқнома;
- методологик кўрсатмалар (ГОСТ ва ISO 9001-2008 бўйича мажбуриятлар), процедураларини бажариш;
- бўлимлар ва лавозимлар бўйича инструкциялар, кўрсатмалар;
- ишчи йўриқномалар;
- ташкилий – фармойишли ҳужжатлар;
- сифат бўйича ёзишмалар (шартномалар, баённомалар, журналлар ва х.к.)
- ташқи норматив ҳужжатлар.

Шу боис таълим тизимини янада ривожлантириш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги Фармони билан “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси” да асосланди. Ушбу фармонда яқин беш йилликда

Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарорига асосан, хорижий давлатларнинг нуфузли олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик бўйича икки томонлама шартномалар тузиш, кадрлар тайёрлаш жараёни, ўқув-услубий ва илмий-тадқиқот ишларини жаҳон амалиётида қўлланилаётган юқори технологиялар ва фан ютуқлари асосида такомиллаштириш ҳамда халқаро ҳамкорликка оид масалаларни кўриб чиқиш, муҳокама этиш ва мувофиқлаштириш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хулоса қиладиган таълим сифатини ошириш стратегиясини ишлаб чиқишда ОТМ таълим сифатини ўрнини баҳолаш ва уни аниқловчи индикаторларни яратиш, Республикамиз олий таълимини жаҳон олий таълим тизимига қўшилиши учун талаб этиладиган халқаро стандартларга мувофиқ бўлишини таъминлаш зарур. Ривожлантиришнинг асосий йўналишларини ва истиқболини белгилаб берувчи олий таълим сифат менежменти таъминлашда, белгиланган тартибда меърий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва аниқ, мажмуавий ҳамда келишилган стратегияни шакллантиришда мақсадли ўзгаришларни амалга ошириш имконини беради. Таълим тизими сифати самарадорлигини оширишда ривожланган Европа ва Осиё давлатларининг илғор

тажрибаларидан кенг фойдаланиш учун сифат менежменти тизимига тайёрғалик куриш ва меъёрий хужатларни такдим этишда халқаро ИСО ташкилотини чуқур таҳлил этиш Жаҳон илмий ва ўқув тизимига кириш мақсадида илмий-техник соҳада халқаро ҳамкорликларни кенгайтириш ҳамда ҳамкорлик доирасидаги тажрибаларни ўрганиш ва уларни жорий этишда мамлакатда махсус халқаро анжуман ўтказиш сонини оширишимиз лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги Қонуни. // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Тошкент; “Шарқ”, 1997.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Қонуни. //Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Тошкент, “Шарқ”.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони (2012 йил 24 июль, ПФ-4456-сонли).
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги томонидан 2015 йил 24 августда тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги ҳузуридаги Бош илмий-методик марказ томонидан ишлаб чиқилган “Раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган малака талаблари”.
7. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида” 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини

ташқил этиш тўғрисида”ги Фармони.

9. Ш.М.Мирзиёев «Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз» Т.: Ўзбекистон, 2017 й.

10. Ш.М.Мирзиёев «Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак» Т.: Ўзбекистон, 2017 й.

11. Ш.М.Мирзиёев «Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз» Т.: Ўзбекистон, 2017 й.

12. Ш.М.Мирзиёев «Қонун устиворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови» Т.: Ўзбекистон, 2017 й.

Махсус адабиётлар.

13. Абдуқодиров А.А, Пардаев А.Х. Таълим жараёнини технологиялаштириш назарияси ва методологияси. -Т.: “Фан ва технология”, 2012 йил, -104 б.

14. Абдуқодиров А. А. ва бошқ. Case study услуги: назария, амалиёт ва тажриба. Т.: “Тафаккур қаноти”, 2012. -6 б.

15. Бутакова, О. А. Структура инновационного образовательного процесса / Высшее образование сегодня. – 2009. – № 4. – С. 18-21.

16. Гаязова Э.Б., Фахрутдинова Э.З. Обеспечение качества образования за

17. Жўраева Саида “100 мумтоз файласуф ” Тошкент “Янги аср авлоди” 2015й. 373бет

18. Ишмухамедов Р., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар . – Т.: Адабиёт учқунлари, 2017.-368б.

19. Кроу М., Дэбарс У. Модель Нового американского университета. ГУ

20. Лутфуллаев П.М. Олий таълимда сифатнинг мазмуни ва моҳияти. Oliy ta'lim taraqqiyoti istiqbollari: To'plam/ Mas'ulmuharrir M.A. Rahmatullayev . - Т.:ООО “Е-LINEPRESS”, 2013. – 104 б.

21. Рахимов О.Д. Таълим сифати ва ҳаёт сифати. Ўқув-услубий кўлланма, 2015.

23. Резник, С.Д. Новые приоритеты деятельности и моделирование качеств руководящих кадров высших учебных заведений / С.Д. Резник, О.А. Сазыкина // Университетское управление: практика и анализ. –2008. – №6. – С. 57-61.

24. Реформа высшего образования в Европе (Болонский процесс).– М., 2010. – 96 с.

25. Розина И Н Результаты опроса исследовательского проекта НОПАЯз

«English for Specific Purposes» // Международный электронный журнал "Образовательные технологии и общество (Educational Technology & Society) 2013, том 16, №2, С 547-561.

26. Улашев У.О. Таълим иқтисодиёти ва менежменти. Ўқув қўлланма. Навоий, 2012й.

29. Киличева Ф.Б. Таълим иқтисодиёти ва менежменти. – Тошкент. 2012.

Исакулова Н., Қосимова З. Хорижий мамлакатларда таълим. – Тошкент. 2011. – 106 б.

Хорижий тиллардаги адабиётлар.

30. Heise, M. Professionelles Lernen jenseits von Fortbildungsnahmen /Heise // Zeitschrift für Erziehungswissenschaften. - 2007.- № 10 (4).- s. 513-531.

31. McKee, C. W., Johnson, M., Ritchie, W. F., & Tew, W. M. Professional Development of the Faculty: Past and Present. New Directions for Teaching and Learning, Los-Angeles, 2013, p. 15-20.

32. The European Commission on New modes of learning and teaching in higher education. October, 2014. Luxembourg: Publications Office of the European Union. – 2014. – 68 pp.

Интернет манбалари.

33. <http://www.gov.uz> – Ўзбекистон Республикасининг давлат портали.

34. <http://www.edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг сайти.

35. <http://www.minesonoma.uz> – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг расмий сайти.

36. <http://www.stat.uz> – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг сайти.

37. <http://ziyonet.uz>

38. www.bimm.uz

39. www.press-uz.info

40. www.uz. Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги.

41. www.pedagog.uz

42. www.tdpu.uz

43. <http://uza.uz/oz/documents/respublika-oliy-talim-va-ilmiy-tad-i-ot-muassalari-khodiml-05-04-2018>

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ. ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШДА МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАНИНГ ЎЗARO БОҒЛИҚЛИГИ (ЕВРОПА МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ТАЖРИБАЛАРИ) (4соат)

Режа:

1. Франция олий мактаблари.
2. Германия таълим тизимини устувор йўналишлари.
3. Буюк Британияда илмий тадқиқот ишлари ва ишланмаларининг стратегияси.
4. АҚШ олий таълим турлари.

Ҳозирги замон илмий фаолияти изланишлар кўламининг ўсиши, фанлараро ва глобалъ характерга эгалиги ҳамда уларнинг дунё инновацион ўсишига таъсирининг кучайиши билан ажралиб туради. Ривожланган давлатларда фанга ажратилган харажатларнинг муҳим ўсишига қарамасдан уларнинг бирортаси ҳам илмий изланишларнинг тўла спектри бўйича ҳар томонлама илмий тадқиқотлар олиб бориш имконига эга эмас. Бундай ҳолда фан, технологиялар ва инновациялар соҳасида фақатгина илмий эмас, балки социал иқтисодий ривожланишни ҳам аниқлаб берадиган устувор йўналишларни танлаш муҳим қиймат касб этади.

Ривожланган Европа давлатларида, жумладан, Буюк Британия, Германия, Франция, Италия, Финландия ва бошқа давлатларда у ёки бу илмий технологик йўналишларни қўллаб қувватлаш ҳақидаги қарорлар давлат ташкилотлари, илмий тадқиқот марказлари, университетлар, консалтинг компаниялар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижалари асосида қабул қилинади. Бу ишлар дунё миқёсдаги илмий технологик ривожланишнинг устивор йўналишларини аниқлашга, давлатнинг рақобатли устуворлигини таҳлил қилишга, фан, технология ва инновацияларнинг аллақачон бажариб бўлинган программалари самарадорлиги баҳосига қаратилган. Давлат билан биргаликда бундай тадқиқотлар натижаларидан,

бошқарув қарорларини қабул қилишда, бошқа манфаатдор группалар, шу жумладан, иқтисоднинг реал сектори корхоналари ва илмий жамиятлари фойдаланишади.

1. Франция олий мактаблари.

Олий мактаблар франсуз таълим тизимининг ўзига хос хусусиятларидан биридир. У давлат тизимидаги олий университет таълимига зид ҳисобланади ва халқаро миқёсда қиёсий таснифга кирмайди. Францияда олий мактабда ўқиш университетда ўқишдан ортиқ ҳисобланади. Университетларга имтиҳонсиз қабул қилинади. Олий мактабга эса катта конкурс асосида мураккаб кириш имтиҳонларини топшириш зарурдир.

Олий мактабларга кириш қанчалик қийин бўлса, касбий истиқболлар шунчалик яхши бўлади. Битирувчиларни тўлиқ иш билан таъминлаш кафолатланади, энг зўр ишчи ўринларга жойлашади.

Сорбонна — Франциянинг энг қадимги ва машҳур университети.

Сорбоннанинг тарихи 1215-йилдан бошланади. Бу вақтда Сенанинг чап томонида жойлашган черков коллежлари Париж университети деган умумий ном остида бирлаштирилган эди. 40 йил ўтгач қирол Сорбон ташаббуси остида университет қошида коллеж очилди ва у ерда камбағал аҳоли таҳсил олди. 1968 йил университет бир неча автоном институтларга бўлиб ташланди:

1. Пантеон Сорбонна — бу ерда 40 минг студент таълим олади. Бу ерда ҳуқуқ, иқтисод, санъат ва археология тарихи, география, тарих, фалсафа, математика, информатика, бошқарув ва менежмент бўйича диплом берилади.

2. Янги Сорбонна — Сорбонна кўчасида жойлашган бўлиб, гуманитар йўналиши ва нисбатан кичкиналиги билан ажралиб туради. Бу ерда 20 мингга яқин талаба франсуз ва лотин тиллари ҳамда адабиёти, немис тили, испаншунослик, шарқшунослик, Арабшунослик йўналишларидан таҳсил оладилар.

3. Рене Декарт номли университет /Страсбург Университети/

Страсбург Университети Франциянинг тарихий университетларидан бири. Унга 1621 йил асос солинган. Франция — Пруссия урушидаги мағлубиятдан сўнг университет Кайзер Вилгелм номига ўтган. 1918 йил эса яна ўз номига қайтган. 1970 йилларда Страсбург 3 қисмга бўлинган:

1. Л.Пастер номидаги Страсбург университети — ўз ичига тиббий, аниқ ва табиий, ер ҳақидаги таълимот факултетларини, математика бўлимини, физика институтини, Ер физикаси, кимё, физиология ва биохимия, ботаника, зоология, умумий биология, геология, геофизика факултетларини ва 2 та коллежни олади.

20019- йил 15 январ куни Университетга 1847 талаба қабул қилинди. Шулардан 3000 таси чет элликдир.

2. Марк Блох номидаги 2 — Страсбург Университети — 10 та факултетни ўз ичига қамраб олган. Булар: санъат, тарихий фанлар, гуманитар фанлар, филология, лингвистика, фалсафа, ижтимоий фанлар, спорт таълими, католик ва православ теологияси. Бу ерда 13000 га яқин студент ўқиб, 25 % и ажнабийлардир.

3. Роберт Шуман номидаги 3 — Страсбург Университети — 160 та мутахассислик бўйича талабаларни тайёрлайди. 10000 таълим олувчилар бўлиб, 1500 чет эл талабаларидир.

Франция ва Ўзбекистон таълим йўналишида ҳам қатор ҳамкорликларни амалга оширмоқда. 2017-йилда Франциянинг Ўзбекистондаги элчиси Виолет де Вилмор хоним Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири Рустам Қосимов билан учрашди.

Франция элчихонаси матбуот хизматининг маълумотига кўра, мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги қишлоқ хўжалиги, агрономия, сайёҳлик, инженерлик фанлари, соғлиқни сақлаш, меъморчилик ва археология каби соҳаларда ҳамкорлик муносабатларига тўхталиб ўтилди.

Бугунги кунда долзарб ҳисобланадиган олий ва ўрта таълим ўқув дастурларини қайта кўриб чиқиш масалалари доирасида томонлар кадрлар тайёрлаш инженерияси, хусусан, тил бўйича, шунингдек, бошқа мутахассисликларга француз тили таълими бериш инженерияси борасида ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашишди.

Франсия элчиси ўзбекистонлик талабалар француз тилида барча мутахассисликлар бўйича, шунингдек, бошқарув, инженерлик фанлари, ирригация каби соҳаларда инглиз тилида Францияда олий таълим олиш имкониятига эга эканликлари ҳақида тўхталди.

Элчи Францияга бориб таълим олишни истаган талабалар француз тилидан билим даражаларини оширишлари учун Тошкент француз альянси курсларига қатнашиш имконияти мавжудлигини таъкидлаб ўтди. Шунингдек, О'збекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Та'лим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси вакили Францияга қилган хизмат сафари давомида юртимизнинг халқаро тадқиқотлардаги иштироки бўйича Халқаро иқтисодий ҳамкорликлар ташкилоти (ОЕСД) мутасаддилари билан музокара олиб боргани маълум. Францияда Та'лим инспекцияси узок тарихга эга бўлиб, 1802-йилда Наполеон Бонапарт давридаёқ ташкил этилган. О'тган давр мобайнида та'лим, спорт, кутубхона, ёшлар, илм-фан учун, ба'зан алоҳида, ба'зан бирга фаолият юритиб келган. 2019-йил 1-октябрдан ҳукумат қарори билан 4 та соҳа учун Та'лим, спорт ва тадқиқот ё'налишлари бўйича вазирликлараро БОШ ИНСПЕКЦИЯ сифатида қайта ташкил этилган.

Мавзу бўйича саволлар;

1. Францияда таълим тизимлари ва уларнинг муддатини шарҳлаб беринг.
2. Мамлакатда олий таълим ва унинг турларини санаб ўтинг.

3. Франсуз таълим тизимининг ўзига хос хусусиятларини келтиринг.
4. Франция таълим тизимида ўқувчиларнинг тутган ўрни ва уларнинг салоҳиятини баҳолаш мезонларини келтиринг.
5. Франция ва Ўзбекистон таълим йўналишидаги ҳамкорликлари ва уларнинг истиқболлари ҳақида.
6. Ўзбекистон таълим тизимида Франция тизимининг устувор йўналишларидан ўз тақлиф ва мулоҳазаларингизни баён этинг.

2. Германия таълим тизимини устувор йўналишлари.

Германияда илмий техник ва инновацион сиёсатни амалга оширишнинг асосий инструменти бўлиб тадқиқотлар ва ишланмаларнинг программалари хизмат қилади (the thematic R&D programmes). Улардан кўпи таълим ва илмий тадқиқотлар Федерал вазирлиги назоратидадир. Энергетика, транспорт ва космос соҳаларидаги программалар иқтисод ва энергетика Федерал вазирлиги масъулиятидадир. Экология ва ядро хавфсизлиги билан боғлиқ программаларни атроф муҳит, табиат муҳофазаси, қурилиш ва ядро реакторлари Федерал вазирлиги назорат қилади. Овқатланиш сифати ва қишлоқ хўжалиги масалаларига бағишланган тадқиқотлар овқатланиш, қишлоқ хўжалиги ва истеъмол ҳимояси Федерал вазирлик қарамоғидадир.

Тематик программалар юқори технологияларни ривожлантириш Стратегияси -2020 да аниқланган устувор йўналишларга мувофиқ иқтисоднинг конкрет секторлари ва тадқиқот соҳаларига қўлланган ҳолда ишлаб чиқилади. Шундай қилиб, “Биоэкономика 2030” программаси миллий биотехнологик соҳалар рақобатбардошлилигини оширишга йўналтирилган ва рационал овқатланиш ҳамда иқлимий ўзгаришлар масалаларига йўналтирилган. Информацион коммуникацион технологиялар “ИКТ 2020” соҳаси учун комплекс программаларда устувор йўналишлар сифатида қуйидаги стратегик тадқиқотлар ва ишланмалар қаралмоқда: “Мураккаб системаларда ИКТ”, “Янги бизнес жараёнлар ва ишлаб чиқариш методлари”, “Нарсалар ва хизматлар интернет”.

Бу программалар герман эканомикасининг технологик салоҳияти ва рақотбатбардошлигини аниқлайди. Улар ҳамма даражада давлат ва хусусий секторлар қўллаб қувватлашини, шу жумладан энг муҳим технологияларни ишлаб чиқишдаги сармоя, инновацион альянсларни ўрнатиш ва стратегик шериклик. Алоҳида устувор йўналишларга мос конкрет қисмпрограммаларни молиялаштиришда тендер системасидан фойдаланилади. Ҳамма программалар ва ишчи инструментлар мунтазам мувофиқлаштирилади ва керак бўлганда янгиланади.

Федерал ерлар программалари регионларнинг юқори технологик ривожланишини қўллаб қувватлашга йўналтирилган тадқиқот ва инновацион кластерларни шакллантиришга қаратилган.

3. Буюк Британияда илмий тадқиқот ишлари ва ишланмаларининг стратегияси.

Буюк Британияда тадбиркорлик, касб-хунар таълим ва илм-фанлари бўйича давлат вазирлиги бош идора ҳисобланади. Улар стратегик устувор йўналишларни танлаш ва амалга оширишда ҳукумат унинг бўлимларига, парламент даражасидаги қўмиталарига, кенгашлари ва маслаҳат гуруҳларига таянади. Булар Стратегик технологияни ривожлантириш кенгаши (Technology Strategy Board, август 2014й. – Innovate UK), Англия олий таълим молиялаштириш кенгаши (Higher Education Funding Council for England, HEFCE), Тараққиёт ва технологиялар бўйича кенгаши (Council for Science and Technology), Илмий кенгашлар (Research Councils) ва бошқалар. Шундай қилиб, Тараққиёт ва технологиялар кенгаши миллий тараққиёт ва ривожлантириш юқори даражада техник хизмат курсатишни тامينлаш учун таҳлилий материаллар тайёрлайди.

Илмий ва техник сиёсатни муҳокама қилишда Фан ва Технология бўйича парламент қўмитаси (Parliamentary Office of Science and Technology, POST) ва Парламент ва илмий қўмитаси (Parliamentary and Scientific Committee, PSC) ҳам иштирок этади. Устувор йўналишлар ва ҳужжатлар (стратегия, white papers, policy papers, муҳим технологиялар,

устивор йўналишлар).

Илм-фан ва технологиянинг миллий устивор йўналишлари шу соҳани ўрта ва узоқ муддатли ривожлантириш учун белгиланган стратегиясидир (Department for Business, Innovation and Skills, 2011a).

Унинг мақсади-Буюк Британиянинг илмий ва техник салоҳиятини мустаҳкамлаш.

Бу стратегияда фан ва технологиянинг жадал ривожлантириш талаблари белгиланган. Булар:

- Ҳаёт ҳақидаги фанлар;
- Юқори қўшимча қийматли маҳсулот ишлаб чиқариш;
- Нанотехнологиялар;
- Компютер технологиялари;

Қуйидаги инновацион технологиялар устивор инвестиция учун танланган:

- Синтетик биология;
- Самарали ҳисоблаш энергия;
- Энергия сақлаш
- Графен асосидаги материаллар

Буюк Британияда 2012 йил янги саноат стратегияси ишга туширилди (Department for Business, Innovation and Skills, 2012). Бу иқтисодийнинг 11дан кўпроқ истиқболли тармоқларини дунё миқёсида ривожлантиришга қаратилган. Илғор технологиянинг диққат марказида, юқори малакали кадрлар тайёрлаш, таълимни, илм-фан ва бизнес ўртасида алоқаларни ривожлантириш.

Ҳукумат вакиллари билан ҳамкорликда танланган тармоқларни самарали ўсишни таъминлаш учун саноат дастурлари илмий ишлаб чиқилди. Ҳаёт фанлари ҳақидаги стратегия (Department for Business, Innovation and Skills, 2011b), Ядро саноат тараққиёти стратегияси (Department for Business, Innovation and Skills, 2013a), Қишлоқ хўжалиги технологияларини

ривожлантириш стратегияси (Department for Business, Innovation and Skills, 2013b) ва бошқалар. Ушбу ҳужжатлар тегишли тармоқларида истиқболли технологияларни ривожлантиришга мўлжалланган.

Стратегия томонидан айтилган мақсадларни амалга ошириш учун давлат томонидан мамлакат дунё даражасида етакчи бўладиган саккизта (Eight great technologies) платформаларро технологиялар ҳам ажратилди [Department for Business, Innovation and Skills]:

- катта берилганлар технологиялари ва энергетик самарадор ҳисоблашлар;
- сунъий йўлдошлар ва космик фаолият натижаларидан фойдаланиш;
- робототехника ва автоном системалар;
- синтетик биология;
- регенератив медицина;
- қишлоқ хўжалик технологиялари;
- перспектив материаллар ва нанотехнологиялар;
- энергетика ва энергияни аккумуляциялаш.

Ўрта муддатли истиқболда қуйидаги илмий технологик соҳаларга устувор қўллаб қувватлаш таклиф қилинмоқда:

- графен;
- энергетик самарадор ҳисоблаш;
- визуаллаштиришнинг янги технологиялари;
- квант технологиялар;
- синтетик биология;
- ҳайвонларда қўллашни талаб қилмайдиган технологиялар;
- энергияни йиғиш.

Форсайт соҳасидаги лойиҳалар, документлар ва махърузалар тўла рўйхати ва горизонтларни сканерлаш Фан бўйича Давлат идораси сайтида келтирилган [Government Office for Science, 2015].

4. АҚШ олий таълим турлари.

АҚШда олий таълим қуйидаги турларга бўлинади:

Давлат коллежи ёки университети. Давлат университети давлат ёки маҳаллий бошқарув томонидан қўллаб-қувватланади ва бошқарилади. Американинг 50 та штатининг ҳар бирида камида битта давлат университети ва бир нечта давлат коллежлари мавжуд. Ушбу жамоатчиликнинг кўплари, шунингдек, улар дейилганидек, университетлар ўз штатлари номини олади: масалан, Вашингтон университети (Вашингтон штати университети) ёки Мичиган университети (Мичиган университети).

Хусусий коллеж ёки университет. Ушбу университетлар хусусий равишда бошқарилади ва одатда, уларда ўқиш давлатга қараганда қимматроқ. Хусусий мактаблар кўпинча давлат мактабларига қараганда кичикроқ.

Диний жамоалардаги университетлар ва коллежлар ҳам хусусий муассасалардир. Деярли ҳамма нарсани турли динларга мансуб талабалар қилишлари мумкин. Фақат бир нечтаси фақатгина университет ташкил этилган жамиятнинг эътиқодига шерик бўлган абитуриентларни қабул қилиш билан чекланади.

Жамоат коллежи. Жамоат коллежлари бу икки йиллик ўқув муассасаси бўлиб, унда сиз илмий даража ва сертификат олишингиз мумкин. Диплом турига қараб улар иккига бўлинади - бири билан бошқа университетда ўқишни давом эттириш мумкин, иккинчиси билан - фақат ишлаш. Сиз ўрта ёшдаги мутахассиснинг дипломини (санъат ассотсиатсияси) ва тугалланмаган олий маълумот (фанлар дотсенти) дипломи билан ўқишингиз мумкин. Улар амалий фанлар доктори дотсенти дипломи ва тугатганлик ҳақидаги сертификат билан ишлайди.

Жамоат коллежларининг битирувчилари одатда олий маълумотни тугатиш учун 4 йиллик коллеж ёки университетларга ўтказилади. Коллеждан ўз кредитларини топширишлари мумкинлиги сабабли, бакалавр даражасини олиш учун университетда яна икки йил бўшатишлари кифоя қилади. Кўплаб жамоат коллежларида иккинчи курс сифатида инглиз тили курслари мавжуд бўлиб, бу чет эллик талабаларга университетда ўқишга тайёргарлик кўриш имкониятини беради.

Агар сиз илмий даражангиздан ташқари кўпроқ ўқишни хоҳламасангиз, у сизнинг давлатингизда ишлашга яроқли ёки йўқлигини аниқланг.

Технология институти. Технология институти техник ва табиий фанлар бўйича 4 йиллик ўқишни ўз ичига олади. Баъзиларида магистр даражасига эга бўлишингиз мумкин, бошқаларида сиз фақат қисқа курсларга боришингиз мумкин.

Мавзу буйча саволлар;

1. Америка олий таълим тизимининг ўзига хос хусусияти нимада деб ўйлайсиз?
2. АҚШ да олий таълимнинг қандай турлари мавжуд?
3. АҚШ даги давлат коллежи ёки университети хусусий коллеж ёки университетдан нимаси билан фарқ қилади?
4. Америкалик талабалар бир вақтнинг ўзида иккита дипломга эга бўлишлари мумкинми?
5. Ўзбекистонда АҚШ билан таълим соҳасидаги ҳамкорлиги доирасида қайси университет ўз фаолиятини бошлади?

Россия Федератсиясида Таълимда сифат менежментининг жорий қилиниши.

Бугунги кунда Россия Федератсиясида Таълим сифатини баҳолашнинг ягона тизими (Единая система оценки качества образования (ЕСОКО)) шакллантирилди, бу ўқувчиларнинг мактабдаги турли даражадаги билимларини фанлар кесимида назорат қилиш, мактаблар ва ҳудудлар шароитида таълим тизимининг муаммоларини аниқлаш ва уларни ҳал қилишга имкон берувчи тизимдир.

Ушбу тизим мамлакатда таълим сифати тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бо'лишга, мактаблар фаолиятига турли омилларнинг та'сирини таҳлил қилишга ва ҳисобга олишга имкон беради. Бу мактабларга о'з-о'зини ташхис қо'йиш ва мавжуд муаммоларни аниқлашга имкон беради ҳамда ота-оналар фарзандларининг билим сифати то'ғрисида ма'лумот олишда фойдаланади.

Таълимда сифат менежменти тизими қуйидаги тамойилларга асосланади:

- Илмий-техник тараққиёт ютуқлари ва халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда таълим талабларини жорий қилиш;
- Харидорга йўналтирилганлик, меҳнат бозорида шиддатли рақобат бошқарув тизимининг ҳаракатчанлиги ва динамикасини талаб қилади;
- Мониторинг натижаларини ҳисобга олган ҳолда ўқув жараёнини доимий равишда такомиллаштириш.

Таълим тузилмаларининг ҳаётий фаолияти ўзаро боғлиқ учта жараёндан иборат:

- Ресурсларни олиш;
- Ташкилот мақсадларига эришиш учун ресурслардан фойдаланиш;
- Ишлашнинг ташқи муҳитга ўтказилиши.

Таълимда сифат менежменти тизимига технологик ёндашувни амалга оширишда, таълим соҳасидаги манфаатларига боғлиқ бўлган турли хил ҳокимиятларнинг ўзаро муносабатлари схемасини ҳисобга олиш керак.

Таълим муассасаларида сифат менежменти тизимини яратишда сифат менежменти назарияси ва амалиётининг ютуқларидан тўлиқ асослаб берилиши мумкин.

Россия таълими тамойиллари

- Умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги.
- Бунинг асоси маданий ва миллий тамойиллардир.
- Илм.
- Дунёдаги хусусиятлар ва таълим даражасига йўналиш.
- Гуманистик характер.
- Атроф-муҳитни муҳофаза қилишга эътибор қаратинг.
- Таълимнинг узлуксизлиги, изчил ва узлуксизлиги.
- Таълим жисмоний ва маънавий тарбиянинг ягона тизими бўлиши

керак.

- Истеъдод ва шахсий фазилатларни намоён этишни рағбатлантириш.
- Бошланғич (асосий) таълимнинг мажбурийлиги.

Россияда таълим тизимининг ривожланишини шахснинг тўлиқ шаклланишисиз тасаввур этиб бўлмайди, бунга бир ёки бир нечта касб бўйича чуқур билим, касбий кўникма ва мустаҳкам компетентсияларни эгаллаш орқали эришилади. Касб-хунар таълими соҳасидаги ислоҳотлар ҳар бир ўқувчи учун тараққиётни таъминлашга қаратилган.

Касбий таълимни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари:

- касбий таълимнинг моддий базасини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш;
- корхоналарда амалиёт марказларини ташкил этиш;
- профессионал ишлаб чиқариш ишчиларини кадрлар тайёрлашга жалб қилиш;
- мутахассисларни тайёрлаш сифатини ошириш.

Россия Федератсиясида замонавий таълим тизими профессионал таркибий қисмнинг кенгайтирилишини англатади.

Умуман олганда, Россия Федератсиясида касбий таълимнинг янги даражалари давлатнинг мавжуд меҳнат ресурслари сифатининг яхшиланишига олиб келади, бу эса ўз навбатида ички иқтисодийнинг

ривожланишига жиддий таъсир қилади. Масалан, юридик касбга эга бўлиш аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга ёрдам беради, чунки ҳар бир фуқаро ўзларининг қонуний ҳуқуқлари ва мажбуриятларини билиши керак.

Олий таълимнинг сифати.

Яқинда Россия Федератсиясининг таълим тизимида ислохот амалга оширилганига қарамай, маҳаллий таълим сифатининг яхшиланиши кузатилмаяпти. Таълим хизматлари сифатини оширишда силжишлар йўқлигининг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат:

- Олий таълимда эскирган бошқарув тизими.
- Юқори малака даражасига эга бўлган чет эллик ўқитувчиларнинг камлиги.
- Заиф интернационализатсия туфайли мамлакатимиз таълим муассасаларининг жаҳон ҳамжамиятидаги паст рейтинги.

Мавзу буйча саволлар;

1. Россия Федератсияси таълим тизими қандай таркибий тузилишга эга?
2. Россия Федератсиясида Таълим сифатини баҳолашнинг ягона тизими қандай фаолият юритади?
3. Таълимда сифат менежменти тизими қандай тамойилларга асосланади?
4. Ўзбекистон-Россия муносабатларига бирор олий таълим муассасаси мисолида таъриф беринг

2-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ. МАВЗУ: РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАР ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА СИФАТНИ БАХОЛАШ УСУЛЛАРИНИ ТАТБИҚ ЭТИШ ОМИЛЛАРИ (ОСИЁ ВА ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ТАЖРИБАЛАРИ) БУЮК БРИТАНИЯ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ СИФАТИНИ НАЗОРAT КИЛИШ АГЕНТЛИГИ (4 соат)

Режа:

1. Японияда олий таълим ва илмий фаолияти.
2. Хитой Халқ Республикасида илмий тадқиқот ишларини устувор йўналишлари.
3. Буюк британия олий таълим тизими сифатини назорат қилиш агентлигининг қоидалар мажмуаси.

1. Японияда олий таълим ва илмий фаолияти.

Японияда педагог кадрлар тайёрлаш сифатига жуда катта талаблар

қўйилади. Бу талаблар шундайки, мазкур касбга иқтидорли ва йўналиши тўғри келмайдиган тасодифий кишиларнинг кириб қолишига йўл қўйилмайди.

Ўқитувчилар 4 йиллик дорилфунунларда ва 2 йиллик коллежларда тайёрланади. Бу ўқув юртларининг битирувчиларига биринчи ва иккинчи даражали гувоҳнома берилади.

Япон ўқитувчиларнинг жамиятда тутган обрў-еътибори катта. Бинобарин уларнинг маошлари ҳам юқори, 74 фоиз ўқитувчи жамоа ва касб-корлик асосида аҳолига аъзо.

Олий таълим доирасига Японияда университетларнигина киритиш мумкин. Биринчи дорилфунун 1886 йилда Токиода ташкил этилди. Лекин бу дорилфунунга олий табақали аслзодаларнинг болалари қабул қилинарди.

1946 йилда қабул қилинган Конституция Япония фуқароларининг таълим соҳасидаги ҳуқуқ ва бурсларини белгилаб берди. Унда «Лаёқатига кўра барсҳа фуқаролар билим олиш ҳуқуқига эга. Барсҳа болалар бепул умумий таълим олишлари шарт» эканлиги белгилаб қўйилган.

Муҳтож оилаларнинг болалари маҳаллий ва миллий бошқарув ташкилотлари томонидан ажратилган маблағлар ҳисобига бепул нонушта қилиш, ўқув қуроллари олиш, тиббий хизматдан баҳраманд бўлиш имтиёзларига эгадирлар. Бундан ташқари уларга бепул саёҳатлар ва бошқа кўнгилосҳар тадбирлар уюштирилади.

Дорилфунунларга катта ўрта мактаблар ёки 12 йиллик оддий дастурда фаолият кўрсатувчи мактабларнинг битирувчилари қабул қилинадилар.

Маълумотларга кўра, бу мамлакатда 460 та университет бўлиб, улардан 95 таси давлат тасарруфида, 34 таси муниципал, 331 таси хусусийдир. Уларда 1 миллион 843 минг талаба таҳсил олади. Талабаларнинг 77,4 фоизи йигитлар, 22,6 фоизи қизлардир. Аспирантураларда таҳсил олаётган аспирантларнинг бор йўғи 12,9 фоизи аёллар бўлиб, улар асосан гуманитар фанлар, санъат, маориф ва доришунослик соҳасида изланишлар олиб борадилар.

Кафедралар таркибига асосан профессор, дотсент ва ўқитувчи киради. Кафедра аъзоси 4 нафар юқори курс талабасини бакалавр дастурида, 4 нафарини магистр ва 3 нафарини докторантура дастурида тайёрлашга масъулдир. Кафедраларга шу йўсинда бириктирилган талабалар худди илмий-текшириш гуруҳларидагидек фаолият кўрсатадилар.

Дорилфунунларда таҳсил олаётган талабалар ўртасида касб нисбати қуйидагича:

- Ижтимоий-иқтисодий фанлар 40 фоиз;

- Техник фанлар 20 фоиз;
- Гуманитар фанлар 14 фоиз;
- Педагогик фанлар 8 фоиз;
- Қишлоқ хўжалик, тиббиёт, табиий фанлар 3 фоиз;

Япон дорилфунунларида талабалар ўқув жараёнида 140-150 синов бирлиги топширадилар.

Уларда баҳо мезони – «аёло», «яхши», «қониқарли», «қониқарсиз».

Японияда сифатни бошқариш тизими.

50-йилларнинг иккинчи ярмида ўз маҳсулотлари экспортига жуда боғлиқ бўлган Японияда доимий равишда сифат яхшиланиб борди. Ушбу ҳаракатнинг кўзгатувчиси америкалик олим э. Деминг эди, у ўз ватанида ўз тарафдорларини топмади ва ўз ғояларини амалга ошириш учун Японияга жўнаб кетди. Олимлар М. Журан (АҚШ) ва К. Ишикава (Япония) билан биргаликда янги сифат менежменти тизимини ишлаб чиқди, кейинчалик у номи маълум бўлди. **ТҚС - умумий сифат назорати тизими**. Ушбу тизим асосан маҳсулот истеъмолчисига ва ишлаб чиқарувчилар раҳбарлари ва ходимларининг маҳсулот сифатини ошириш ишларига оммавий ва онгли равишда жалб қилинишига қаратилган эди. Тизим дунёнинг барча саноат мамлакатларида, шу жумладан СССРда катта резонансга эга бўлди. Албатта, бу асосан урушдан кейинги даврда, капиталистик мамлакатларда тизимли иқтисодий инқироз даврида, Японияда 20 йилдан ортиқ йил давомида ҳар йили 10 фоизга яқин бўлган ЯИМнинг (ялпи ички маҳсулот) ўсиши бўлган "япон феномени" га боғлиқ эди.) Япон феномени, айниқса, Совет иқтисодчиларини безовта қилди, чунки у марксистик иқтисодий назарияларга тўғри келмади.

Сифатни бошқариш бўйича Япония тажрибасининг бутун дунёда ғолиб чиқиши бу тизимни олимлар ва Европа ва Шимолий Америкадаги иқтисодий ривожланган мамлакатлар амалиётчилари тажрибаси билан бойитишга олиб келди. Жаҳон тажрибасининг энг ёрқин натижаларига асосланган ИСО 9000 сериясининг халқаро сифат стандартларини ишлаб чиқиш бошланди.

Сифатни бошқаришнинг тарихий шартлари сифатни бошқаришнинг комплекс услубига айланган "Камчиликларнинг йўқлиги учун" миллий ҳаракати эди. Ушбу ҳаракат нафақат товарларнинг сифатига, балки ҳар бир ишчининг бажарилган ишнинг сифати учун жавобгарлигини англашига, улардаги ўзини ўзи бошқариш туйғусини ривожлантиришга сезиларли таъсир кўрсатди.

Дастлаб, сифатни бошқариш ва бошқариш тизими сифат доираларига

асосланган эди. Японияда сифат менежменти асосчиси ва назарийчиси И. Каорунинг сўзларига кўра, сифат доираларини ташкил қилиш учун менежерлар қуйидаги принтсипларга амал қилишлари керак:

- * ихтиёрийлик;
- * ўз-ўзини ривожлантириш;
- * гуруҳ фаолияти;
- * сифат менежменти усуллари кўллаш;
- * иш жойи билан муносабатлар;
- * тадбиркорлик фаолияти;
- * ўзаро ривожланиш;
- * Инноватсия ва ижодий изланиш муҳити;
- * якуний натижада иштирок этиш;
- * маҳсулот сифатини оширишнинг муҳимлигини англаш.

Таълим соҳасида Ўзбекистон – Япония ҳамкорлик алоқалари.

Ўзбекистонда ёшларга таълим бериш мақсадида дунё стандартлари асосида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда, мамлакатимизда жаҳоннинг кўплаб етакчи университетлари филиаллари очилди ва муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон ва кунчиқар юрт халқларининг дўстлик ришталари, савдо ва маданий алоқаларининг тарихи Буюк Ипак йўли даврининг бошланишига бориб тақалади. Ушбу мамлакатнинг энг шарқий нуқтаси япон императорларининг кўхна пойтахти Нара шаҳри бўлган.

Мамлакатимиз биринчи Президентининг 2002 йил июл ойида Японияга уюштирган иккинчи ташрифи чоғида Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасида дўстлик, Стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида қўшма баёнот имзоланди. Ҳужжатда томонларнинг дўстона муносабатлар ва стратегик шерикликни тенглик, ўзаро ҳамжиҳатлик тамойилларига мувофиқ ва халқаро ҳуқуқнинг умумий этилган меъёрлари асосида ривожлантиришга тайёрлиги ўз ифодасини топган (шунингдек, 1-илова). Савдо-сотик, сармоялар, таълим ва бошқа соҳалардаги алоқаларни кенгайтириш устувор вазифа сифатида белгилаган.

Бугун Япония Ўзбекистон иқтисодиётига энг йирик сармоя киритадиган мамлакатлардан бири саналади. Нефт-газ саноати, транспорт сектори, телекоммуникатсия, соғлиқни сақлаш, таълим, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳалардаги устувор лойиҳалар ижроси учун ажратилган жами молиявий маблағлар миқдори 3,4 миллиард АҚШ долларидан ошади.

Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги (ЖИСА) ва Япония Ташқи савдони ривожлантириш ташкилоти (ЖЕТРО) ўзларининг минтақавий

ваколахоналари орқали ишбилармон ва жамоатчилик доиралари ўртасида алоқаларни йўлга қўйиш ҳамда беғараз ва техник ёрдам дастурларини амалга оширишга кўмаклашмоқда.

Ўзбек ва япон халқлари ўртасидаги дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар дастури йилдан йилга кенгаймоқда.

Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги таълим соҳасида амалга оширилиб келинаётган ҳамкорлик ҳақида гап кетганда шуни таъкидлаш жоизки, Япониянинг Нагоя университети Тошкент давлат юридик институти, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳамда Самарқанд давлат университетининг ҳуқуқшунослик факултети билан фаол ҳамкорлик қилади. Япония ва Ўзбекистон олий ўқув юртлари ўртасида доимий равишда ўқитувчи кадрлар ва талабалар алмашинуви йўлга қўйилган. 2000-2010 йиллар даври мобайнида Япония гранти асосида 206 нафар талаба ушбу мамлакатда таълим олди ва давлат бошқарувининг, ҳуқуқ, бизнес маъмурияти, банк соҳаси, ахборот технологиялари каби муҳим йўналишлари бўйича магистр даражасига эга бўлишди.

Иқтисодиёт, менежмент, юриспруденсия, телекоммуникатсиялар, соғлиқни сақлаш, бизнес, қишлоқ хўжалиги, сайёҳлик, банк-молия сектори, транспорт ва бошқа соҳаларда фаолият юритаётган икки мингдан зиёд ўзбек мутахассислари “ЖИСА” ташкилоти лойиҳаси бўйича Японияда малака ошириб қайтдилар.

Япония ҳукумат гранти доирасида ҳар йили 15 нафар ўзбекистонлик талаба мазкур мамлакатнинг нуфузли олий ўқув юртларида таълим олади. 1999-2018-йиллар давомида 400га яқин талаба мазкур дастур бўйича олий маълумотга эга бўлди.

Бизнес-тренинглар, япон тили курслари ва бошқа маданий тадбирлар ўтказиб келаётган Ўзбек-япон маркази кадрлар тайёрлаш жараёнига муҳим ҳисса қўшмоқда.

Шу аснода ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги кўпқиррали сермахсул ҳамкорликни янада ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор яратилди. Ишот сифатида, ҳукуматнинг тегишли қарори билан, “Дигитал Knowледже Со., Лтд.” компаниясининг муассислигида Япония рақамли университети ташкил этилади. Қарорда таъкидланишича, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети билан “Дигитал Knowледже Со., Лтд.” компанияси ўртасида 2020 йил 17 апрелда “ЖДУ – Жапан Дигитал Университетес” сателлит кампусини ташкил этиш бўйича ҳамкорлик шартномаси имзоланган. Ўқув режалари ва фан дастурларида Япониянинг Отемае университети, Токио

онлайн университети ва бошқа нуфузли ОТМларининг тажрибасидан фойдаланилади. Университетда бакалаврият таълим йўналишлари бўйича кундузги ва масофавий таълим шаклларида кадрлар тайёрлаш амалга оширилади. Университет битирувчиларига олий таълим тўғрисидаги хужжат сифатида тан олинган Япония университетлари ҳамда Ўзбекистоннинг белгиланган намунадаги дипломлари берилди. 2020/2021 ўқув йилидан “Муҳандис-дастурчи” бакалаврият таълим йўналиши бўйича Университетга талабалар қабул қилинади, кейинги ўқув йилидан бошлаб “Компютер графикаси ва дизайн” йўналиши бўйича ҳам қабул амалга оширилади.

Шу о‘ринда Тошкентда юқори технологиялар паркини ташкил этиш то‘ғ‘рисида О‘збекистон ва Япония о‘ртасида шартнома имзоланиши аҳамиятига то‘хталиб о‘тиш керак. Ушбу тузилмалар мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим соҳаларини технологик ривожланишини та’минлаш, ёш ва истиқболли кадрлар тайёрлаш учун пойдевор бо‘либ хизмат қилади.

Илм-фан ва технология соҳасидаги икки томонлама ҳамкорликнинг самарасига яна бир мисол – Япониянинг нуфузли “САТРЕПС-2020” танловида О‘збекистон Республикаси Инноватсион ривожланиш вазирлиги ва профессор Кристина Годерич (Тоттори университети, Япония) ко‘магида тақдим этилган лойиҳанинг грантга сазовор бо‘лганлигидир.

2020-йил июн ойида ушбу лойиҳа Япония фан ва технологиялар агентлиги томонидан танланган 10 та халқаро лойиҳалар ичида энг яхшиси деб топилди.

Мавзу буйча саволлар:

1. Япония бошқарувининг асосий хусусиятлари нималардан иборат?
2. Ҳозирги замон япон таълим тизими қандай таркибий тузилмага эга?
3. Японияда педагог кадрлар тайёрлаш жараёни қандай амалга оширилади?
4. ТҚС - умумий сифат назорати тизимининг моҳияти нимада?
5. Та’лим соҳасида Ўзбекистон – Япония ҳамкорлик алоқаларига мисол келтиринг.

2. Хитой Халқ Республикасида илмий тадқиқот ишларини устувор йўналишлари.

Хитойда илмий текшириш муассасалари 2 хил кўринишда бўлади:

- Мустақил илмий текшириш муассасалари.
- Олийгоҳлар ёки ташкилотлар қошидаги илмий текшириш муассасалари.

Хитойда мустақил илмий текшириш муассасаларига давлат томонидан молиявий ёрдам берилади. Ҳозирги кунда бундай муассасалар сони 2000 дан ортиб кетди. Шулардан 500 таси тўла давлат томонидан молиялаштирилади. Олийгоҳлар ёки ташкилотлар қошидаги илмий текшириш муассасалари сони 2000 дан ошиб кетди.

Ҳозирги кунда Хитойда асосий, амалий ва ижтимоий илмий текшириш муассасалари ишлаб турибди. Асосий илмий текшириш муассасалари-бу Хитой фанлар академияси ва олийгоҳлар қошидаги институтлардир. Илгарилари амалий илмий текшириш муассасалари ишлаб чиқариш корхоналарга бирлаштирилган эди. Ҳозирги кунда булар янги ва юқори технологияларни ишлаб чиқарувчи мустақилташкилотлар бўлиб қолди.

Амалий илмий текшириш муассасаларига Хитойнинг рангли металлургия институту, почта-телеграф алоқа институту, инженер технологияларни лойҳалаш институту ва бошқаларни киритиш мумкин.

Умумий фойдали йўналиш (ижтимоий) билан шуғулланадиган илмий текшириш муассасаларига қишлоқ хўжалиги ва метерология соҳалари билан шуғулланувчи қишлоқ хўжалиги академияси, метерология академияси ҳамда уларнинг институтлари киради.

Хитойда Хитой фанлар академияси-бу машҳур ва энг катта илмий текшириш муассасаси ҳисобланади. У 1949 йилда ташкил этилган. Унинг биноси Пекин шаҳрида. Хитой фанлар академиясининг бош илмий йўналиш тибий фанлар ҳамда юқори ва янги технологиялар ҳисобланади. Хитой фанлар академияси 5 бўлимдан иборат. Булар математика ва физика бўлими, химия бўлими, биология бўлими, география бўлими, юқори ва янги технологиялар бўлими. Ундан ташқари академиянинг 11 та филиали ҳамда 84 та илмий текшириш институтлари яратилган. Хитой фанлар академиясида ҳозирги кунда 20000 дан ортиқ илмий ходимлар ишлайди. У ерда Хитойнинг энг яхши илмий ходимлари ишлайди. Бу фанлар академиясида давлатнинг энг юқори илмий натижалари олинади ва улар бутун дунёга машҳур ҳисобланади.

3. Буюк британия олий таълим тизими сифатини назорат қилиш агентлигининг қоидалар мажмуаси.

Буюк Британия олий таълим тизими сифатини назорат қилиш Агентлигининг Қоидалар мажмуаси (Сифат қоидалари мажмуаси) олий таълим тизимини сифатини назорат қилиш Агентлигида руйхатдан утган олий таълим муассасаларига қуйиладиган талабларни белгилаб беради.

Буюк Британия олий таълим тизимини сифатини назорат қилиш буйича Агентликнинг Коидалар Мажмуасининг мақсади қуйидагилардир.

✓ Олий таълим тизимига қўйиладиган юқори академик стандартларга мос келиш

✓ Олий таълим муассасаси талабаларга бераётган таълим сифатини таъминлаш

✓ олий таълим тизимини узлуксиз ва тизимли равишда ривожланишини қўллаб қувватлаш

✓ олий таълим муассасалари ҳақида тулиқ маълумотнинг мавжудлигини таъминлаш.

Сифат коидалари мажмуаси Буюк Британиянинг 4 маъмурий –сиёсий қисмида жойлашган олий таълим муассасаларига тарқатилади, бундан ташқари бу сифат коидалари мажмуаси Буюк Британия халқаро таълим муассасалари учун ҳам мажбурий ҳисобланади. Бу коидалар барча Британиялик талабалар манфаатини, улар қандай таълим турида ўқишдан қатъий назар (қундузги, сиртки, бакалаврият, магистратура) ҳимоя қилади.

Бу Агентлик мунтазам равишда таълим муассасаларини сифатини назорат қилиб, уларнинг қўйилган талаб ва сифат мезонларига мос келиш -қелмаслигини текширади. Мазкур ҳужжат сифат буйича Коидалар Мажмуасининг техник ахборотларини ўз ичига олган. Олий таълим тизими сифат Агентлиги кенг оммага мулжалланган таълим тизими сифати буйича қўлланма ҳам нашр этган.

Буюк Британия олий таълим тизимини назорат этувчи АГЕНТЛИКНИНГ КОИДАЛАР МАЖМУАСИ ўзи нима?

Конунчиликка муносабат

Сифат коидалари мажмуаси ўз ичига нималарни олади?

- Талаблар
- Барқарор амалиёт курсаткичлари
- Умумқабул қилинган афзалликлар
- Боблар
- Мавзулар

Буюкбритания учун олий таълим тизими сифатини назорат қилиш Агентлигининг КОИДАЛАР МАЖМУАСИ нима учун зарур?

Сифат коидалари мажмуаси қандай шаклланган?

Сифат коидалари мажмуаси(СКМ) қимга мулжалланган?

Олий таълим муассасаларига

Таълим стандартлари ва сифатига жавоб берувчи мутахассисларга

Олий таълимнинг кенг мутахассисларига
Талабаларга

Агентликнинг назорат олиб боровчи инспекторларига.

Амалиётда СКМ кандай амалга оширилади?

Олий таълимни сифатини назорат Агентлигини ўрни кандай?

Олий таълимда хомий ташкилотларнинг ўрни кандай?

Тенглик ва фарқлар

Академик стандартлар, сифат, ривожланиш ва ахборот

СКМда кулланадиган иборалар

Яна кандай ресурслар фойдали булиши мумкин?

ҚЎШИМЧАЛАР-СКМни қўлланилиши:

- ✓ Буюкбританиянинг 4 маъмурий қисмида қўллаш
- ✓ СКМни базавий таълимга нисбатан куллаш
- ✓ СКМни Буюкбританиядан ташкарида куллаш.

Юкоридаги курсаткилардан фойдаланишда вебсайт саҳифалари сизга ёрдам беради. Ибораларни эса Глоссарийдан топасиз. Хар йилла олий таълим тизими СКМ си текширилади ва узгартиришлар киритилади. Олий таълим тизимининг сифат назорати Агентлигининг СКМсига барча олий таълим муассасалари роя қилишлари шарт. Бу хужжат миллий даражада тасдиқланган булиб, олий таълим дастурларини тавсия қилувчи ва ишлаб чикувчи барча ташкилотлар учун дастуриламал булиб ҳисобланади. Бу олий таълим муассасалари фаолият натижаси булиб, бакалавр, магистр малакасини ёки илмий унвонларни бериш ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Олий таълим тизимини сифатини назорат Агентлигининг СКМ си ТАЛАБЛАРИГА таълим муассасалари роя қилишлари мажбурийдир.

Англия, Шимолий Ирландия, Шотландия ва Уэльс маъмурий территорияларда олий таълим муассасалари ва Халқаро олий таълим муассасалар юкоридаги хужжатлар асосида фаолият олиб борадилар. Шу билан бирга баъзи тармок олий таълим муассасалари ҳам шу хужжатлар асосида иш олиб борадилар ва малака ёки илмий унвонларни беришлари мумкин.

СКМ мустақил ва уз-узини бошқарувчи таълим муассасалари учун зарурий бошлангич хужжат булиб таълим Дастурлари ва Стандартлари у ерда белгиланган меъзон ва курсаткичларга мос равишда ишлаб чиқилади. Натижада барча олий таълим муассасаларида таълим сифатининг юкори булишига эришилади. СКМ нинг талаблари илмий текшириш институтлари ва бошка таълимни узатиш, мулкни бошқариш

билан боглик фаолият турларига тегишли эмас.

Хар бир маъмурий территория уз худудидаги таълим муассасалари таълим сифатига маъсулдир. Олий таълим муассасалари СКМга риоя килиш билан бирга мураккаб инновациялар жараёнида мазкур хужжатларга янгиликлар киритишлари , талабларни кучайтиришга қаратилган инновацияларни жорий этишлари рағбатлантирилади.

ҚОНУНЧИЛИККА МУНОСАБАТ.

СКМга тегишли бўлган купгина мавзу ва коидалар бевосита қонунчилик билан боглик. СКМ қонунларни интерпритация қилмайди ва қонун талабларини тартибга солмайди. Барча олий таълим муассасалари уз фаолиятларини қонунчилик доирасида олиб боришларини қафолатлашлари керак. Қонун талаблари биринчи даражали эканини унутмасликлари лозим.

ТАЛАБЛАР.

Талаблар асосий тамойилларни ақс эттириб , таълим ҳамжамияти талаб қилинаётган талаб ва стандартларга мос равишда фаолият олиб боришларини тақозо қилади. Қуйилган талаблар олий таълим муассасаларидан талабалар ва кенг жамоатчилик нималарни қутаётганини белгилаб беради.

Муваффақиятли амалиёт курсаткичлари .

Таълим муассасасининг муваффақиятли ва барқарор фаолиятини ақс эттирувчи курсаткичлар бўлиб уларни амалга ошириш орқали олий таълим муассасаси узини салохияти ва сифат даражасини намоён қилади. Курсаткичлар назорат руйхати бўлиб ҳисобланмасдан , уларнинг асосий максоди таълим муассасалари , уларга таянган ҳолда уз койда ва сифат курсаткичларини СКМга мос келадиган равишда ишлаб чиқишларига ёрдам беришдан иборатдир. Курсаткичлар гуруҳчаларга бўлинган бўлиб , хар бири алоҳида сарлавҳаланган.

ТАЛАБЛАР ва КУРСАТКИЧЛАРга тушунтиришлар илова қилинган. Уларда СКМни амалда қуллаш бўйича вазиятдан келиб чиққан ҳолда қандай қарор қабул қилиш кераклиги ҳақида мисоллар келтирилган. Олий таълим Академияси ва Талабалар миллий Иттифоқи каби ташкилотларнинг фаолиятидан намуналар берилган.

УМУМИЙ КАДРИЯТЛАР(афзалликлар).

СКМнинг умумқабул қилинган кадриятлари , таълим муассасалари асосланадиган асосий ҳолатларни изоҳлайди.

•Хар бир талабага алоҳида эътибор ва ҳаққонийлик, ҳурмат билан муносабат қилиш

- Хар бир талаба уз кобилиятидан келиб чиккан холда узининг таълим жараёнига хиссасини куша олиш имкониятини яратиш

- Таълим дастурларига тегишли барча ахборотлар билан талабани танишиш имкониятини бериш

- Таълим жараёнига тегишли укув дастурлари ва барча жараёнлар тушунарли ва ойдин булиши лозим.

- Таълим жараёнининг академик стандартлари ва таълим сифатининг стратегик назорати энг юкори даражадаги рахбарият томонидан назорат килинади

- Хамма урнатилган тартиблар ва жараёнлар мунтазам равишда ва чукур урганилиши, текширилиши ва назорат этилиши зарур

- Таълим сифати ва академик стандартларни куллаб кувватлаш учун маълум даражада ташки ресурсларни жалб этиш керак.

- Таълим муассасасининг барча ходимларини сифатли фаолият олиб боришини рағбатлантириш.

БОБлар.

СКМси 4 кисмдан ва хар бир кисм боблардан иборатдир.

Боблар:

А-кисм. Академик стандартларни тасдиклаш ва куллаб кувватлаш;

А1-Европа ва Буюкбританияда стандартларни (урнатиш) тасдиклаш йуналишлари

А2—Илмий унвон берувчи муассасалар академик стандартлари йуналишлари

А3—Илмий унвонларга куйиладиган стандартлар талабларини тмасдиклаш.

Б-қисм. Академик сифатни ошириш ва кафолатлаш.

Б1-Дастурни ишлаб чикиш , ривожлантириш ва тасдиклаш

Б2-Олий таълимга кабул, танлаш ва таълим жараёнига куйиш

Б3-Укитиш ва таълим бериш

Б4-Талабаларни интилиш ва иктидорларини куллаб кувватлаш.

Б5-Талабаларни карор кабул килиш жараёнига жалбэтиш

Б6-Талабаларни баҳолаш ва рағбатлаш

Б7-таълим даражасини ташки баҳолаш

Б8-Дастурни урганиш ва мониторинг килиш

Б9- Талабалар хошишлари ва шикоятлари

Б10-Олий таълимни хамкорликда бериш

Б11-Илмий тадқиқот ишларида унвонлар бериш

В—қисм. Олий таълим таклифи хақида ахборот.

А-қисмда 7-турдаги талаблар бўлиб, уларга тушунтириш хатлари илова қилинган; В қисм ва Б

қисмнинг ҳар бир боби ягона талаблардан ва бир қатор муваффақиятли ва барқарор амалиёт учун курсаткичлардан иборат. (уларга изоҳлар берилган)

МАВЗУЛАР

СМКнинг ҳар бир қисми ва боби умумий мавзулар ва тегишли мавзучалар бўйича масалаларни куриб чиқади.

- Талабалар ва тингловчиларга маълум мавзу бўйича қандай ахборот берилади;

- Тегишли мавзу бўйича талабалар фаоллигига қандай таъсир курсатиш мумкин;

- Тенглик ва фарқлар саволларини ҳар ерда қандай қилиб киритиш мумкин.

- Мавзуда турли талабалар ташкилотининг эҳтиёжлари қандай қурилган

- Тегишли мавзуга нисбатан турли илмий унвон ва малака берувчи муассасаларнинг маъсулияти қандай фарқланади.

- Мавзуга тегишли саволлар 4 маъмурий ҳудудда қандай фарқланади.

- Мазкур СМКнинг боблари мазмуни Европа Олий Таълим тизимининг стандарт ва сифат талабларига қай даражада мос келади.

Ижобий тажриба ва такомиллаштириш йуналишлари қай даражада мавзуга мос ёки тегишли.

Ҳозирги вақтда Буюкбританияда жуда қўп мустақил олий таълим муассасалари пайдо бўлмоқда. Британия олийгоҳларида таълим олаётган талабалар таркиби ҳам кенгайиб бормоқда. СМК академик стандартларни бошқариш бўйича барқарор тамойилларга ва амалиётга таянади. Маълум таълим муассасаларида олийгоҳ миссиясидан келиб чиққан ҳолда коррективроқ қилинади. Талабаларга сифатли таълим стандартлари ва дастурлари асосида сифатли ўқитиш жараёни қафолатланади. Шунингдек СМК олий таълим муассасаларининг сифатини назорат мезони бўлиб ҳисобланади. Таълим муассасаларини баҳолаш, уларнинг СМК талабларига мослигини аниқлаш йуналишларини белгилайди.

Сифат қоидалари Мажмуаси қандай ишлаб чиқилган

1997 йилда Сифат Қоидалари Мажмуаси Академик инфраструктурасининг урнига қабул қилинди. Бу узгартиришлар йуналишлари Агентликнинг мутахассислари ва олий таълим вакиллари,

Олий таълимни урганиш миллий Комитетининг таклиф ва тавсиялари асосида ишлаб чиқилган. Олий таълимни урганиш Миллий Комитетини Лорд Диринг бошқаради. Турли баҳолар, фикрлар ва маслаҳатлар асосида СИФАТ ҚОИДАЛАРИ МАЖМУАСИ ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Бакалавр ва магистр малакасини, ҳамда илмий унвон берувчи олий таълим муассасалари, илмий тадқиқот институтлари учун СКМда баъзи фарқлар мавжуд бўлиб, «илмий унвон таъсис этувчи ташкилот» каби эслатмалар киритилган ва уларга қўйиладиган талаблар олий таълим муассасалариникидан фарқ қилади.

СКМ Британиянинг барча олий таълим муассасаларида малакавий академик стандартлар ва уқитишнинг сифатини таъминлашга ёрдам бериб, уларнинг стратегик йўналишларини белгилашга асос бўлиб ҳисобланади. Барча олий таълим муассасаларидан қўйиладиган самарани, мутахассисларни рақобатбардошлигини таъминлашни СКМ талаб этади. Хар бир таълим муассасаси СКМ тамойилларига асосланиб узининг мустақил ички назорат тизимини ишлаб чиқиши мумкин. Бу билан у узининг академик стандартлари ва таълим сифатини унинг самарасини таъминлайди.

Ўқитиш сифати ва стандартларга маъсул мутахассислар таркиби.

СКМ мутахассислар учун техник қўлланма бўлиб, олий таълим муассасалари академик стандартлари ва уқитиш сифатини маълум даражада таъминловчи ҳужжатдир. Британия олий таълим тизимининг стратегияси ва таракқиётини белгилашда катта аҳамият касб этади.

Олий таълимнинг кенг мутахассислар доираси.

Факультет ёки кафедрада фаолият олиб боровчи хар бир профессор уқитувчи СКМ стратегияси билан таниш бўлиши, узининг мажбуриятлари ва вазифалари доирасида ундан қўлланиши лозим. ОТМнинг бошқа мутахассислари уз фаолиятларига тегишли қоидаларга қўра иш тутишлари лозим.

Талабалар.

Талабалар ва талабалар жамиятлари учун СКМ ни билиш жуда муҳим бўлиб, улар мунозара ва баҳсларда таълим сифатига қўйиладиган минимал талаблар ҳақида уз фикрларини билдиришлари, уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар беришлари мумкин.

Талабалар ва тингловчилар.

СКМ Буюкбританиянинг барча таълим маконида таълим сектори натижаларини қиёслаш ва бир сифат даражасига келтириш учун муҳим

асос булиб хисобланади. Талабаларга таълим сифати кафолатланади. Олий таълим тизими билан кенг доирада кизикувчилар учун Агентлик Талабалар Миллий Иттифоки билан хамкорликда кулланма ишлаб чиқди. Унда талабалар манфаатларини химоя килиш , академик стандартларни ишлаб чиқишга таъсир этувчи омиллар хакида батафсил маълумотлар берилган.

Олий Таълим Сифатини Назорат Килиш Агентлигининг(ОТСНК) инспекторлари

ОТСНКнинг ташки назоратлар утказувчи инспекторлари СКМдан мезон сифатида кулланадилар, уларга кура таълим муассасасининг академик стандартларга мос келиши, таълим сифатининг тегишли талабларга жавоб беришини текширадилар. Миллий таълим стандартларини такомиллаштириш ,ривожлантириш ва ахборот билан таъминланишини коникарлилигини аниқлайдилар

СКМ кимга тегишли.

Мазкур хужжат Буюкбританиянинг барча олий таълим секторига тегишлидир. У ОТСНК Агентлиги томонидан нашр этилади ва Агентлик хамда таълим сектори вакиллари томонидан куллаб кувватланади. Унга асосан таълим муассасалари мутахассислари иштирокида Талаблар ишлаб чиқилади.

СКМнинг ижроси учун ким жавобгар хисобланади.

Хар бир олий таълим муассасаси уз дастурларининг академик стандартлари ва уқитиш сифатига жавобгардир. Улар уз мажбуриятларини СКМ Талабларига тегишли равишда бажаришлари шарт.

ОТСНК Агентлигининг ахамияти.

Мунтазам равишда ташки назоратлар утказиб ОТСНК Агентлиги жамиятга олий таълим сифати ва унинг СКМ талабларига жавоб бериши хакида кафолат беради. Назоратлар жараёнида олий таълим муассасалари СКМ Талабларига мос келишларини тегишли хужжатлар билан исботлашлари шарт. Улар уз структураларининг ва ташкилий стратегиянинг самарали эканлигини намойиш этишлари лозим. Талабаларга таклиф этилаётган таълим стандартларини, олинадиган малакага мослигини исботлайдиган хужжатларни такдим этишлари керак.

СКМси текширувнинг турли усулларида кулланилади. Индивидуал усуллар хакида брошюралар чоп этилган. Хар бир усул турли таълим муассасалари ва Буюкбританиянинг маълум маъмурий территорияси контекстидан келиб чиқкан холда тегишли мақсадларга йуналтирилган

равишда ишлаб чиқилади. СКМнинг ҳар бир қисми ва боби мунтазам равишда қайта қуриб чиқилади ва янгиланади.

ХОМИЙ ташкилотларнинг олий таълимдаги роли.

Хомий ташкилотлар - олий таълим тизимини қонуний даражада баҳолашда иштирок этишлари мажбурий бўлиб, (Шотландияда эса, такомиллаштиришда ҳам) ,узлари молиялаштираётган муассасани текширишда қатнашадилар. Хомий ташкилотлар Агентлик билан тузилган шартномага қура текширув жараёнларида қатнашадилар. Агар назорат утказилган олий таълим муассасасида академик стандартларнинг сифат курсатқиларига мос келмаслик аниқланса , хомий ташкилот санкция қўйишга ҳақли. Хомий ташкилотлар буйича қўшимча маълумотларни сайтлардан топиш мумкин.

- ✓ Олий таълимни Молиялаштириш буйича Англия Кенгаши.
- ✓ Олий таълимни Молиялаштириш буйича Уэльс Кенгаши
- ✓ Молиялаштириш буйича Шотландия Кенгаши
- ✓ Шимолий Ирландия иш билан таъминлаш ва уқитиш бўлими .

Тенг ҳуқуқлилиқ ва турлилиқ.

СКМси тенг ҳуқуқлилиқ ва турлилиқ борасида ҳилма –ҳил масалаларни ўз ичига олган ҳолда ёндошади. Тенг ҳуқуқлилиқ деганда барча таълим олувчиларга , таълим берувчиларга бир ҳил ҳурмат ва эъзозлаш асосида муносабатда бўлиш назарда тутилади. Миллатларнинг келиб чиқиши , ирки, диний эътиқоди, ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар, уларга бир даражада муносабатда бўлиш. Уқитишнинг инклюзив муҳити ҳар бир талабанинг индивидуал хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда , уларга тенг имкониятларни яратади, мумкин бўлганда инклюзив моделларни ҳар бир шахснинг индивидуал қобилиятларига мослаштиради.

Тенг ҳуқуқлилиқ ва турлилиқга ёндошиш қўйидаги асосий тамойилларга асосланади;

а. Таълим олиш учун тегишли шароитларнинг йўқлиги , одамларнинг маълум гуруҳларга мансублиги натижаси эмас, балки атроф муҳит билан боғлиқ ижтимоий барьерларнинг мавжудлигидандир.

б. Ҳеч бир талаба ўзининг келиб чиқиши ёки маълум талабларига қура қамситилишига йўл қўйилмайди.

Бу тамойилларга риоя қилиш амалда қўйидагиларни билдиради.

✓ Олий таълим муассасалари талабани маълум ижтимоий жамият ёки талабалар ҳаётига тегишли тадбирларда иштирокига тусқинлик қилувчи барьер(Тусик) ларни бартараф этиш буйича тегишли чораларни қуради.

- ✓ Урта бугин раҳбариятидан то олий раҳбариятгача тенгликни

✓ таъминлашга, инклюзив сиёсатни ривожлантиришга интилишлари лозим. Бу сиёсат ҳар бир талабани билим ва тажрибасини оширишга қаратилган бўлиши керак.

СИФАТ ҚОИДАЛАРИ МАЖМУАСИДА қабул қилинган тенглик ва фарқларга бўлган ёндошиш 2010 йилда қабул қилинган ТЕНГЛИЛИК АҚТИ даги тамойилларга асосланади. Бундай ёндошув фақат АҚТ билан чекланиб қолмаган бўлиб, бошқа мамлакатларда бериладиган Британия олий таълимига нисбатан ҳам қўлланади. Таълим жараёнида барчага тенг имкониятлар яратиш учун СКМда «хусусиятлари (характеристикаси) ҳимояланган талабалар» ибораси қўлланади. Бундай ибора алоҳида гуруҳдаги талабаларга нисбатан қўлланади. Бу ерда жисмоний қамчилиги бўлган, ёши, хомиладор, оилали, ирки, миллати, этник келиб чиқиши, жинси ўзгартирилган каби талабалар гуруҳи назарда тутилади. Қўшимча маълумотларни Тенглик Муаммолари Бўйича Ташкилотлар сайтида топиш мумкин.

АКАДЕМИК СТАНДАРТЛАР, СИФАТ, ТАҚОМИЛЛАШТИРИШ, АХБОРОТ.

Бу 4 курсатқич Агентликнинг барча ташқи текширувларининг асосий таркибий қисми бўлиб ҳисобланади. Қўп жиҳатдан булар узаро боғлиқ бўлсада, улардаги фарқни СКМ таркибида келтирилганлардан аниқлаш керак.

МИНИМАЛ (дастлабки) академик стандартлар- малаквий даража ёки илмий ўнвон олиш учун зарур бўлган билимлар ва ютуқларга бўлган талаблардир. (кандидатский минимумдай). Ҳар қандай малакавий даража учун алоҳида академик стандартлар ишлаб чиқилган. Бундай стандартлар Буюкбританиянинг барча маъмурий ҳудудларида бирдай қўлланади.

АКАДЕМИК СТАНДАРТЛАР—илмий ўнвонлар берувчи ташкилотларнинг малкака ва даража олиш учун тасдиқланган стандартларидир. Бундай стандартлар минимал стандартлардан юқори даражада ўрнатилади. (ишлаб чиқилади).

Минимал ёки бошланғич (пороговые) стандартлар илмий даража, ўнвон берувчи ташкилотларда олий таълимдаги малака даражасига тўғри келувчи, яъни ўнинг мантиқан юқори даражадаги давоми бўлиб қўлланади. Минимал академик стандартлар олий таълимдаги талабаларга ўрнатилган малаквий стандартлардан фарқ қилади. Малкавий стандартлар олий таълимда маълум йўналиш бўйича билимлар ва малакавий қўникмаларга эга бўлишни назарда тутуади. Илмий даража берувчи ва тасдиқловчи

ташкilotлар минимал академик стандартлар асосида иш юритади ва жавобгарликни уз зиммасига олади.

Олий таълимнинг дастурий уқитиш жараёни натижасида миллий малакавий классификация курсаткичларига мос келувчи юкори ракобатли кадрлар тайёрланади. Талабалар ютуклари улар танлаган Дастур мазмун ва мохиятини кандай даражада узлаштирганликлари утиш баллари асосида бахоланади. Бу жихатлар ,қуйилган кучли талаблар Буюкбритания олий таълимнинг кучли томони хисобланади.

Барча олий таълим муассасалар ва илмий даража берувчи илмий тадкикот институтлар СКМ дан укув Дастурлари ва Стандартлар ишлаб чиқишда дастуриламал сифатида фойдаланадилар. Фанлар буйича Дастурлар ишлаб чиқишда ташки мутахассисларни жалб қилиш ,уларни қабул қилишга жиддий ва маъсулият билан ёндошиш талаб этилади. Минимал академик стандартларни киёслашда ва улар мониторингини олиб боришда олий таълим станларт ва дастурлари мухим ахамиятга эга.. Имтихон ,тест жараёнларига ташқаридан мутахассис ва профессор уқитувчиларни жалб этиш, бахолаш жараёнини ойдинлигини таъминалашга доимо ката эътибор қаратилади ва амалда унга эришилади. Бу талабаларни уз ютукларини объектив бахоланишига ишончини оширади ва уларни маъсулят билан билим олишга қизиқтиради.

АКАДЕМИК СИФАТ – тегишли малакани олиш учун талабалар қай даражада яхши сифатли билим олиш имкониятига эга эканлигини англатади. Самарали таълим, уни бахолаш жараёни, уқитиш ресусларининг мавжудлиги ва улардан талабалар қай даражада фойдалана олишлари мумкинлиги назарда тутилади. Олий таълим муассасаси юкори сифатли таълимни беришни қафолатлаш билан бирга , бир даражада берилган таълимни хамма талаба томонидан бир даражада қабул қилинишига қафолат бера олмайди. Шундай булсада уқитишнинг самарали таркибини, стратегиясини ва бошқариш жараёнини куллаб , юкори натижаларга эришишга хар бир таълим муассасаси харакат қилади.

ТАКОМИЛЛАШТИРИШ—жараёнида олийгох мунтазам равишда таълим сифатини ошириб, билимни талабаларга узатиш йуллари изланади. Такомиллаштириш жараёни таълимнинг турли босқичларида , бошқарувнинг пастдан то юкори звеносигача, уқитиш жараёнида, назорат ва бахолаш механизмида маъсулият ва жавобгарлик хиссини англаган холда амалга оширилиши керак. Бундай вазифалар таълим сифатига бевосита таъсир этиб, олий таълимнинг стратегик йуналишларини белгилаб беради. Сифатни оширишнинг турли усуллари СКМнинг барча

кисмларида маълум йуналишларига нисбатан берилган.

Олий таълимнинг муҳимлиги хақида аҳоли уртасида тағрибот ишларини олиб бориш, олий таълим тугрисида тулик маълумотларни бериш, тегишли аудиторияга мос суҳбат уюштириш, турли ижтимоий гуруҳлар орасида иш олиб бориш жуда муҳим.

Барча олий таълим муассасалари маълум дастур асосида тегишли малака беришда СКМда келтирилган Талабларга- катъий риоя қилишлари шарт.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ -термини ОТСНК Агентлиги томонидан классификацияланган ва маълум дастурлар асосида тегишли малака ёки илмий даража бериш учун ваколатланган муассаса тушунилади.

Олий таълим КЛАССИФИКАЦИЯ ТАРКИБИНИНГ 4-8 Даражасига мос келувчи дастур хисобланиб., Англия, Уэльс ва Шимолий Ирландияда ва 7-12 даража Шотландия олийгоҳларига тугри келади.

Олий таълим муассасалари уз ваколат доираларида ва мажбуриятлари асосида фаолият курсатишлари лозим. Олий таълим малакаси ва илмий даража беришга ваколатланган муассасалар руйхати тегишли сайтларда берилган. www.gov.uk/recognised-uk-degrees//

-Олий таълим муассасалари тегишли тармоқлар, вазирликлар иштирокида ҳам илмий унвонлар бериш ваколатига ҳам эгалар. Медицина, юриспруденция каби соҳаларда бу кулланади.

Малакалар буйича Шотландия Департаменти томонидан диплом ва Миллий Олий Таълим Аттестати берилади.

Таълим муассасаси кафедра, факультет, укув юрти ёки муассасадан иборат. Колледж ва мактаблар ҳам кафедра ташкил қилиши мумкин. СКМ да Дастур ибораси тасдиқланган, маълум курс, йуналишга мувофиқланган таълим мазмунини билдиради. Агар дастур бир бирига боғлиқ бўлмаган формал таркиблантирилган бирликлардан иборат бўлса улар Модул деб аталади. Укув предмети маълум соҳадаги билимлар мажмуасини англатади. Малака –академик стандартларга мос равишда талабанинг баҳолашлар асосида зарурий натижаларга эришганлигини ва стандартларга мослик даражасини англатувчи иборадир.

«Малум равишда химояланган талабалар гуруҳи» Тенглик Акти (2010)га Мувофиқ Алоҳида Стандартлар ва дастурлар асосида баҳоланади.

Сифатни таъминлаш Узи Нима? Буюкбритания олий таълим муассасалари талабаларининг манфатларини химоя қилган ҳолда юқори академик стандартлар асосида билим бериш жараёни ва унинг сифатини

кафолатлашдир.

Сифат коидаларининг мажмуасининг буюкбританиянинг 4 маъмурий худудда кулланиши .

СКМ БУЮКБРИТИЯНИНГ бутун майдонида бирдек куча эга булиб олий талим секторинг маълум даражадаги интеграцияси ва боғликлигини акс эттиради. Аммо лекин, бази холларда бу коидалар мажмуаси бази худудларда айрим узгартиришлар киритиб кулланилади ,масалан Шотландияда, УЭЛБС ва Шимолий Ирландияда олий талим сиёсати БУЮК БРИТИЯНИНГ парламенти ёки ассамблеяларга ваколатланган. Натижада Олий талимга тегишли сиёсий масалалар, хусусан укиш учун тулов, хомийлик шунингдек бошқарув масалари турлича булиши мумкин.

Шотландия касбий талимида олий талим.

Шотландияда олий касбий малаканинг асосий шакллари булиб малакавий аттестатлар ва Миллий Олий Талим Дипломлари хисобланади. Бу малакаларнинг аксарият қисми Шотландиянинг Малакалар Буйича Департаменти тассаруфида булиб, бу малакаларнинг академик стандартлари учун бевосита жавобгарликни уз зиммасига олган. Бундан ташқари Молиялаштириш буйича Шотландия кенгаши Шотландия талим булими билан шартнома имзолаган ва олий талимнинг кейинги ривожланиши учун маблаг ажратади.

Шунинг учун Шотландияда сифат коидалари мажмуаси олий талим муассасида у ёки бу малакани олиш мақсадида кулланилади. Олий талим Касбий талим коллежлари томонидан ҳам бералиди.СКМнинг талабларига асосан талабарга сифатли талим бериш ва академик сатндарларга мос келиш агентлик томондан рағбатлантирилади.

Кириш курси сифатини тامينлашда СКМни куллаш.

Агар талабалар олий талим квалификатсияси таркибининг 4-8 даражаларида малака ёки академик унвон олиш учун укиётган булса (Англия,Уелс ва Шимолий Ирландия)ёки Шотландиянинг малакалар квалификатсияси таркибинг 7-12 даражасида талим олаётган булса СКМнинг талаблари кулланилади.Кириш курслари одатда йиллик дастурлар, таёрлов дастурлари шаклида ишлаб чиқилади. Агар кириш курси олохида булиб олий талимнинг бошқа дастурлари боғлиқ булмаса у СКМ коидаларига мос келмаслиги ва бошқа стандартлар орқали тартибга солиниши ва ишлаб чиқиши мумкин.илмий унвон беришда Халқаро даражада Малум фанлар доирасида илмий кенгашлар ташкил қилиниши ва тегишли Стандартларга асосан илмий иш натижалари халқаро экспертлари томонидан баҳоланиши мумкин. Бу холда алохида қонуний ва тартибга солувчи

схемалардан фойдаланилади.



V. ГЛОССАРИЙ

V. ГЛОССАРИЙ

Таълим тизимини бошқариш – таълим соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш; унинг қонуний асосларини яратиш; таълим жараёнини стандартлаштириш; молиявий режалаштириш ва таъминлаш; таълим муассасаларини самарали бошқариш ва назорат қилиш; таълим сифатини баҳолаш тизими.

Primary schools – 2 дан 11 ёшгача бўлган ўқувчилар ўқийдилар. Иккинчи босқич имтиҳонлари натижалари Secondary School мактабларига ўқишга кириш учун муҳим ҳисобланади.

Junior Schools – 7 дан 13 ёшгача бўлган болалар учун. Бу ерда болалар турли хил бошланғич умумтаълим фанларини ўқийдилар ва Common Entrance Examination имтиҳонини топширадилар. Ушбу имтиҳонларни ижобий топшириш – юқори мактабга албатта қабул қилинади.

Senior Schools — балоғат ёшидаги 13 дан 18 ёшгача бўлган болалар учун мўлжалланган.

Фундаментал таълим – бу 3 - 4 семестрли ўқиш бўлиб, уни тугаллаган талабалар “лиценциат” даражаси.

Асосий таълим – бу 4 - 6 семестрли ўқиш ҳисобланиб, ижобий тугаллаган талабалар магистрлик дипломини олиши.

Duales Studium тизими – 2 - 3 йил давом этади. Ушбу ўқиш вақти давомида ўқувчи ҳафтасига 3-4 кун ўзи билан шартнома тузган фирмада ишлайди.

«Сиокусан когио» - илғор Ғарб ишлаб чиқариш технологияси асосида мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш.

ЮНЕСКО – БМТнинг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти. Универсал хусусиятдаги ҳукуматлараро ташкилот.

ENQA - Олий таълим сифатини таъминлаш бўйича Европа ассоциацияси – The European Association for Quality Assurance in Higher Education.

EQAR - Олий таълим сифати бўйича Европа реестри – The European Quality Assurance Register for Higher Education.

ALECSO - Араб давлатлари Лигасининг Таълим, маданият ва фан масалалари бўйича ташкилоти – Arab League Educational Cultural and Scientific Organization.

IAU - Университетларнинг халқаро ассоциацияси – International Association of Universities.

ACA - Академик ҳамкорлик Ассоциацияси – Academic Cooperation Association.

OUVS - The Open University Validation Services - таълим муассасалари фаолиятини аккредитациялаш ҳамда валидациялаш.

ОТСНК - Олий Таълим Сифатини Назорат Килиш Агентлиги

Хомий ташкилотлар - олий таълим тизимини конуний даражада баҳолашда иштирок этишлари мажбурий булиб, узлари молиялаштираётган муассасани текширишда катнашадилар.

АКАДЕМИК СИФАТ – тегишли малакани олиш учун талабалар кай даражада яхши сифатли билим олиш имкониятига эга эканлигини англатади.

ТАКОМИЛЛАШТИРИШ — жараёнида олийгоҳ мунтазам равишда таълим сифатини ошириб, билимни талабаларга узатиш йуллари изланади.

Малака – академик стандартларга мос равишда талабанинг баҳолашлар ассосида зарурий натижаларга эришганлигини ва стандартларга мослик даражасини англатувчи ибора.

ISO халқаро стандартлаш ташкилоти - саноатни стандартлаштириш соҳасида сифатни бошқариш ва озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳавфсизлигини таъминлашгача имкон берадиган, бутун дунё бўйича корхона ва ташкилотларнинг фаолиятига турли шартларни ўрнатадиган халқаро стандартлаштириш ташкилоти бўлиб, энг қадимий ва энг катта тажрибага эга ташкилот.

EOMS шартлар тўпламини бошқариш воситаси сифатида фойдаланиш учун мўлжалланган бўлиб, таълим муассасаларида талабаларнинг, профессор ўқитувчилар, ходимлар, истеъмолчилар ва бошқа қизиқувчи томонларларнинг шартларини, улар ўртасидаги интеграциянинг таъминланишига хизмат қилади.

Стандарт – таълимда яратилган меъёрий режа, дастур, дарсликларни ўзлаштириш эквиваленти, яъни таълим мазмунини ўзлаштириш даражасидир.

VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

VI. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.–Т.:Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020

йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 343-сонли Қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2001 йил 16 августдаги “343-сонли қорорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сонли қарори.

Ш. Махсус адабиётлар:

16. Апакаев П.А., Мерлина Н.И., Матвеева О.А. Системно-функциональный анализ подходов к понятию «качество образования» // Современные проблемы науки и образования. – 2012. – № 3. – С. 16-19.

17. Мирзахмедов Б.Х., Норкулова К.Т. Олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот фаолиятини бошқариш ва самарадорлигини ошириш масалалари// “Олий таълим тизимида илмий-тадқиқот фаолиятини самарали ташкил этиш ва натижавийлигини оширишнинг долзарб масалалари” Республика илмий-амалий конференцияси маърузалар тўплами, Тошкент, 11 декабрь, 2014 йил, 44-49 б.

18. Рябов Л.П. АҚШ, Япония, Германия, Франция, Буюк Британия каби ривожланган давлатлар олий таълим тизимидаги инновацион жараёнлар ва ижобий ўзгаришлар таҳлили. –М.: 2011.

19. Эркаева Г.П. Таълим сифатини оширишда хорижий ҳамкорлик // Та'қиб, fan va innovatsiya. Тошкент. 2015. №3. 27-30 б.

20. American Association for Higher Education and Accreditation (AAHEA) Standarts.

21. Andreas Houecht (2006) Quality Assurance in UK Higher Education. Springler. Higher Education. 51. 541-563.

22. Campbell C., C.Rozniyai. Quality assurance and development of course Programmes. Bucharest. – 2002. - UNESCO Series. - P. 14-15.

23. Cheng Y.C., Tam W.M. (1997) Multy Models of Quality in Education. Quality Assurance in Education, University of Oslo. - 5. – P. 22-31.

24. Convention on the Recognition of Qualifications concerning Higher Education in the European Region. Lisbon, 11. IV. 1997.

25. Csizmadiya T. Quality Management in Hungarian higher education. The International Journal for Quality and Standarts. - 2002. -P. 14-17.

26. Diana G., What is Quality in Higher Education? Sicity for Research into Higher Education. - Ltd. London. – P. 1-21.

27. European Higher Education Area and Bologna Process.
28. Houecht A.. Quality Assurance in UK Higher Education. - Springer. - Higher Education. - 51. –P. 541-563.
29. International Organization for Standardization (2006). The ISO survey of certifications 2005. Genève: ISO Central Secretariat.
30. International Organization for Standardization. (2009a). ISO 9001: 2008 handbook for educational organizations –What to do: Advice from IWA 2 working group (2nd ed.). Switzerland: Author.
31. Quality Assurance and Accreditation. UNESCO [ISBN 92-9069-178-6].
32. Standards and Guidelines for Quality Assurance in the European Higher Education Area (ESG).
33. The European Commission on New modes of learning and teaching in higher education. October, 2014. Luxembourg: Publications Office of the European Union. – 2014. – 68 pp.
34. Tibor Csizmadiya (2006) Quality Management in Hungarian higher education. The International Journal for Quality and Standarts. P. 14-17.
35. U.S. Department of Education. Accreditation: Universities and Higher Education. Council for the Advancement of Standarts (CAS) Professional Standards for Higher Education.
36. Vlasceanu L., L.Grunberg, D.Parlea. Quality Assurance and Accreditation: Glossary of Basic Terms and Defenations. -Bucharest: UNESCO [ISBN 92-9069-178-6].
37. World Bank. (1994). Higher Education: Lessons of Experience. Washington D.C. pp 66-76.

IV. Интернет сайтлари:

38. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
39. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси
40. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази
41. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали Ziyonet
42. <http://natlib.uz> – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси.